

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛОВ АБДИМЎМИН ИБРАГИМОВИЧ

ПСИХОДИАГНОСТИКА

ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2009

Ушбу ўқув услубий қўлланма психология бўлими талабаларининг умумий психодиагностика курси бўйича амалий машғулотлар учун тақдим этиладиган психодиагностик методикаларга бағишланган.

Шунингдек, методикада шахс психодиагностикаси муаммолари ва уларга доир диагностик саволномаларнинг тарихи хусусида ҳам айрим назарий маълумотлар бериб ўтилган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма умумий психодиагностика курси бўйича машғулотларда ўқитувчи ва талабалар фойдаланиши учун мўлжалланган.

1-БЎЛИМ. ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Тестологияда етарлича изланишлар ва методикалар яратилаётган бўлса-да, аммо татбиқ этишдаги сифати масаласи доимо мутахассислар диққат маракази бўлиши лозим бўлади. Тестология тарихидан ҳам маълумки, дастлабки диагностик методикалар, хусусан, испан олими Хуан Харт (1530-1589), Ж.Эскирол (1772-1840), Э.Сеген (1812-1880), томонидан тақдим этилган диагностик воситалар инсон психологиясининг маълум бир жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлса-да, ташхис натижалари сифатини баҳолаш борасида маълум талаблар масалалари хусусида тўхталишга эрта эди. Шундай бўлса-да, француз олимлар Ж.Эскирол ва Э.Сегенлар психик касаллик билан ақлий тараққиётдан ортда қолиш ўртасида фарқлашни мезонлар орқали ўрганишга киришган эдилар [1, 10-12].

Илмий Тестологиянинг таркиб топишида психология фанида эксперимент ва ўлчаш ғояларининг кириб келганлигини тадқиқот соҳасида кўйилган катта қадам деб баҳолаш мумкин. Бу борадаги ўринишларни XIX асрнинг 30-йилларида немис олими Вольф томонидан диққат хусусиятларини аниқлаш борасидаги узок вақт давомида олиб борган изланишларида кузатиш мумкин. Бу эса немис олимини психометрия тушунчасини фанга олиб кирган деган хулосани беради. Э.Вебер ва Г.Фехнернинг (XIX асрдаги ўрталари) психофизик тадқиқотлари ҳам экспериментал психологияда психик ходисаларни ўрганишда янги йўналиш очган дейишимиз мумкин. Бу тарздаги тадқиқотларлар кўламини яна бир қатор олимлар мисолида шарҳлаш мумкин. Аммо психологик тадқиқотларда статистик ўайта ишлаш усулларини татбиқ этилишини оламшумул илмий инқилоб деб қараш мумкин. Ф.Гальтон ўз давридаёқ корреляция коэффициентини ҳисоблаш методини (1888 йил) антропометрия ва ирсиятни аниқлашда фойдаланган эди. Ф.Гальтон ва унинг издоши К.Пирсонларнинг корреляция коэффициентини аниқлаш усулини, А.Бине ва Т.Симон интеллектни ўлчашда шкалларга таянгани (1905),

В.Л.Штерн томонидан интеллект коэффициент (IQ)ни фанга киритилганлиги тадқиқотларда сифат ўзгариши юз беришидан далолат беради [1, 13.-23].

Юқорида санаб ўтилган тарихий манбалар психодиагностика соҳасидаги илмий қадамлар ҳисобланади. Аммо бугунги кунда ҳам психодиагностик методикаларни татбиқ этишда сифат масаласига эътибор қаратиш тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Чунки, кўп ҳолатларда тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган муаммонинг баҳолаш аппарати, уларнинг мезонлари ва ёндашувлари мавҳум ҳолда бўлади. Натижада тадқиқотдан олинаётган маълумотларда илмий янглишишлар йўл қўйилади ёки тадқиқот янгилигини изоҳлашга асос бўлмай қолади. Шунинг учун психодиагностик методикаларни татбиқ этиш ёки диагностика сифатини аниқлашда унинг даражалари ва жиҳатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда голланд олими Ян тер Лаакнинг ёндашувини эътиборга олиш лозим. Унинг фикрича Тестологияда сифатни муҳокама қилишдан олдин, тестлар назарияси (классик ва замонавий), муҳит билан тараққиёт борасидаги назарияларни, методика билан тадқиқот муаммосининг мослигини, диагностик жараёнинг боришидаги талабларни яхши билиш муҳим деган хулосани беради [6, 316-321.].

Аммо Тестологияда сифатни аниқлаш масаласи кенг кўламдаги ишларни бажаришни талаб этади. Бунинг учун психодиагностик методикалар сифатини белгиловчи асосий жиҳатларга мурожаат этиш ўринли. Психодиагностик методикалар сифатини белгилашда бешта категорияга таянилади: тестларни яратиш мақсади, тестни структуралаштириш, меъёрлар (нормалар), ишонччилик ва валидлик. Бундан кўринадики, тестлар ва сўровномалар яққол психодиагностик ишланмалар натижаси саналади. Уларни баҳолаш эса ўзига хос тизими мавжуд. Баҳолаш тизимидаги етакчи категориялар, яъни ишонччилик ва валидликни ўзини ҳам тўғри фарқлай олиш лозим.

Психодиагностик адабиётларда қайд этилган маълумотларга таянганимизда, тест назариялари борасида ўзига хос тажрибалар ва талаблар аниқ белгилаб қўйилганлигини гувоҳи бўламиз [1, 2, 3, 4, 5]. Тестлар ва

сўровномаларни яратиш, уларни бир муҳитдан иккинчисига мослаштириш ёки янги модификацияларни яратишни ўзи улардан муттасил фойдаланиш лозим деган хулосани бермайди. Тестлар ва сўровномаларни ишончли ва валидлигини белгиловчи стандартлар мавжуд. АҚШда ҳар йили объектив кўрсаткичларга эга бўлган тестлар ва сўровномалар ҳақида “Ақлий қобилиятларни ўлчаш йилномасида” маълумотлар бериб борилади. Бундан кўринадики, қатор мамлакатларда тестлар ва сўровномалар расмийлаштирилади ва баҳоланиб бориладиган экан.

Бугунги кунда бизнинг шароитимизда ҳам психодиагностик тадбирларда сифат босқичига эриш учун мавжуд тажрибаларга таяниб, маҳаллий мутахассислар томонидан бир қатор масалалар қайта кўриб чиқилиши лозим:

1. Жаҳон психологиясида қўлланилиб келаётган “Стандартлар”га таяниб, психодиагностик методикалардан фойдаланиш борасида маҳаллий муҳит учун аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

2. Маҳаллий шароит учун қўлланиши лозим бўлган психодиагностик методикаларни нашр эттириб боришни йўлга қўйиш.

3. Тест ва сўровномалардан фойдаланишнинг илмий-тадбиқий асослар бўйича Республика миқёсида анжуман ўтказиш.

4. Психодиагностик методикалардан фойдаланиш бўйича амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш.

5. Мутахассислар тайёрлаш жараёнида Тестология ва тестология курслари ўқув дастурларида тест ва уларнинг стандартлари масаласи учун алоҳида машғулот мавзулари ажратиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бўйича олиб бориладиган чора-тадбирлар Республикада психологик тадқиқотларда сифатга эришишда ижобий натижалар беради.

Психологик тестлардан фойдаланишнинг тарихий тараққиётининг бир даври 20-асрнинг бошларида Француз олимлари А.Бине ва Т.Симонларнинг хизматлари каттадир. Чунки улар томонидан боданинг мактабга тайёрлигини

психологик аниқлашга қаратилган дастлабки уринишлари замирида Ж.Кеттелнинг интеллект тўғрисида изланишларининг узвий давоми сифатида карашга тўғри келади. Уларнинг изланишларида Франция маориф вазирлиги томонидан берилган топшириқларни амалга ошириш учун олиб борган ишлари натижасида психологияда ақлий ёшни аниқлашга эришдилар.

А.Бине ва Т.Симоннинг изланишларига қадар немис олими Г.Эббингаус томонидан олиб борилган изланишлар айнан уларнинг интеллектула тестларни ишлаб чиқиши учун назарий асос бўлди дейиш мумкин. Чунки, Г.Эббингаус томонидан тақдим этилган хотирани ўрганиш тестлари инсон психологияси борасидаги Янги методик изланишлар натижаси эди.

1905 йилда А.Бине ва Т.Симон болани интеллектини ўрғапнишга қартилган 30 топшириқдан иборат шкала ишлаб чиқдилар. Топшириқлар мураккаблик даражасига кўра тузилган эди. Ушбу топшириқлар хта «кўпол» усулда тузилган бўлиб, (масалан, 5 ёшли бола 14- топшириқдан юқорисини бажара олмайдиган). Ушбу топшириқларда сенсор-перцептив режадаги масалаларга эътибор берилиши билан бир қаторда уларнинг асосийсини вербал материаллар ташкил этар эди.

1908 йилда Бине-Симон шкаласининг такомиллаштирилган варианты эълон қилинди. Бу вариантда 59 тест топшириқлари бўлиб, улар ёш гуруҳига кўра 3 ёшдан 13 ёшгача мўлжалланган эди. Уларнинг ёш хусусиятларига кўра фарқланиши фоиз ҳисобида ажратилар эди. Бунда ёш босқичларини ажратувчи фоизли мезон 67 % дан 75 % диапазон олинган. Берилган топшириқларни кўп миқдорда болалар еча олмасалар бу тест топшириқлари мураккаб, аксинча кўпчилик қисми еча олган ҳолларда енгил тест топшириқлари ҳисобланган.

Тест тарихидаги А.Бине ва Т.Симоннинг тест топшириқларида мисол сифатида келтирилади (1911). Уларнинг илмий изланиш натижалари бир мунча бўлса-да тестларнинг ишлаб чиқишда ўзига хос илмий – назарий асос бўла олган. Уларнинг тест намуналаридаги топшириқлардан келтириб ўтамиз.

7 ёшлилар учун:

1. Ўнг ва чап томонларни фарқлаш.

2. Таклиф этилаётган суратни ифодалаш.
3. Бер нечта топширикларни бажариш.
4. Бер неча чақаларни умумий қийматини айтиш.
5. Кўрсатилган тўрта асосий рангларни номини айтиш.

8 ёшлилар учун:

1. Хотирада иккита объектнинг таққослаш. Уларнинг орасидаги ўхшашликни кўрсатиш.
2. 20 дан 1 га ўараб тескари санаш.
3. Одамларни ифодалашга тушириб ўолдирилганларини топиш (4 та топширик).
4. Кун, сана, ой, йилларни номлаш.
5. Бешта бир хил сонлар қаторини такрорлаш.

А.Бине тестларининг муҳимлиги шундаки ҳар бир ёш меъёрига кўра нормал болалар уларни тўғри еча олган. Бола ўзининг ёшидаги топшириклар гуруҳи еча олган бўлса у нормада деб ҳисобланган. Буни А.Бине боланинг хронологик ёши билан солиштириш асосида аниқланадиган ақлий ёш деб ҳисоблади.

Тестлар тарихида А.Бине ва Т.Симоннинг изланишларини давомида интеллектни мутлоқ эмас, балки нисбий ўлчаш мумкинлигини эътироф этиб, 1912 йилда ИНТЕЛЛЕКТ КОЭФФИЦИЕНТИНИ аниқлаш усулини фанга киритди. Унинг қисқартирилган варианты IQ бўлиб, у

$$IQ = \frac{\text{ақлий ёш}}{\text{хронологик ёш}} * 100$$

Бине ўзининг шкаласидаги бундай ўзгаришларни кўриб, бунга нисбатан самимий муносабатни билдириб, камчиликларини аниқлаш имконига эга бўлди.

Бине-Симоннинг тестлари қисқа вақт оралиғида ер юзига тарқалди. Интеллектни тест орқали ўрганиш борасидаги XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида ривожланиш даври Бине-Симоннинг хизмати билан боғлиқ.

Шунингдек, интеллект тестларини статистик таҳлил билан боғлаб тушунтириш концепцияси Чарльз Эдвард Спирмен қарашларида акс этган. Ч.Спирмен изланишлари интеллектнинг икки омилли назариясисни юзага келишига сабаб бўлди. Ушбу назарига кўра интеллект умумий (G-general faktor) ва махсус (S – spetial faktor) омилларга ажратилди. Концепцияда ижобий корреляциялар фақату мумий омиллар кучида тушунтирилади. Ушбу факторда тестларнинг чуқур кириб бориши улар орасидаги юқори корреляцини ифодалади. Махсус омиллар ўлчашдаги хатоларни ифодалайди. Шундан келиб чиқиб Ч.Спирмен кўп омилларни тўғри ҳисоблаш лозимлиги хулосасасига келди.

Психологик тестлардан фойдаланишнинг XX асрнинг бошларида ривожланиши. Психологик тестларнинг XX асрнинг бошларида ривожланишининг тарихий илдизлари борасидаги дастлабки мулоҳазаларимиз А.Бине ва Т.Симоннинг изланишлари билан бошланган бўлса-да, аммо XX асрнинг бошларида изланишларнинг АҚШда кенг олиб борилди. Дастлаб Бине _симоннинг стандартлаштирилмаган тестларини АҚШда қўллаган тадқиқотчи Генри Годдарт ҳисобланади. Кейинчалик Бине-Симон тестларини Г.Годдартдан сўнгра америкалик олим Льюис Мэдисон Термен Х.Д.Чайльдз Билан биргаликда тестларни адаптация қилиш Билан шуғиллана бошлади. Кўпгина тошириқлар модификация қилинди ва айрим топшириқлар эса қўшилди. Терменнинг мулоҳазаларига кўра IQнинг 90 дан 109 кўрсаткичлари ўртача интеллект даражасини, 70 дан пасти эса ақли пастликни, 140 дан юқориси эса даҳоликни ифодалайди. Термен томонидан адаптация ва модификация этилган тест варианты (Стэнфорд версияси ҳисобланади) АҚШда ақлий қобилиятларни аниқлашда қўлланила бошланди.1917 йилларда АҚШда биринчи жаҳон уруши арафасида кенг кўламда тестлаштириш ишлари амалга оширилди.

Биринчи жаҳон уруши вақтида Психологик тестларнинг инструментарийсининг ривожланишига ўзига хос ўрин тутди. П.Фресснинг фикрича, «тестларни яратишга» асос солинди. Америкада Бош комитет томонидан армияда психологик тадқиқотлар уюштирилди. Комитетда етакчи

психологлар жалб этилди ДЖ.Кеттелл, Г.Стенли Холл, Торндайк ва бошқалар. Ушбу даврда иккита тест батареяларидан фойдаланила бошланди.

б- тестлар ва в-тестлардан фойдаланила бошланди. Армиядаги аскарлардан 1726 000 нафар Аскар тест синовларидан ўтказилди. Улардан 500 000 нафари саводсиз, 8000 нафри эса ақлий заиф сифатида армия зафидан чиқарилди, 20 000 нафари эса махсус батальонга хизматга йўналтирилди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин АҚШда Стэнфорд шкаласидан ташқари Кульман (1922), Йеркс (1923), Геринг (1922), ақлий қобилиятни ўрганишга мўлжалланган CAVD (1925) шкаласи (Торндайк раҳбарлигида) ишлаб чиқилди. Европада интеллект диагностикаси борасида Ришар Мейли самарали изланишлар олиб борди. У интеллектнинг аналитик тести (1928) унинг интеллектни тўрт омили : етарлича мураккаб, пластик, яхлитлик ва раволиги. Дж.Стенквистон томонидан умумий механистик қобилиятни терма тести (1923), Флоренс Лаура Гудинаф Одам расмини чизиш тести (1926) ишлаб чиқди. Бу тестларда олимларни учта муаммо олимларни безовта қилди: 1) катта ёшдагиларни интеллектуал тараққиётини белгилаш учун индивидуал фойдаланиш шкалаларнинг мавжуд эмаслиги; 2) гўдакларни ақлий тараққиёти Аниқлаш учун қулай шкалаларнинг зарурлиги; 3) интеллект ва шахс муҳим психологик конструктлар сифатида психологик тестларни ишлаб чиқишнинг умумий назариясини яратиш.

Болаларнинг ақлий ривожланиш борасидаги энг эътиборга сазовор ишларни Арнольд Люциус Гезеллнинг (1925) ишларида учратиш мумкин. Бу борада унинг «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий тараққиёти» мавзусидаги ишини алоҳида санаб ўтиш ўринли. Гезелл болаларнинг хулқ-атворини ўрганиш учун киномотаграфиядан фойдаланди. Ўзининг кузатишлари асосида «Гўдаклик ва инсон камолоти» (1929) асарида боланинг ривожланиш ҳолатини 3 ойликдан 30 ойлик даврини 195 та мезон билан ўлчаш мумкинлигини қайд этиб ўтди.

Интеллект тестларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда шахсни нокогнитив соҳасини ўрганишга қаратилган методикалар (шахсни ўрганиш тестлари) ҳам яратилишига эътибор қаратилмоқда. Шахс саволномалари борасида Роберт

Сессия Вудвортс (1917) аномал хулқни ўрганишга мўлжалланган тестни ишлаб чиқди. Аммо психологияда шахсни ўрганиш сўровномалари борасида дастлабки саволномаларни биринчи бора 1909 йилда голландиялик олимлар Г.Хейманс билан Е.Вирсм томонидан ишлаб чиқилган деган мулоҳазалар бор. «Шахсий маълумотлар варағи» тарздаги бир неча саволномаларнинг муаллифи саналади.

Сўнгра шахс саволномалари борасида Флойд ва Гордон Олпорт томонидан шахс фазилатлари рейтинги (1921-22) таклиф этдилар.

Фолкер томонидан шахсни баҳолаш тести (1921). Шунингдек психодиагностик тестлар борасида Герман Роршахнинг (1921) ва Трумэн Ли Келлининг (1928) хизматларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Психологик тестларнинг 1930-39 йилларда ривожланиши.

XX асрнинг 30 –йилларида бир қатор тестлар вужудга келди. Уларнинг кўп қисми АҚда яратилди. Шунингдек, 1936 йилда энг етакчи тестлар сифатида қуйидаги бешта тестлар эътироф этилди: Стэнфорд-Бине, Роршах тести, Берштейтернинг шахс саволномаси, Сижонинг Музикий талантни Аниқлаш тести, Стронгнинг профессионал қизиқишларнинг бланки.

1938 йилда буюк Британияда психологияда кенг кўламда қўлланиладиган Равеннинг прогрессив матрицалар тести ишлаб чиқилди. Унинг муаллифлари Дж.Равен ва Л.Пенрос эди Улар умумий интеллектни ўрганиш тестига асос солган эдилар.

Интеллектнинг сусайишини ўрганишга эришган Давид Векслер, ўзининг шкаласини яратди. Унда 11 субъест мавжуд бўлиб, интеллектнинг турли қирраларини ўрганишга қаратилган.

Шунингдек, Векслернинг изланишларида ҳам IQнинг Янги бир коэффицентини топиш формуласи тақдим этилди.

$$IQ = \frac{\text{Эришилган(реал)натижа}}{\text{Ёшгурухидагикутилаётгануртачакурсаткич}}$$

1937 йилда Калифорния университетида ақлий етукликни аниқлаш тести эълон қилинди. Унинг муаллифлари Эдвард Ли Торндайк ва Луис Лион Терстоун

хисобланади. 1938 йилда Терстоун ўзининг бирламчи ақлий қобилият тестларини эълон қилди.

30-йиллардаги яна бир ютуғли изланишларни Уристиан Морган ва Генри Александр Мюррей амалга оширди. Уларнинг 1935 йилда «Шах стадқиқотлари» китодида психологик проекция тўғрисидаги назарий ғоя хусусида тўхталинган эди. Сўнгра у асосида Тематик апперцепция тести (ТАТ) вужудга келди.

Шунингдек ушбу йилларда проектив методикаларнинг яратилишида туб бурилиш юз берди дейиш мумкин. Чунки, венгер-швецариялик олим Леопольд Сонди тести психология оламига кириб келди. Унинг тестида 6 серия ҳар хил психик касалликдан азобланаётган беморларнинг (ҳар бир серияда 8 тадан портретлар) фотографиялар бўлиб, Текширилувчилар ҳар бир сериядан ўзларига энг кўп ёқувчи ва энг кам ёқувчиларидан иккитасини танлаш тавсия этилган.

40-йилларда психологик тестларнинг ривожланиши.

1940 йилларда Оскар Буроснинг «психик ўлчашларнинг йилномаси» нашрида психологик ьестлар ҳақида маълумотлар тақдим этила бошланди. Бунда 325 тест шарҳланиб, 200 тест фақат санаб ўтилган эди.

Биринчи жаҳон уруши сингари Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳам АҚШда Янги тестлар ишлаб чиқила борди. Америкалик олимлар Яна асосий эътиборни армия учун зарур гуруҳий тестларни яратишга киришдилар ва Армиянинг умумий классифкацияловчи тести-гуруҳий тести яратилди. Унда 10млн яқин ҳарбий хизматчилар ҳтказилдилар. Шунингдек, ҳарбийларда Роршах, ТАТнинг қисқартирилган тести, вазиятли тестлар ҳам татбиқ этила бошланди. Буюк Британияда эса Равеннинг прогрессив матрицалари ҳарбий классифкациялашда қўлланила бошланди.

40-йилларда Эришилганлик Стэнфорд тести, Отиснинг классифкацион тести, Кьюдернинг 168 топшириқли саволномаси, Шу йиллари Катрин Бриггс ва унинг қизи Исабел Майерс томонида «Майерс-Бриггснинг типлар индикатори» устида ишлар олиб борилиб, 1962 йилдагина ушбу тест эълон қилинди.

Ушбу йилларда кўпчиликни эътиборини Миннесотскийнинг кўп жабҳали шахсни ўрганиш савономаси (MMPI) ўзига жалб этди. Г.Ю.Айзенкнинг Моудслейск тиббиёт саволномаси яратилди.

Гилфорднинг «Темперамент шарҳи»ни яратилишига олиб келди.

Урушдан сўнгра Саул Розенцвейнинг фрустрацияга реакцияни аниқлаш проектив тести (24 та суратдан иборат) вужудга келди.

50-йилларда Векслернинг катта ёшдагиларни интеллектини ўрганиш шкаласи яратилди. Р.Кеттеллнинг интеллектни аниқлашнинг эркин маданий тести ва 16 факторли шахс саволномаси яратилди (1958). Дж.Тейлорнинг безовталанишнинг намоён бўлишини аниқлаш методикаси (1953) кенг кўламда тадқиқот майдонига кириб келди.

1.2. ПСИХОЛОГ-ТАДҚИҚОТЧИНИНГ КАСБИЙ-ЭТИКАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Жаҳон психологияси тажрибалари кўрсатадики, психодиагностика ва психологик тестлар билан шуғулланишда маълум стандартлар ва кодексларга амал қилинади. Ушбу стандарт ва кодексларга кўра, психодиагностик методика натижаларини шарҳлаш учун психолог масъулдир. Агар психодиагностик текширув натижасида текширилган шахс бирор маънавий ёки моддий зарар кўрса, психолог жавобгар ҳисобланади. Бундан кўринадики, психолог-психодиагност ўзининг касбий ҳуқуқига эга. Улар касбий-этикавий тамойилларни доимо ёдда тутиши ва уларга амал қилиши лозим. Биз тақдим этаётган касбий-этикавий тамойиллар фақат мутахассис-психологлар учунгина эмас, балки таълим муассасаси раҳбари, педагоглар учун ҳам мўлжалланган. Касбий фаолият жараёнида ушбу касбий-этикавий тамойилларга амал қилиш фойдадан холи эмас.

Психодиагностик методикалардан фойдаланишда махсус тайёргарликка эга бўлиш. Ушбу тамойилга кўра, психодиагностик методикаларни амалий қўллаши учун мутахассис-психолог етарлича касбий тайёргарликка ва психологик билимга эга бўлиши зарур. Чунки ундан таълим муассасаси муаммосидан келиб чиққан ҳолда психодиагностика методикаларини танлай билиш, уларни тўғри татбиқ этиш ва натижаларни ҳаққоний таҳлил этиш талаб этилади. Масалан, маънавий ривожланишдан орқада қолган ўқувчилар билан шуғулланувчи психолог нафақат психодиагностика методикаларини, балки ўқувчиларда кузатиладиган номукамаллик даражаларини ҳам билиши лозим бўлади. Шунингдек, психолог танланган методикага алоқадор бўлган илмий адабиётларни, методиканинг техник кўрсаткичларини, яъни ишончилиги, валидлиги, ҳаққонийлиги ва меъёрларнинг кафолатланганлигини баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Касбий сирларни сақлаш. Ушбу тамойилга кўра, танлаган методикалар моҳияти бошқаларга овоза қилинмаслиги ва улардан ғайри инсоний мақсадларда фойдаланилмаслик керак. Касбий сирни сақлаш психологнинг нуфузи ва обрўсини таъминлайди, шу билан биргаликда психодиагностика методларини тўғри ва аниқ қўллашга хизмат қилади, ташқи аралашувларга йўл қўйилмайди. Психодиагностика методларидан муҳим бўлмаган масалаларда фойдаланиш ёки уларни мутахассис бўлмаган шахсларнинг қўллаши фанда ёлғон маълумотларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Демак, таълим муассасасида ташкил этиладиган психодиагностик текширувларни ўтказишда ушбу тамойил психологнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Шахс ҳуқуқларини таъминлаш. Бу — психологиядаги мураккаб масалалардан бири. Қатор тестлар шахснинг ҳиссий ва мотивацион соҳаларини, барқарор ҳолатлари, ички кечинмалари (установкалари)ни ўрганишга қаратилган бўлади. Бунда шахснинг ўзи хоҳламаган ёки англаб етмаган хусусиятлари аниқланиши мумкин. Бундай ҳолда шахснинг маънавий зарар кўришига йўл қўйилмаслиги керак. Шунинг учун текширилувчи шахс текшириш натижалари бўйича ким ва қандай қарор қабул қилиниши ҳақида огоҳлантирилиши, яъни уни тест

синовидан ўтказиб, сирларини барчага ошкор қилмаслик керак. Агар текширилувчи балоғатга етмаган бўлса, унинг ота-онаси тест натижаларидан хабардор бўлиши керак. Ушбу касбий-этикавий тамойилга кўра, психодиагностик текширувда иштирок этаётган шахс ҳуқуқлари ва сирлари ҳимоя қилинади. Бу гарчанд психолог ишини мураккаблаштира-да, лекин унинг касбий тайёргарлигига талабни кучайтиради.

Ҳаққонийлик. Бу тамойилга кўра, психолог текширишлар ўтказиш жараёнида текширилувчи шахсига у ёки бу даражада (ижобий ёки салбий) таъсир ўтказмаслиги керак. Тест ўтказиш жараёнида унга нисбатан симпатия ёки антипатияга йўл қўйилмаслиги, муносабатлар самимий ва холис бўлиши лозим. Унга хайрихоҳ муносабатда бўлиб, бирор тест саволи жавобини айтиб юбормаслик талаб этилади. Мабодо синалувчи тест йўриқномасини тушунмасдан топшириқларни бажарган бўлса, уни тузатиш юзасидан кўрсатма бериш мумкин.

Конфиденциаллик. Текширув натижалари сир сақланиши ва улардан тегишли шахслар (психологлар, педагоглар, ота-оналар) фойдаланиши зарур. Текшириб кўрилган ўқувчининг розилиги асосида текширув натижалари бошқаларга маълум қилиниши мумкин. Агар ўқувчи тестдан паст натижа олган бўлса, психолог бу ҳақда унинг ота-онасига дарҳол маълум қилмаслиги, бақлки кейинроқ олинган натижалар учун унинг зинҳор айби йўқлигини тушунтириши лозим. Энг муҳими, тестдан паст натижа олгани учун ўқувчининг ота-онаси томонидан жазоланишига йўл қўйилмаслиги керак. Агар ўқувчи олган натижалар уни огоҳлантирмасдан ота-онаси ёки ўқитувчига тақдим этилса, психолог хатога йўл қўйган ҳисобланади. Маълумотлар кимга тақдим этилиши ҳақида ўқувчи (ёки текширувдан ўтган шахс) хабардор бўлиши шарт.

Текширув натижаларини психопрофлактик изоҳлаш. Ушбу касбий-этикавий тамойилга кўра, агар текширилувчи шахс ҳақида тақдим этилган далилий материаллардаги маълумотларга тузатиш киритиш ёки уларни аниқлаштириш талаб этилса, текширилувчининг ўзи натижалар мазмуни бўйича шарҳ бериши мумкин. Масалан, таълим муассасасида ўқувчи ҳақидаги текширув натижалари

Ўқитувчи томондан сўралмаса, ёки аксинча, ушбу маълумот ошкор қилинган ҳолда ўқувчининг психологик ҳолатида салбий ўзгаришлар юз бериши мумкинлигини психолог билса, у ўқувчи ҳақидаги маълумотларни ўқитувчига умуман тақдим этмаслиги керак.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, психодиагностик ишларни ташкил этишда психолог бир қанча талабларга амал қилиши лозим:

Биринчидан, психолог дифференциал психометриянинг асосларини ва психологик адабиётларни таҳлил этиш методларини, умумий назарий-методологик тамойилларни амалий қўллашни билиши ва удаллаши лозим.

Иккинчидан, ахборот маълумотлар банкини ва тест воситалари банкини яратиши зарур.

Учинчидан, психодиагностик текширувлар ўтказувчи психолог тест маълумотлари асосида қабул қиладиган қарори, қўлланилган методиканинг валидлигини ва ташхиснинг зарурий ишончлилиқ даражасини таъминлаш учун масъул.

Тўртинчидан, психолог психодиагностиканинг комплекс методикасини ишлаб чиқишда диагностиканинг юқори самарадорлигига асосланиши, тегишли соҳада қўлланиладиган усулларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориши керак.

Бешинчидан, диагностик иш жараёнида психодиагностик методикаларни стандартлаштириш талабларига риоя этиши, олинган маълумотларни қайта ишлаши ва талқин қилиши керак.

Олтинчидан, психологдан методик воситалардан тўғри фойдаланиш, психологик ахборотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш, шунингасалбий йўналишдаги фанларни ўрганиш, ишлаб чиқариш таълими бўйича ўтказилган амалий ишлар (айниқса, юқори курсларда) ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича олган билимларини мустаҳкамлайди, уларни тўлдирди ва чуқурлаштирди. Ўқувчиларга ўрганилган фанларнинг амалда қанчалиқ фойдали экани, ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишига, ва албатта,

қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича кичик мутахассислар фаолияти самарадорлигига таъсири ишончли ва ёрқин мисоллар асосида кўрсатиб берилади.

1.3. ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ ПСИХОМЕТРИК АСОСЛАРИ

1.3.1. Методикалар яратиш технологияси ва уларни маҳаллий шароитга мослаштириш

Тестлаштириш тўғрисида сўз борганда биринчи навбатда «тест» сўзи тўғрисида тўхталишимизга тўғри келади. Тестлар инглизча сўздан олинган бўлиб, синов, синаш, тажриба маъносини билдиради. Тест қисқа муддатли стандартлаштирилган синаш воситаси бўлиб, энг муҳим ва аҳамиятли маълумотларни олишга мўлжалланган.

Тестлаштириш концепциянинг асосида шахс хусусиятларини баҳолаш ва ўлчаш методи тушунилади ва у қуйидагиларга таянади:

1. Шахснинг ички (психологик) хусусияталари индикаторлар ёрдамида аниқланади.
2. Индикаторлар махсус процедуралар билан ўлчанадиган ёки объектини кузатиш орқали ифодаланади.
3. Ташқи (хулқий) ва шахснинг ички хусусиятлари ўртасида бир хил сабабий боғланиш мавжуд: кузатилаётган хатти-харакат ёки реакция билан маълум шахс хусусиятларини туғилишида кўринади.

4. Тест синовларида кенг кўламли тадқиқот танланмаларида амалга оширилади. (В.М.Русалов, О.В.Гусева, Ю.М.Забродин, В.И.Похилько, А.Г.Шмелев, А.Г.Виноградов)

Тест топшириқларини аниқлаш

-Тестнинг тузиш мақсадини белгилаш

-тестнинг ўзига хослигини белгилаш

Тест тузиш босқичлари



Хорижий тестларни мослаштириш

Хорижий тестларни мослаштиришда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Теснинг оригинал вариантдан иккинчи тилда таржимаси бўйича дастлабки вариантыни тайёрлаш
2. Лингвист ва теснинг оригинал вариантыни тушунувчи мутахассисни жалб этиш орқали тес мазмунини эксперт баҳолаш;
3. Тесни асли билан экспериментал тажрибасидаги шкалаларни эквалентлигини текшириш;
4. янги шкалаларни ўрнатиш ва маҳаллий танланмалар бўйича мос меъёрларни тўплаш. (Ю.Л.Ханин, 1977)

1.3.2. Психодагностик тестларнинг эффективлиги қуйидаги шартлар белгилайди:

- Шкалалар интервалидан фойдаланиш
- Ишонччилик
- Валидлик

— Дискриминативлик

— Норматив маълумотлар йиғиш

Тест топшириқларининг ички мувофиқлик даражасига эгаллиги ва текширилувчидан бир неча бора тест топшириғи синаб кўрилганда натижаларнинг бир хил миқдорий курсаткичга эга бўлиши унинг ишончлилигини белгилади.

Тестларнинг ишончлилигини аниқлашнинг уч қондаси мавжуд:

1. Рестест-тестни қайта ўтказиш орқали, яъни тест ўтказилгандан сўнгра маълум вақт ўтгандан сўнгра яна айнан олдин текширувдан ўтган синалувчилар яна қайта тестдан ўтказилади. (П.Клайн ретест ўтказиш муддатини 6 ой оралиғи деб белгилайди, Л.Ф.Бурлачук эса буни 3 ҳафта оралиғи етарли деган хулосани беради).
2. Бир вақтни ўзида тестнинг иккита, яъни эквалентидан фойдаланиш.
3. Тестларнинг жуфт ва тоқ топшириқлари бўйича ишончлилигини ҳисоблашда уларнинг жуфт ва тоқ рақамли топшириқлари орасидаги корреляцияни ҳисоблаб чиқиш.

$$r_{11} = \frac{2r_{1/21/2}}{1 + r_{1/21/2}}$$

Тестларнинг ишончлилигини аниқлашда 200 ва ундан ортиқ текширилувчилардан ҳамда репрезентатив танланмаларда амалга оширилади.

Валидлик. Тестнинг ўрганиш мўлжалланган хусусиятни ўлчай олиш имконияти унинг валидлигини белгилайди.

Валидлик турлари:

1. Конкурент валидлик
2. Прогностик валидлик
3. Концептуал валидлик

Тестларни стандартлаштириш-психометрик ўлчаш тадбирлаининг бири сифатида қаралади ва улар текширилувчиларни бир-бири билан қиёслашда ва натижаларни таҳлил этиш учун зарур меъёр ҳисобланади.

500 кишилиқ танланма олинади.

Стандартлаштириш. Тестларни стандартлаштириш психометриканинг асосий талабларидан бир саналади. «Стен»(**Standart ten-стандартная десятка**)

$$Z = \frac{X - X'}{S_x}$$

Z-стандарт балл

X-қуруқ балл

X' стандартлаштириш танланмасидаги ўртача балл

S_x-стандартлаштириш танланмаси бўйича стандарт оғиш

Стен Z..2Қ5.5 марказий қиймат 5.5 ва стандарт оғиш эса 2 га тенг

Қуруқ балларни стенларга ажратиш бўйича намуна

Қуруқ балл	0-6	7-8	8-9	10-13	14-16	17-19	20-22	23-24	25	26-30
Стенлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Тест топшириқларини аниқлаш

-Тестнинг тузиш мақсадини белгилаш

-Тестнинг ўзига хослигини белгилаш

Тенстлар тузиш қоидалари: психодиагностикада шахс сўровномалари тузиш учун бир қатор талабларга амал қилинади:

— Ҳар бир топшириқ битта савол орқали берилиши.

— Ҳар бир топшириқ содда ва аниқ тузилган бўлиши.

— Икки мазмун саволлар тузишдан қочиши.

— Синалувчи қандай хусусиятларини ўрганилишини пайқамаслиги керак

Тестларни расмийлаштириш талаблари

1. Ҳар бир топшириқ рақамланади.
2. Ҳар бир қатор 10-12 сўздан ошиб кетмаган ва қисқа ва мазмунли бўлиши лозим.
3. Ҳар бир топшириқ тўғри вертикал тарзда тепадан пастга қ-қараб варақнинг чап томонида қайд этилиши лозим.
4. Ҳар топшириқнинг жавоблар варианты топшириқнинг тўғрисида ва варақнинг ўнг томонида мос равишда берилиши лозим
 1. _____ ҳа билмайман йўқ
 2. _____ ҳа билмайман йўқ
5. Ҳар бир топшириқ бир-биридан ажратилган ҳолда ва аниқ ифодаланиши керак.
 2. Агар бир хил типдаги топшириқлар бериладиган бўлса уларни типига кўра гуруҳлаш лозим. Ҳар бир топшириқ учун алоҳида
 3. Печат қилиниши лозим.

1.4. ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР ВА ШАХС СЎРОВНОМАЛАРИ

Психологик тестлар ва шахс сўровноамларидан фойдаланишда уларнинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисида яққол тасаввурга эга бўлиш мутахассис фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Психологик тестларнинг кадр-қиммати қуйидаги сифатлари билан белгиланади:

1. Тестни татбиқ этиш шароитлари ва натижаларни стандартлаштирилганлиги.

Тест методикаларни ўтказишда фойдаланувчиларнинг маълумотлик даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда тайёрлаб қўйиш мумкин. Бу эса тест батареялари бўйича комплекс хулосалар тайёрлашда юқори малакали психологни жалб этиш керак эмас деган маънони бермайди.
2. Оперативлик ва тежамкорлик. Типик тестлар қисқа топшириқли сериялардан ташкил топади. Уларни бажариш учун эса ярим минут вақтни

оладиган бўлади ва одатда тестлар бир соатдан ошиб кетмайди. Баъзи шахслик тестлари бундай чегарадан четга чиқишига ҳам тўғри келади.

3. Баҳоларнинг миқдорий дифференциаллашган характерга эгаллиги. Тест шкалалари ва стандартлашганлик унинг аниқловчи инструменти саналади ҳамда ўлчанаётган хусусиятни миқдорий баҳолаш имконини беради (билим, кўникма, малака) Яхши тест ўқувчиларни уч тоифага ажратиб беради. Аълочи, ўрта ва қолоқ. Қутбли характерда эса қобилиятли ва талантли, ишончликни йўқлиги билан ўта ишончсизлик (мутлақо тайёр эмасликни) ажартишга олиб келади. Бундан ташқари тест натижаларининг миқдорий тестларнинг яхши ишлаб чиқилганлиги имкониятларини баҳолаб беради.
4. Оптимал мураккаблик. Профессионал тарзда тайёрланган тест топшириқлари оптимал мураккабликка эга бўлди. Бунда ўрта синалувчи максимал миқдордаги баллнинг 50 фоизини тўплай олиши керак. Бу дастлабки, психометрик эксперимент вақтида аниқланади.
5. Ишончилилик.
6. Адолатлилилик. Яхши тест барча текширилувчилар учун бир шарт-шароит қўйилади.
7. Компьютерлаштириш имконияти. Оммавий тест тадбирларини ўтказишда унинг натижаларини қайта ишлаш ва вақт тежамкорлигини оширишга ёрдам беоади. Тестларни компьютерлаштириш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг мақбул йўли саналади.
8. Психологик адекватлиги. Бу оптимал мураккаблигини муҳим психологик сабаби ҳисобланади. Стрессга чидамлилилик,
Тестларни кадр-қиммати билан бир қаторда уларнинг камчиликларини ҳам санаб ўтиш лозим бўлади.
1. «Кўр-курона» хатога йўл қўйиш хавфи. Юқори маълумотли бўлмаган мутахассисларга ишониб қўйиш, яъни тестларни автоматик тарзда

ишлатиш, баъзида бир қатор оқибатларга олиб келиши мумкин. Йўриқномаларни тушунмасдан жавоб беришга тўғри келиб қолиши,

2. Профанация хавфи. Бу сўз маъносини ифодалашда ҳосил бўладиган эффект. Масалан мутахассислар саралаш шароитида ММРІ қўллаш, саккизинчи шкаладаги максимал балл «Шизофрения»ни аниқлашга ёрдам беради бу оригинал тафаккурни баҳоловчи саналади, тўртинчи шкалада «психопатия-импульсивлик» тарзда ифодаланган. Тестнинг саволлари соғлом шахсни анча талвасага солиб қўяди.
3. Индивидуал ёндашувнинг йўқлиги (Стрессга чидамлилик). Тест ёппасига ўтказишга анча қўл келганлиги сабабли, унда индивидуал характердаги жиҳатлар эътибордан четда ҳам қолиб кетади.
4. Ишончлилик шароитларини бўлмаслиги. Тест процедураларининг расмийлик характерига эга эканлиги, психологнинг унинг муаммосига шахсан қизиқишига нисбатан ишончсизлик олиб келади.
5. Ноадекват мураккаблик индивидуал ёндашувнинг йўқолиши. Баъзан юқори маълумотли даражасида тузилмаган тестларда ҳатдан ортиқ мураккаблик ёш хусусиятларига тағсир этади.

Шахс сўровномалари ва уларни психологик ифодалаш тартиби

Шахс сўровномаларининг расмийлаштириш ва уларнинг шкалаларини ифодалашда айрим тартибларга амал қилинади.

Психологик шахс сўровномаларининг “L” “Q”-маълумотлар бир қатор тадқиқотларда ўзига хос тарзда тартибланади. Бундай тадқиқотларда L” “Q”-маълумотларнинг мувофиқлигини таъминлашда 20 тагача омиллар инобатга олинган.

Факторларни идентификациялашда икки хил ифодалаш тизимига амал қилинади: индексли ва алфавитли

Индексли ифодалаш тизими ўзида универсал индексларни тақдим этади ва қуйидагича ёзилади: У.И. (L, Q)№, агар У.И. универсал индекснинг

кисқартирилган ифодаси; L ,Q-маълумотлар типини ифодаланиши, №-универсал индексдаги факторнинг рақами. Улар 1дан 20 гача бўлиши мумкин.

Алфавитли ифодалаш тизими ABCDEFGHIJKLMNOPQ₁Q₂Q₃Q₄)

Q₁Q₂Q₃Q₄ Ҳарфлар УИ (Q) 16-19 факторларни ифодалайди А-О факторлардан фарқлаш учун.

Факторларни ифодалашнинг икки хил номланиш қабул қилинган:

Техник ва маиший

- ***Техник номланиш*** психологлар учун мўлжалланган бўлиб, факторларни илмий белгиланган аҳамиятини ифодалаш учун қўлланилади. Кўпинча техник атамаларда акронмик номланиш: сизотомия, циклотимия, sugency, eksvia-invia ва бошқалар.

- ***Маиший номланиш*** умум учун қўл келадиган тарзда факторларни аташда қўлланилади. Бу эса психологларни мутахассис бўлмаганлар билан мулоқоти учун фойдаланилади. Масалан, А фактор-«илиқлик-совуқлик» (аффе́ктокимия-сизотимия), С-фактор «эмоционал барқарорлик-беқарорлик» («Мен» кучи-«Мен»нинг кучсизлиги)

L ,Q-маълумотлардан шахслик факторларини ажратиб ифодаланади.

Ҳар бир омилни қуйидаги қисмларга ажратиб ифодаланади:

- А) факторларнинг универсал ва ҳарфий индекси;
- б) факторларнинг техник ва маиший номланиши;
- в) «L» маълумотдаги факторни ифодаловчи энг аҳамиятли характеристика
- г) энг маълумотбоп саволлар рўйхати (Q-маълумот)
- д) факторлар интерпритацияси

1. А фактор, ёки УИ. (L ,Q)1

Ижобий кутб (АҚ)	Салбий кутб (А-)
Аффе́ктокими (циклотимия)	Сизотимия
меҳрибонлик	Бегоналашганлик

<ul style="list-style-type: none"> • Мулоқотга тез киришувчан • Меҳрибон • Очиқ • Ҳис-туйғули • Ишонувчан • Гинасиз • Мулоқотманд 	<ul style="list-style-type: none"> • Низоли • Ригид • Совуқ • Ёпиқ • Тортинчоқ ўзини четга олиб турувчан • Шубҳаланувчан • Эҳтиёткор • эгоист
--	---

Бундан кўринадики, тестлар ва шахс сўровномалари билан боғлиқ юқоридаги ҳолатлар психодиагностикада мутахассиснинг диққат марказида бўлиши муҳимдир.

1.5. ҚОБИЛИЯТЛАР ВА ИНТЕЛЛЕКТ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

Қобилиятлар ва интеллектни амалий ўрганиш психодиагностика тарихида ўзига хос тарихий босқичга ва илмий қарашларга таянилади. Қобилият – умумий психологик тушунча бўлиб, психологияда уни таърифлашда бир неча ёндашувлар мавжуд. Масалан, Б.М.Теплов қобилиятни учта белгисини санаб ўтади:

- қобилият-бу бир одамни бошқасидан фарқ қилувчи индивидуал психологик хусусият;
- фаолиятни ёки бир неса фаолиятни муваффақиятли бажаришга муносабатини билдирувчи хусусият;
- қобилият –билим, кўникма ва малака билан боғлиқ бўлмаган ҳолад. Аммо билим, кўнима ва малакаларни тез ва осон ўзлаштиришни шартловчи хусусият.

В.Д.Шадриков эса қобилият тушунчасини психологик конкретлаштиришга ҳаракат қилиб, уни индивидуал ўлчамли, алоҳида психик функцияларни

сифатли ва муваффақиятли ўзлаштиришдан иборат психиканинг функционал тизими хоссаси сифатида ифодалашга ҳаракат қилди.

Д.Н.Завалишин қобилият турларини таҳлил этар экан, умумий қобилият инсоннинг умумий шароитлардаги етакчи фаолияти билан, махсус қобилиятларни эса алоҳида фаолият соҳаси билан боғлайди.



Қобилият билан интеллект орасидаги боғлиқлик ва ўхшашликни билимнинг қўллашдаги топшириқларни ҳал этиш қобилияти сифатида қараганда кузатилади.

Биргина инсоннинг ижодик Креативлик (умумий ижодий қобилият) ва интеллект муносабатига боғлиқ минимал даражада учта ёндашув мавжуд:

- Бундай креативлик йўқ. Шахснинг ижодий активлиги учун шароит йўқ вақтида интеллектуал иқтидор зарур. Бу ерда ижодий хулқ-атвор учун бош детерменант сифатида мотивация, қадриятлар ва шахс хусусиятлари етакчи рол ўйнайди(А.ДЖ.Танненбаум, А.Маслоу, О.Б.Богоявленская). улар ижодкор шахснинг асосий хусусиятларига когнитив иқтидор, муамога нисбатан сезгир, ноаниқ ва мураккаб вазиятларда мустақил мулоҳаза юритувчи сифатларини киритди.

Масалан, ижодий қобилият (креативлик) интеллектга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд мустақил омил саналади (Дж.Гильфорд, К.Тейлор, Я.А.Пономарев). Бу концепциянинг яна бир томони интеллект билан

креативлик ўртасида аҳамиятсиз даражада корреляция борлиги ҳақида сўз юритилади. Е.Торренснинг мулоҳазасича, агар IQ қиймати 115-120 дан паст бўлса, интеллект ва креативлик ягона омилни ҳосил қилади, 120 дан юқори бўлса ижодий қобилият мустақил сифати ўлчамига эга бўлади, яъни қуйи интеллект билан креативлик ўртасида боғлиқлик кузатилмайди, дейилади. Аммо ушбу ғоядан фарқли ўлароқ ҳаётий кузатишларда қуйи креативли интеллект эгалари бор.

Интеллектни юқори даражада ривожланиши ижодий қобилиятнинг юқори ёки аксинча ҳолати ҳам бўлиши мумкин. Ижод жараёнинг психик фаолликдаги сингари специфик шакли йўқ (Д.Векслер, Г.Айзенк, А.Термен ва бошқалар).

Интеллектнинг факторли назарияси асосчиси Ч.Спирмен қуйидаги ғояни илгари сурди:

— Интеллект қатъий инсоннинг шахс хусусиятларига боғлиқ эмас;

— Интеллект ўз тузилмасига интеллектуал бўлмаган сифатларни қўшмайди (қизиқиш, эришиш мотивацияси, безовталаниш). У интеллектни тўрта турга ажратди: биринчи тип интеллект-янгиликни тез тушуниш, иккинчиси-билишнинг тўлиқлиги, учинчиси-«соғлом фикрга эгалик», тўртинчиси-ечимларнинг оригиналликка боғлиқ. Унинг ғоясига кўра, умумий қобилият -бош фактор-G –факторда, махсус қобилият –S –фактор тарзда ифодаланади. G –фактор Ч.Спирмен бўйича «ақлий қувватни» белгилайди. Г.Айзенк ва Дж.Равен ўзларини интеллект тестларини ишлаб чиқишда G – фактор хусусиятига таяндилар.

Дж.Равеннинг «Мураккаблашиб борувчи матрицалари» 1936 йилларда яратилган бўлиб, унда ҳар бирида 12 та топшириқдан иборат 5 серияли топшириқлар мужассамлаштирилган. Тест тўпламлари тўғри бурчак шаклидаги матрицалардан ташкил топган бўлиб, ўзида мантикий яхлитликка, маълум қонуният ва қоидаларга асосланиб тузилган ҳар хил фигура ва фигуралар тўпламидан иборат. Масалан, қандайдир қисмида етишмовчилик мавжуд бўлган расм ва тасвирлар берилганки, текширилувчи мантикий жиҳатдан таҳлил

килиб, матрица остида берилган 1 ва 6 ёки 1дан 8 гача бўлган жавоблар вариантыдан бирини мос ўринга қўйиши лозим бўлади.

Ҳар бир серия энгил топшириқлардан бошланиб, кейинчалик мураккаблашиб бораверади. Бу ҳолат А сериядан бошланиб, Е серияда янада мураккаброқ кўриниш олади.

Равенга мувофиқ бу тест қобилиятни текширишда маълум шаклларни идрок этишни, уларнинг хусусиятларини қамраб олиш лозимлигини, муносабатлар йиғиндисига асосланганлиги туфайли ҳар бир топшириқни бажаришда маълум мантиқий мулоҳазалашни талаб этади.

Матрицанинг перцептив шкаласи иккита назарияга таянади:

А) гештальт психологияда ривожланган шаклларни идрок этиш назарияси;

Б) К.Спирменнинг неогенез назарияси.

Топшириқларни ечишда учта асосий психик жараёнлар иштирок этади:

- диққат, эътиборлилик (диққат идрок ва тафаккур доирасидан ажратилади);
- идрок этувчанлик;
- тафаккур, тушунувчанлик.

Топшириқларни ечиш вақтида диққатда анча зўриқиш пайдо бўлади. Шундай бўлса-да уни текширилувчининг топшириқларни ечишдаги кизиқувчанлиги энгиллаштиришга олиб келади. Топшириқларни бажариш шароитида диққатни тўплашни ва унинг тақсимлашни талаб этадиган ҳолатлар кўп учрайди. Бу ерда диққатдан ташқари ирода ва эмоциянинг ҳам аҳамияти кўзга ташланади. Шу сабабали ҳам Равеннинг «Мураккаблашиб борувчи матрицалари» «умумий интеллектни» текширувчи тест эмас, балки интеллектуал фаолиятни режали, тизимлашганлик қобилиятини текширишга қаратилган.

Равен тести топшириқларининг алоҳида сериялар бўйича тавсфини келтириб ўтиш ўринлидир. Бу ҳолатини инобатга олишимиз тадқиқот натижаларига кўра тест топшириқларини таҳлил этишимизда ўзига хос аҳамият касб этади ва бизга маълум энгилликлар туғдиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, матрица шкаллари 5 серия топшириқлардан тузилган бўлиб, Равен уларни қуйидаги тамойилларга мувофиқ тартиблаган эди:

А серия топшириқлари тузилмаси ўзаро алоқадорлик тамойилига;

Б серия топшириқлари жуфт фигуралар орасидаги ўхшашликка (аналогия);

С серия топшириқлари фигураларидаги прогрессив ўзгаришларни аниқлаш тамойили;

Д серия топшириқлари серия топшириқлари фигураларни қайта гуруҳлаш тамойили;

Е серия топшириқлари фигураларни элементларга ажратиб ташлаш тамойилига таяниб тузилган.

Ҳар бир серия топшириқларига хос айрим жиҳатларни таҳлил этиш ва изоҳлаш мумкин.

А серия топшириқлари текширувчанлик аҳамияти матрицадаги етишмайдиган қисмни тўлдиришда иборат. Унинг фигуралари статик характерлидир. А серия топшириқларини ечишда иккита фикрлаш жараёни кечади: 1) тузилмани фарқлаш ва таҳлил этиш ёрдамида қисмлар орасидаги мосликни топиш лозим бўлади; 2) тузилмадаги етишмайдиган қисмни идентификациялаш ва матрица остида берилган 6 та қирқма қисмларни етишмайдиган томонини қиёслашни талаб этади. Унинг психологик аҳамиятини топшириқларни ечишда визуал фарқлаш ва хаёлга, статик тасаввур даражаси ва эътиборлилик даражасига анча боғлиқ.

В серия топшириқлари иккита жуфт фигуралар орасидаги аналогияни топишга асосланган. Текширилувчи топшириқларни ушбу тамойилга асосланиб, секин-асталик билан элементлар орасидаги дифференциацияни инобатга олиши лозим. Топшириқни ечимини топишда фигуралар орасидаги симметрикликни қўйиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Психологик аҳамияти: чизиқли боғланиш асосида чизиқли дифференциациялаш ва хулосалаш лозим бўлади.

С серия топшириқлари матрицадаги фигураларни маълум мантиқийлик жиҳатидан фигуралар жойлашувини узлуксиз ривожланиш тамойилига ва фазодаги динамик алмашувига қараб мураккаб ўзгартиришлар киритишга асосланган(фигура горизонтал ва вертикаль йўналишда ортиб бориб, якунида бу янги элементлар етишмовчи фигурага айланади).

Психологик аҳамияти: тасаввур қилиш қобилияти, динамик эътиборлик ва кузатувчанликка қобилиятлилики ёритишдан иборат.

Д серия топшириқлари матрицадаги фигураларни горизонтал ва вертикал йўналишда қайта тузиш тамойилига кўра тузилган. Ечиш фигураларнинг кетма-кетлиги ва яхлит тузилмадаги фигураларни алмашиниш қонуниятига аниқлашни талаб этади.

Психологик аҳамияти: фойдаланилган ўзгаришлар қонуниятига кўра фигураларни тартиблаштиришда миқдорий ва сифат ўзгаришларни қўлга киритиш қобилиятига боғлиқ.

Е серия қабул қилинган тамойилга мувофиқ алоҳида элементлардан фигураларни анализ ва синтез орқали хулосалаш топшириқларидан иборат. Бу ерда фигура элементларини ҳисобга олиш ва тахлаш, қисмларни алгебраик тамойилларга мувофиқ қисмларни қўшишдан иборат. Тузилмадаги етишмайдиган аъзо алгебраик операциялар ёрдамида тузилманинг бошқа аъзолари билан топилади.

Психологик аҳамияти: кинетик ва динамик қаторлар орасидаги мураккаб миқдор ва сифат фарқларни кузатиш қобилияти. Абстракциянинг юқори шакли ва динамик синтезни аниқлашдан иборат.

Интеллектни таҳлил этишда Л.Терстоуннинг ўзига хос ёндашуви бўлиб, уни 12 факторга ажратди ва улардан 7 тасини тадқиқотларда кўп ишлатилади: V-сўзли тушуниш, сўзли аналогия, текстни тушуниш, вербал тафаккур ва мақолларни шарҳлашга доир тестлар; W-нутқнинг тезлиги, маълум категория сўзлардан фойданишга асосланган тест топшириқлари, N-Сонли фактор, арифметик ҳисоб-китобларни тез ва аниқ бажариш, S-фазовий омил, M-ассоциатив хотира, P-идрок тезлиги, I-индуктив фактор.

Психодиагностикада қобилиятлар ва интеллектни ўрганишга доир уларнинг классификациясига эътибор қаратганда: мотор ёки ҳаракат қобилиятлари, сенсор қобилиятлар, визуал қобилият, техник қобилиятлар ва касбий қобилиятларга ажратилади. Ўз навбатида уларга мос тарзда махсус методиклардан фойдаланишга тўғри келади. Ҳаракат қобилиятларини ўрганишдаги дастлабки методиклар Ф.Гальтон ва Э.Крепеленлар ҳисобланадилар. Замонавий психологияда эса Стромберг, Краумфорд, М.И.Гуревич ва Н.И.Озерецклар томонидан ишлаб чиқилган методиклар; сенсор қобилиятларга доир Сишорнинг мусикага иқтидорликни, эшитиш идрокини ўрганишга мўлжалланган Массачусети тести; техник қобилиятларни ўрганишда эса Баннет ва Пурдье тестиларини учратиш мумкин.

Интеллектни диагностика этишда Дж. Равеннинг Равеннинг «Мураккаблашиб боровчи матрицалари», Р.Б.Кетелл ва А.К.Кеттелнинг CFIT тести, Д.Векслер тести, Р.Гарднернинг аналитик-синтетик қобилиятларни ўрганиш тести, Р.Мейлининг аналитик тести, Р. Амтхауэрнинг интеллект структураси ўрганиш тести ва бошқа методикаларни учратиш мумкин.

1.6. ШАХСНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАЛАРИ

Шахсни тадқиқ этиш психология фанидаги асосий муаммо саналади. Шахс кенг кўламли тадқиқот предмети сифатида психолог-тадқиқотчиларнинг диққат марказидадир. Аммо мамлакатимизда психологиянинг жамият талабидан келиб чиқиб янги босқичга қадам қўйганлиги шахс муаммосига атрофлича эътибор қаратишни талаб этади. Бунинг учун шахсни тадқиқ этишда жаҳон психологияси тажрибаларини инобатга олган ҳолда муаммони таҳлил этиш кўзланган мақсадни тўлақонли баҳолаш имконияни беради.

Психологияда шахсни тадқиқ этиш кенг кўламда ўрганиш воситаларига эга бўлса-да, аммо уларни миллий муҳит ва замон талабларига мослаштириш керак бўлади.

Шахсни ўрганиш методикаларининг жаҳон психологиясидаги тажрибаси улар юзасидан яна илмий изланишлар олиб боришга ундайди. Шу боис жаҳон психологиясида шахсни баҳолашга бағишлаган методикалар ва уларнинг хусусиятларини қисқача шарҳлаб ўтиш лозим.

Одамнинг ўрганишда объектив тестлар сифатида шахсни ўрганиш сўровномаларнинг аҳамиятидир. Шахс сўровномаларининг текширилувчини асосий эътиборни топшириқнинг жавобига эмас, балки топшириққа қаратиши, тест мақсадларининг яширин характерга эгаллиги, топшириқларни яхлит тузилма сифатида тақдим қилиниши, психометрик ўлчамга эгаллиги уларнинг яроқлилигини белгилайди. Шахсни ўрганиш сўровномалар узок вақт давомида ишлаб чиқилади.

Р.Б.Кеттелл ва Ф. Ворбертон (R.B.Cattell, F.Warbuton,1967) томонидан ишлаб чиқилган шахсни ўрганиш сўровномаси бир неча ўн йиллик меҳнат натижасидир. Ушбу сўровнома яратилишида Р.Б.Кеттелл шахс хусусиятларини идентификациялашда факторли таҳлилдан фойдаланиб, 18000 та хусусиятларни 16 омилига мужассамлаштиришга эришди Шу боис психологик диагностикада «16 омили шахс сўровномаси» кенг қўлланилмоқда. Унинг ўзбекча модификациясидан ҳам маҳаллий шароитимизда фойдаланилмоқда.

Баъзи шахслик тестлари когнитив ўлчамга асосланган. Г.Виткина (H.A.Witkin et al.) ва унинг ҳамкасблари томонидан олиб борилган изланишларда идрок, хотира, тафаккур ва муаммоли вазиятларни ҳал этиш когнитив ўлчам сифатида ўрганилди.

Шахс сўровномалари билан бир қаторда *проектив методикалар* шахсни ўрганишнинг асосий психологик воситаларидан бири сифатида қўлланилмоқда. Аммо ушбу методикалар ўтган асрнинг 60-йилларига қадар назарий асосланмаганлиги, психометрик ўлчамга эга эмаслиги, ҳаққоний натижалар беришга яроқли эмас тарздаги танқидларга дуч келди (Роршахнинг «Одам чиз» тести ва «Сиёҳ доғлари» тести). Бугунги кунда жаҳон психологиясида проектив методикаларнинг истиқболга эга эканлиги эътироф этилмоқда. Проектив методикалар шахсни ўрганиш тестларидан фарқ қилиб, инсоннинг онгсизлигини ўрганиш шахсни баҳолашга ёрдам беради. Проектив методикалар натижаларини шарҳлашдаги беқарорлик, стандарт меъёрларни мавжуд эмаслигини камчиликлари сифатида санаш мумкин.

Шахсни баҳолашда эстетик *табни аниқлаш стили* хорижий психологияда синовдан ўтга. Ушбу тоифа тестларнинг битта намунаси деб Баррон-Велш шкаласини айтиш жоиз.. Бунда текширилувчига 86 та оқ-қора тасвирдаги фигуралар тақдим қилинади. Текширилувчи фигураларни ёқиши ва ёқмаслигини баҳолайди. Унинг баҳоси шахснинг нафақат санъатдаги, балки бошқа фаолият соҳаларидаги креативлигини баҳолашга ёрдам беради. Баррон-Велш шкаласига кўра юқори ва паст кўрсаткичлар шахснинг бир қатор хусусиятларини изоҳлашга имкон беради экан. Юқори кўрсаткичли шахсларда

тадбиркорлик, баҳслашишни ёктирувчанлик, лидерликка мойиллик, импульсивлик ва бошқа сифатлар хос экан. Қуйи кўрсаткичли шахсларда меҳнатсеварлик, азобланувчанлик ва асосли мулоҳазаловчанлик етакчилик қиларкан.

Шунингдек, шахсни ўрганришда ҳазил-мутойибадан фойдаланиш ҳам мумкин экан. Шахснинг ҳазил-мутойиба ва карикатурага берадиган жавоби унинг хусусиятларини ёритишга имконият туғдиради. *Ҳазил-мутойиба тестларида* мутахассислар кўпроқ ҳазил ва карикатуралардан фойдаланилади. Масалан, шахсни ўрганувчи ҳазил –мутойиба тести (IPAT)да ҳам текширилувчилар ҳазил ва карикатура расмларни баҳолайдилар. Ушбу тест А ва В шаклдан иборат бўлиб, биринчиси 104 та, иккинчисиди 132 та ҳазил ва карикатурадан ташкил топган. Методика натижалари шахсни 13 шахслик омилларини ёритиш имконини беради.

Баъзан халқ донишмандлигининг ноёб намунаси саналмиш мақолларни ўрганиш ҳам шахсни диагностика этишнинг энг мақбул воситаларидан бири саналади. Ҳаттоки бу борада хорижий психологлар XX асрнинг 50-йилларидаёқ мақол ва афоризмларга асосланиб шахсни баҳолаш методикалари ишлаб чиқилганлиги диққатга сазавордир. Ўзида 130 та тасдиқни мужассамлаштирган Б.М.Басснинг «Машхур ўғитлар» тести (В.М.Васс, 1956) ушбу тестлар тоифасига киритилади. Бу тест натижалари омилли таҳлил қилинади ва шахснинг хулқ-атворига мос келувчи хусусиятлар ажратиб олинади.

Шахсни баҳолашнинг мақбул воситаларидан бири «вазиятли тестлар» ҳисобланади. Ушбу тестлар иккинчи жаҳон урушидан сўнгра кенг тарқалган бўлиб, унда текширилувчиларга вазиятлар орқали таъсир кўрсатилади. Натижада ҳосил бўлган жавоб реакциясига кўра шахс баҳоланади. Дастлабки, вазиятли тестларни Г.Хартшорн, М.Мее ва унинг ҳамкасблари (Н. Hartshorne, М.А.Мау) томонидан ишлаб чиқилган. Улар тақдим қилган тестлар болалардаги характернинг табиати ва ривожланишини тадқиқ этишга қаратилгандир.

Яна бир гуруҳ методикаларда шахснинг ўзини ва атрофдагиларни кўришга, атроф муҳитни қандай идрок этишга бағишланган. Булар шахс конструктлари

деб аталади. Шах конструклари борасидаги изланишларда америкалик психолог Г.А.Келли ва унинг ҳамкасбларининг улуши юқори.

Бугунги кунда ўзбек муҳотида шахсни ўрганишга доир бир қатор методиклар мавжуд. Улардан кенг кўламда тақдқиқотлар ишлатилиб келинаётган ва апробациядан ўтганлари сарасига Р.Б.Кеттелнинг “Шахсни 16 омил ёрдамида ўрганиш сўровномаси”, Г.Ю.Айзенкнинг “Экстраверсия-интроверсия ва нейротизми ўрганиш сўровномаси”, Л.Т.Ямпольскийнинг “Психодиагностик тести”, Миннесоти шахсни кўп омил ёрдамида ўрганиш сўровномаси (СМИЛ, Л.Собчак модификацияси), К.Леонгард ва Шмешик сўровномаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шахс қиёфасини ўрганиш

Инсон хулқ-атворининг прогнозлаш масаласини ҳал этишда иккита тушунчага мурожаат этилади: профил ва ундан келиб чиққан ҳолда «хислатлар». Ушбу тушунчаларни қўллашда индивидга, унга ҳар хил хислатларни мужассамлашувига кўра турли талаблар қўйилади: вазият, асосий синчковлик ва диққат, «эътиборлилик-эътиборсизлик». «батартиблик-эҳтиётсизлик», одамлар билан учрашиш ёки танишиш асносида муомалаг киришимлилик-одамовилик», ҳозиржавоблик-бетгачопарлик.

Психологияда ҳар хил вазиятларга кўра хислатлар ифодаланади. Шу сабабли психологияда энг асосий хислатларни ёки универсал деб номланади.

Бундай хислатлар психологияда «темперамент хоссалри» сифатида фаолиятнинг умумий динамик тузилишини ифодаловчи функционал тушунчалар ҳисобланади (Мерлин В.С.1975) ёки «асаб тизими хусусиятлари субстонционал тушунчаси (Б.М.Теплов, 1961, Небилицин 1966).

Ижтимоий, касбий тараққиётнинг даражасига кўра улар характер хислатлари тарзида баҳоланади (Н.Д.Левитов, 1960. Б.Г.Ананьев).

Психик бошқарувнинг уч даражаси:

-органик

-индивидлик

-шахслик (В.В.Столин, 1983).

Қиёфа инсон хулқ-атворининг интеграл диспозицияда органик, ижтимоий меъёрий ва шахслик ҳаракат тизими остида мужассамлашган ҳолати сифтида қаралади.

- Конституциоан-организм хоссаларини шартловчи ва максимал кенг вазиятлар учун чекланган.
- Индивидлик-ижтимоий меъёрий вазиятларга маълум нисбийлик берувчи ҳаётий фаолият тажрибасини шартлайди.
- Шахслик-ўзининг хул-атворини лойиҳалаш ва таҳлиллаш асосида ички муҳитини шартлайди.

Конституционал диспозицияда темперамент?

В.С.Мерлин «Очерки теории темперамента» китобида «Темперамент белгилари тўғрисида турли муаллифлар хилма хил қарашларга эга эканлигини қайд этиб ўтди. А.Бэн (1886) йил Темперамент кераксиз, ўрганишга ҳожат қолмаган муаммо сифатида қаради. А.Ф Лазурский эса А.Бэннинг фикрларини тасдиқлади ва темперамент ҳақидаги таълимот ўз даврини яшаб бўлди деган хулосани берди.


Дифференциал психофизиологияда бу борада анчагина ишлар қилинган бўлиб, янгиликларга асос солинди. Натижада кенг татбиқ этишга яроқли психодиагностик методикалар пайдо бўлди.

Стреляунинг (Поляк психологи) «Темпераментни ўрганиш тест-саволномаси» психофизиологик концепцияга асосланади (Павлов-Теплов). Тест-сўровнома 134 саволдан иборат бўлиб, биринчи шкалада 45, иккинчи шкалада 44 ва учинчи шкалада 45 та савол мавжуд.

Г.Ю.Айзенкнинг И.П.Павлов ва К.Г.Юнг қарашларини бирлаштириб, индивидуалликнинг икки асосий параметрини кўрсатишга муваффақ бўлди: «экстраверсия-интроверсия», «нейротизм-эмоционал барқарорлик».

Ушбу сўровнома 57 саволдан иборат бўлиб, унда:

- Экстраверсия-интроверсия-24 та савол.
- Нейротизм-барқарорлик –24 та савол.
- Ёлғон –очиклик-9 та савол.




Замонавий психодиагностикада темпераментни ўрганиш борасида изланишлар ҳам ижтимоий, ҳам конструктив диспозицияларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Бу борада Б.М.Русалов «Темперамент структураси ўрганиш» тестини тақдим этган. Ушбу тест таркибида 9 та шкала мавжуд: 1) эрг; 2) социал эрг; 3) темп; 4) социал темп; 5)пластиклик; 6) социал пластиклик; 7)эмоционаллик; 8) социал эмоционаллик ва 9) назорат шкаласи

1. Психодиагностик тадқиқотларда шахс тўғрисида етарлича ва объектив маълумотлар олишга эришиш учун қилинадиган уринишлар ўзбек мутахассисларини психологик амалиётда маълум ўринга эга бўлган методикаларни модификация қилишга ундамоқда. Чунки, ишончли методикалар ўзининг етарлича концептуал асосига эгаллиги билан бирга бошқа шахсни ўрганишга мўлжалланган психодиагностик методикаларни тўлдириши ва уларни мазмунан бойитиши лозим бўлади. Қуйида сўз борадиган методика жаҳон психологиясида етакчи ўрин эгаллаган (ММРІ, 16-факторли шахс сўрономаси, экстраверсия-интроверсия ва нейротизмни аниқлаш) шахс тестларини модификациялаш асосида рус олимлари (Л.Т.Ямпольский ва Мельниковлар) янги кўринишдаги «Психодиагностик тест» ишлаб чиқдилар. Ушбу тест юқорида санаб ўтилган тестларнинг барчасидаги мавжуд жиҳатларни мужассамлаштирган бўлиб, уларнинг амалга ошириш лозим бўлган шахс хусусиятларини ёритишга ёрдам беради. Чунки бизнинг муҳитимизда ММРІнинг 566 саволли варианты бўйича модификация мавжуд эмас, Р.Б.Кеттеллнинг 16-факторли шахс сўровномасининг 100 та саволли варианты маҳаллий шароитимизда қўлланилиб келинмоқда, унинг 187 та саволли варианты учун ҳали психометрик талабларга жавоб берувчи версияси мавжуд эмас. Бугунги кунда Г.Ю.Айзенкнинг «Экстро-интроверсия ва нейротизмни аниқлаш» методикасининг айрим вариантларидан психологик тадқиқотларда фойдаланилаёпти.

Психодиагностик тест таркибидаги саволлар 14 та шкалага мужассамлаштирилган бўлиб, улардан 10 таси қуйи шкала ва 4 таси юқори шкала ҳисобланади. Қуйи шкала таркибига невротизм (1) (*невротизм*- шахснинг эмоционал беқарорлиги, безовталаниши, ўзига паст назар билан қараши, вегетатив бузилишларини тавсифловчи ҳолатдир.), психотизм (2) (*психотизм шкаласи* эса шахснинг хулқ-атвориغا мутаносиблигини текширишга қаратилган.), депрессия (3) (*депрессия* шахсдаги салбий эмоционал фонни, мотивациясидаги ўзгаришларни, когнитив (билиш) тасаввурлари ва хулқидаги умумий пассивликни ифодалайди.), виждонлилик (4) (*виждонлилик*

шкаласи шахсни ижтимоий норма ва этика талабларига хурматини, ўзини ўзи назорат қилиши, виждони ва умуминсоний қадриятларга муносабатини белгилади), турғунлик (5) (*турғунлашув шкаласи*да шахс хулқ-атворининг вазминлашганлиги ва ижтимоийлашганлиги мужассамлашган), умумий фаоллик (6) (*умумий фаоллик* шкаласи шахснинг кучи, қуввати ва умумий фаоллик даражасини ўлчовчидир), тобелик(7) (*журъатсизлик, уятчанлик шкаласи* бу журъатсизлик, кучлилик ва шахслараро муносабатдаги чекланганликни характерлайди), муомалага киришимлилик (8) (*мулоқотмандлик шкаласи* шахснинг мулоқот жадаллиги ва кўламини белгилайди), эстетик таассуротчанлик (9) (эстетик таассуротчанлик эса шахсни эстетик ва бадиий кадр-қимматларга сезгирлигини аниқлайди) ва назокатлиликлар (10) (*назокатлиликда* шахснинг маданият ва жамият кўрсатмаларига назокатлилик билан ёндашиши ўз ифодасини топади) киради. Юқори шкалани эса психик беқарорлик (11) (психик беқарорлик шкаласи шахсдаги невротизм, психотизм, депрессияни мужассамлаштирб, психик беқарорликни умумий тарзда баҳолашга ёрдам беради), асоциаллик (12) (*асоциаллик* ёрдамида шахснинг ижтимоий кўникиши баҳоланади), интроверсия (13) (*интроверсия шахснинг* ижтимоий муносабатларга боғланишини) ва сензитивлик (14) (*сензитивлик* эса шахснинг эмоционал кечинмалардаги нозик томонларни тафсилотини аниқлашга мўлжалланган)ташқил этган.

Агар уларнинг схематик кўринишини келтириб ўтадиган бўлсак қуйидаги кўринишни олади:



Юқори шкаланинг ташкил этувчилар ўз таркибига қуйи шкаланинг бир қатор шкалаларини ўзида қамраб олади. Психологик тестларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларда назорат шкаласи, яъни текширилувчиларнинг жавобларини объективлигини баҳолаш характериға эгалигидир. Мазкур психодиагностик тестнинг назорат шкаласини юқори шкала бажаради. Агар қуйи шкала натижалари билан юқори шкала натижалари орасида мутаносиблик бўлмаса натижаларнинг ҳаққонийлиги пастлигидан далолат беради.

1.7. ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

Шахслараро муносабат муаммо психологик тадқиқотларда турли умумий психологик, педагогик психология, ёш психологияси ва ижтимоий психология нуқтаи назардан ўрганилганлиги жуда кўп тадқиқот предмети ва объектларини таҳлил этиш жараёнида кузатилади. Бу борада Америкалик олим Э.Бернинг трансакт таҳлиliga концепциясининг марказий тушунчаларини ёдга олиш лозимдир. Шахслараро муносабатнинг бир неча алоқа йўллари, яъни вояга етган киши-вояга етган киши (В-В), ота-она-ота-она (О-О), бола (фарзанд) – бола (фарзанд) муносабатларининг ўзига хос тавсифи берилган. Уларнинг ўзаро боғланишлари, яъни Ота-она – фарзанд (О-О –Ф) муносабат тизими билан боғлиқ, чунки трансакт муносабат тизимига кўра боланинг ижтимоийлашувида ота-она тарбиясининг ўрни муҳимлиги ва бу тарбия таъсири сақланиб қолиши таъкидланади. Трансакт муносабат тизимига кўра ҳар бир шахс Менида бир қатор ҳолатлар бўлиб, улар ота-онаси Менидаги ҳолатларни такрорланиши экан. Шу сабабли ҳам оила муҳитидаги тарбияда ота-она томонидан ўтказиладиган таъсирларнинг муҳимлиги фарзанд хулқ-атвори тасавурида шаклланиши лозим бўлган ижтимоий тимсолларга ўз таъсирини ўтказди.

Шахслараро муносабатни ижтимоий психологик жиҳатдан ўрганишда уни катта социал гуруҳдан (миллат, ишлаб чиқариш жамоаси) бошлаб, интим, диада муносабатлари (эр-хотин, ота-она-фарзанд ва бошқалар)дан иборат кенг тадқиқот майдонига эга. Шу сабабли ҳам ушбу доирадаги муаммоларни ўрганишда психологияда конкрет методикалар мавжуд. Шахслараро муносабатни психодиагностикасига доир методикалар тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, уларга ҳар хил асослар бўйича ёндашиш мумкин:

-тадқиқот объектига кўра (гуруҳлар орасидаги муносабат, гуруҳ ичидаги жараёнларни ўрганиш, диада муносабатлари ва бошқалар);

-тадқиқот ҳал этиши лозим бўлган вазифаларига кўра (гуруҳдаги жиҳсликни, ҳамкорликни ва бошқаларни ўрганишга қаратилган);

-тадқиқот методикаларининг тузилиш хусусиятига кўра (саволнома, проектив методика, социометрия ва бошқалар);

-шахслараро муносабат диагностикасини ўрганишни ҳисобга олганда (субъектив муносабатларни ўрганиш методикаси, муносабат иштирокчининг шахслик хусусиятларини ўрганиш методикаси, шахслараро муносабатдаги субъектив хусусиятларни ўрганиш методикаларидан иборат).

Тадқиқотимиз мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб, муаммони амалий жиҳатларини ўрганишга қўл келувчи методикларни саралашга ҳаракат қилиб, бир қатор шахслараро муносабатни ўрганиш методикаларни мазмун ва моҳиятини таҳлил этишт имкониятига эга бўлдик.

Тадқиқот муаммосига кўра шахслараро муносабатни амалий ўрганиш методикалари инсон ҳаётининг турли жабаҳаларини қамраб олганлиги ва ҳар хил психологик детерминантлар таъсирида бўлиши билан бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам аниқ методикалар ўзининг тадқиқот чегарасига эга, агар ундан фойдаланиш зарурати туғиладиган бўлса , методика билан боғлиқ “девалидизация” тадбирини амалга ошириш лозим. Бир-бирини яхши танишлар гуруҳида социометрияни ўтказиш анча қўл келиши психодиагностика амалиётида ўз исботини топган усул ва ҳаттоки унинг бугунги кунда 4000 минга яқин модификацияси амалиётда қўлланилаётганлиги қайд этилади. Аммо бую методикани турли хил шахслараро муносабатни билиш даражасида татбиқ этиш қийинчилик туғдиради. Аммо социометрия оилавий муносабатларни тадқиқи этишдан кўра, ўқувчилар, спортчилар ва ишлаб чиқариш жамоаларидаги маълум муносабат хусусиятларини, гуруҳнинг жипслиги, гуруҳдаги млоқотга мойиллик ва гуруҳ аъзоларининг ижтимоий мавқеини баҳолашда қўлланилган () .

Яна бир ҳолатни айтиб ўтиш лозимки, шахслараро муносабатни амалий ўрганиш методикаларида гуруҳдаги мотивациянинг шаклланганлик ва психокоррекция мақсадларда фойдаланиши билан ажралиб туради. Юқорида шахслараро муносабатни амалий ўрганиш воситаларини таҳлилига кўра баён этилган методикаларнинг хусусиятдан келиб чиқиб, маълумотларга мурожаат

киладиган бўлсак, Дж.Моренонинг социометрик тести шахслараро муносабатни субъектив танлаши асосида диагностика қилишга мўлжалланган. Маълум гуруҳдаги шахсларнинг бир-бирини ўзаро танлашига таяниши (иш, дам олиш ва бошқалар). Собиқ совет психологиясида методика билан боғлиқ етарлича тадқиқотлар олиб борилган Социометриянинг бугунги кунда татбиқ этилган янги модификациялари мавжудки, улардан бири аутосоциометрия методикаси деб номланади (Данилин К.Е.). Бу модификацияда шахслараро муносабат респондентларнинг ўзлари томонидан инсонларнинг бир-бирига ва ўзига муносабатини аниқланиши кўзда тутилган. Ушбу методиканинг Коломинский Я.Л. томонидан модификация қилинган болалар варианты ҳам мавжуд бўлиб. У болалар гуруҳини аъзоларини бир-бирига муносабати, социал статусини, социал установакисини, ўзаро муносабат жараёнида тенгдошларини кечинмаларини ва уларнинг ўзаро бир –бирларини тушуниш даржасини ўрганишга эришиш мумкин. Аммо юқоридаги методикаларнинг алоҳида камчилиги сифатида қараладиган бир томони мавжуд дейиш мумкин. Уларнинг кўпчилигида шахслараро муносабатда субъектив баҳолаш етакчи ўрига чиқиб қолмоқда.

Ўз ўрнида олдин таҳлил этилган ҳолатлардан фарқли ўлароқ иккинчи инобатга олинандиган гуруҳ методикалари шахслараро муносабатни четдан баҳолаш методикаси ҳисобланади. Бу борада бугунги психологик тадқиқотларда ҳамда психодиагностикада ҳали етарлича тажриба мавжуд эмас.

Бу борда инсонларнинг просемик хулқ-атворида қонуниятларига асосланган, энг аҳамиятга эга бўлган методикалардир. Проксемика инсоннинг психологик зонаси ҳақидаги тадқиқот соҳаси ҳисобланади. “Проксемика” тушунчасини америкалик антрополог Эдуард Т. Холл томонидан фанга олиб кирилган. Инсоннинг фазовий майдони 4 зонага бўллингган: интим, шахсий, социал ва ижтимоий. Бу тоифа тадқиқот методикаларининг ўзига хослигини субъектларни нотаниш ёки бошқа гуруҳдаги кишилар билан муносабати шароитида ўзини тутиши ва бошқариши ҳисобга олиниб баҳолашга таянилади. Бунда уларнинг муносабати масофаси инобатга олинади.

Бугунги кун психологик амалиётда тадқиқотлар “шахс майдони” феноменига кўра ўрганиш воситаси уч категорияга таяниб ажратилади:

1. Реал вазиятларни кузатиш техникаси;
2. Реал вазиятни моделлаштириш техникаси;
3. Проектив воситалар. (А.А.Бодалев).

Аммо биз олиб бораётган тадқиқотда оиладаги шахслараро муносабатни ушбу фаолият техникалари алоҳида вазиятларни ташкил этиш оилавий муносабатларни ўрганишда анча мураккаблик туғдириши табиий.

Амалиётда шахслараро муносабатлар ҳақида ишончли маълумотлар олишда кузатиш методикаси анча ишончли эканлиги кўп бора таъкидланади.

Собиқ совет психологияси ва мамлакатимиз психологиясида проксемик характердаги тадқиқотларга доир методикаларни жуда кам учратамиз. Аммо хорижий психологияда икки кишининг проксемик хулқ-атвори кузатувчилар томонидан тадқиқ этилганлиги (Cronje E, Moller A.), худди шунингдек тадқиқот гуруҳ аъзоларининг проксемик хатти-ҳаракатлари видео пленкада ёзиб олиш ва сўнгра иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари муҳокама қилиниш орқали ўрганилади (Peterson K., Draper D, Roscol).

Дж. Кютнинг шахслараро муносабатни символли моделлаштириш методикасида респондентларга ҳар хил масофада жойлашган стол ва стуллар фотографиялар тўплами тақдим этилади. Респондентлардан улардан энг комфорт жойлашганлигини танлаш таклиф этилади. Ушбу методиканинг бошқа вариантыда эса респондентлардан анча фолликни талаб этадики, уларнинг ўзлари вазиятларни тузиб чиқишлари лозим бўлади. Вазиятларни ҳосил қилишда одамлар ва ўйинчоқлар ҳамда бошқа объектлардан фойдаланадилар. Бу ерда символлар, объектларни жойлашувига муаллиф инсонлар ўртасидаги масофага қараб муносабатлар тўғрисида хулосага келади.

Бу борада яна бир қатор методикалар мавжудки, уларда кузатиш ва талқин этишнинг эксперт баҳолаш усули, ситуацияли тест (Р.Бейлс), ота-она-бола интеракциялари (Mash E, Terdo L), ҳамкорлик, лидирлик, рақобат ва кооперацияни дидада кўригшида ўрганиш учун махсус тўпламларни тахлаш

ўйини (М. Дойч ва Р.Краус), диада шаклидаги ўзаро таъсирлашувни ўрганиш учун “Тутқун диеллиммаси” ўйини орқали кооператив ва рақобат хулқларга хос танлангани бажариш таклиф этилади ва баҳоланади (М. Kelley).

Бундан ташқари шахслараро муносабатга таъсир этувчи индивидуал хусусиятларни диагностикаси доирасида ҳам бир қатор методикалар психологик амалиётда қўлланиб келинаётганлиги сир эмас: шахсни психологик ўрганиш Калифорния сўровномаси ва Т.Лири методикаси.

Америкалик психолог Дж.Гоух томонидан тақдим этилган шахсни психологик ўрганиш Калифорния сўровномасининг мақсади-маълум вазиятларга одамлар қандай қарайдилар ва бу ҳақида нима дейишлари орқали шахснинг социал психологик характеристикаси ёритилади. Саволнома 480 та саволда иборат бўлиб, 18 та шкаладан иборат стандарт меъёрга эга. Саволнома шкалалари таҳлил этиш вақтида тўрт гуруҳга бирлаштирилиб интерпретация қилинади.

Дастлабки 6 шкала биринчи гуруҳга кириб, уларда шахслараро муносабатдаги мувозанатлашганлик, ўзига ишонч ва адекватликни баҳолашга қаратилган.

Иккинчи гуруҳ шкалалари шахснинг етуклиги ва социаллашувини, унинг масъулияти ва шахслараро қадриятларини ёритишга қаратилган бўлиб, бу гуруҳда ҳам 6 та шкала мавжуд. Учунчи гуруҳдаги шкалалар инсоннинг эришганлик ва камолоти, унинг интеллектуал имкониятларини баҳолайди, Унда комформлик, мустақиллик ва интеллектуал самарадорлик шкалалари мужассамлашган. Тўртинчи гуруҳга психологик хусусиятга эгалик, эгилувчанлик ва назокатлиликдан иборат учта шкала ўрин олган бўлиб, омадлик туйғуси, яхши таассурот ва одатликка хосликни баҳолайди.

Кейинги тест батареяси Т Лири :

Октябрлар қуйидаги психологик тенденцияларни характерлайди

1. Лидерликка мойиллик, ҳукмронлик, зулмкор.
- II. Ўзига ишонч- ўзини яхши кўриш.
- III. Талабчанлик.

IV. Ишончсизлик (скептизм)- қайсар-салбийлик (негативизм)

V. Ён беришлик-безор-пассив бўйсунувчанлик.

VI. Ишонувчанлик-итоаткорлик-тобелик.

VII. Кўнгилчанлик-мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчи

VIII. Раҳмдиллик-беғаразлик-фидокорлик.

Шунингдек шахслараро муносабатни ўрганишга доир проектив методикаларнинг аҳамияти катта эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ, чунки оилавий муносабатлардаги бузилишларни диагностикасини ўрганишда Роршашнинг ҳамкорлик тести, бола шахсини ўрганишда қўлланиладиган “Оила расми” методикаси, муносабатларни ўрганиш ранг тести (методика В.Н Мясищевнинг муносабат концепцияси ва Б.Г.Ананьевнинг психик тузилмаларнинг тимсолли табиати ғояси ва А.Н.Леотьевнинг шахсининг мазмунга эгаллик ҳақидаги тасаввурлари асос қилиб олинган). Методикани яратишда М.Люшернинг саккиз рангли тестидаги ранглар тўпламидан фойдаланилган

Ю.Я. Рижонкиннинг коммуникатив дистанцияни (оралиқни) аниқлаш методикаси (КДАМ) эса турли хил гуруҳлардаги шахслараро муносабат оралиқларини ўрганиш имконини беради.

Методика фойдаланиш учун анча қулай ва содда бўлиб, текширилувчилар учун ортиқча муаммо туғдирмайди. Бу воқеликни унинг умумий тавсифидан пайқаш мумкин. Методика мулоқотдошларни маълумот айрибошлаш жараёнида бир-бирига ўзаро таъсирлашуви, мазкур жараёнидаги оралиққа аниқлик киритади. Бунинг учун муомала иштирокчилари бир-бирига қанчалик яқин ёки узоқ туриши ҳамда ўртадаги коммуникативлик (коммуникатор ва реципиент) ролини аниқлашда бир қатор топшириқларни бажаришлари лозим.

Шахслараро муносабат психодиагностикасидаги методиклар хилма хил ва кўплиги билан бошқа йўналишдаги тестлардан ажралиб туради.

1.8. ПРОЕКТИВ МЕТОД

Проектив психология тарихи ярим асрлик тарихга эга бўлса-да, ундан олдин ҳам баъзи олимлар инсон проекциялари масаласига тўхталиб ўтганлар. Уларнинг қарашлари проектив психология ҳақидаги классик назариялар ҳисобланади. Проектив тестлар масаласига тухталишдан олдин проекция тушунчаси мазмунига эътибор бериш лозим. Проекция тушунчаси дастлаб, З.Фрейд томонидан шахсларнинг онгли ва онгсиз тарзда кучирилган шахсий хусусиятлари, ташқи объектларга нисбатан муносабатини ифодалаш учун кулланилган. Проекция латинча «proectio» сузидан олинган бўлиб, олдинга иргитиш, ташлаш маъносини билдиради. Проекция баъзида инсоннинг мен механизми билан, ички химоя куч сифатида намоён булишини Фрейд таъкидлайди. Проекция сублимация, рационализация, фориғланиш каби тушунчаларни ҳам камраб олади. Г.С. Фримен инсондаги проекцияларни шундай изоҳлайди.

1. Онгсизлик ҳолати, яъни инсоннинг бу ҳолатда бошқа кишиларнинг ғоя, қараш, истак, эмоция ёки характер хислатларини ўзига олиши сифатида.

2. Ўз шахсий эҳтиёжларини бошқаларга кучириш сифатида.

3. Қандайдир тажрибага асосланган нотўғри хулоса чиқариш сифатида қарайди.

Бундан ташқари баъзи олимлар айнан проекция сузини куйидагича ифодалядилар. Проекция - воқеликни, инсонларни, намоён қилинган стимулларни идрок этиш муайян даражада шахснинг психик ҳолати, эҳтиёжлари, хусусиятларига мос равишда тафсифлаш тенденцияси мавжуд. Проекция—англанмаган психологик механизм саналади, яъни проекция элементлари онгсиз тарзда идрок қилинади. Бу ҳолат клиник тадқиқотлар, психотерапевтик изланишларда ҳам яққол кўзга ташланган. Чунки проектив тестларга берилган дастлабки таърифлар клиник нуқтаи назардан берилган. Проекция сузли ассоциациялар, тугалланмаган сўзлар, расм ва доғлар, текширилувчилар чизган расмлар, турли қўзғатувчи стимуллардан иборат. Лекин проектив методикалар илдизи 1904-1905 йилда К.Густав Юнг томонидан

яратилган сўзли ассоциациялар тестига бориб тақалади. Бу методикани яратиш билан Юнг шахснинг онгсизлик ҳолатларидаги кечинмаларини ассоциатив диагностика қилиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Кейинчалик ассоциатив тестнинг турли вариантлари айбдорлик хиссини аниқлашда (ёлғон детектори) М.Вейртгаймер ва А.Р.Лурия томонидан нормани патологиядан ажратиш ва бошқа вазиятлар учун қўлланилган. Проектив тестлар каторидаги тугалланмаган хикоя ёки гап тести ҳам Юнгнинг ассоциатив тестидан келиб чиққан деб ҳисобланади. Бундан ташқари Европанинг классик психология мактаби вакиллари Френк, Г.Роршах, Г. Мюррей каби олимларнинг хиссаси проектив тестларни келиб чиқишига кенг аҳамият касб этади. Юқорида айтилгандек дастлабки проектив тестлар клиник характерда тадқиқ этилган. Проектив психодиагностиканинг юзага келиши Г.Роршахнинг 1921 йилда Германиянинг Берн шаҳрида чоп этилган «Психодиагностика» асари билан боғланади. Ўзи рассом бўлишига карамай Роршах санъат ва рассомчилик тарихига жуда кизиккан. Унга маълум бўлишича, буюк рассом Леонардо Да Винчи уз хаёлини осмондаги булутлар, улардаги турли шаклларни узок вақт давомида кузатиш ва уларни таҳлил қилиш орқали машқ килдирган. Бу хусусият яъни атрофимиздаги «предметли дунёни жонлантириш» барчага, айниқса рассомлар ва ёш болаларга хос булган хусусиятдир деб қаралди. Г.Роршах талқинига кура сиёҳ доғлари, яъни куришга юналтирилган сиёҳ доғлари мотор (харакат) фантазияларини жонлантиради. Роршахдан аввал сиёҳ доғлари билан бошқа олимлар асосан Россияда Ф.Е. Рибакков, Францияда А.Бине ва Валлон Анрилар тадқиқот олиб борганлар. Бирок Роршах биринчи бўлиб фантазия образларини шахснинг сифат ва хислатлари билан алоқасини исботлаб берди. Роршахнинг тадқиқотлари ғояси бугунги кунда икки йирик йуналишларда АҚШ (Beek Klopfer, Davidson Rapoport) ва Европада (Bohm, Doosli-Listeri) билан урганилмоқда. Россияда Роршах тестини ўрганишга уринишлар XX-асрнинг 20-30 йилларига тўғри келиб, у асосан шахснинг аномал хусусиятларини аниқлаш, невроз ва психопатиялар диагностикасида, шунингдек эпилепсия (тутканоклик) касаллигини тадқиқ қилишда фойдаланилган.

Шунингдек 1935-1939 йилларда купгина проектив тестлар яратилиб психотерапияда кенг кулланилган. Бунда турли хил касалликлар ва трамваларнинг шахс психикасига таъсири, касаллик ва соғломлик уртасидаги аломатлар урганилган. Шулар каторида 1935-йилларда журналларда чоп этилган тематик апперцепция тести (ТАТ)ни киритиш мумкин. Бу тест келиб чиқишига кўра фантазияни экспериментал ўрганиш методикаси сифатида юзага келди. Унинг муаллифи Г.Мюррей ҳисобланиб, Роршах тести сингари келиб чиқиш тарихи мавжуд. Бунда шундай масала юзага келди, педагог ва психиатрларга текширувчилар учун махсус танлаб олинган сюжетли расмлар асосида тузилган хикояга караб, инсоннинг кизикишлари, майллари ҳақида хулоса чиқариш мумкинлиги олдиндан маълум бўлиб, баъзида эса психиканинг касаллик ҳолатини ҳам аниқлаш имкони мавжуд эди. Бир қарашда ТАТ фикри Роршах ғоясига караганда анча содда ва аниқ куринар бироқ, бунда муаллифнинг кахрамонлари такдири ва расмлари тўғрида-тўғри акс этади-ю, баъзилари карама –карши маъно акс этиши муаммо тугдиради. Утган асрнинг буюк эртакшунослари ёзган эртаклари мазмуни ҳам проектив характерли ҳисобланган. Бу эса болаларнинг турли хил психологик хусусият ва ҳолатларини ўрганишда кул келган. Францияда Ш.Перро, Германияда ака-ука Гримлар жуда куп проектив характерли эртаклар яратган. Бунга мисол килиб «Кизил шапкача», «Ухлаб ётган паризод», «Доно киз», «Бури билан эчки», «Кор маликаси», каби эртакларни келтириш мумкин. Айнан, ушбу эртаклар ҳам проектив тестларнинг келиб чиқишига сабаб булган деган маълумотлар мавжуд. Бундан фаркли равишда проектив тестлар масаласи ва проекция тушунчаси психологиянинг бир қанча соҳаларида баҳсбоп бўлиб булган. Шу жумладан экспериментал психология, аналитик психология, холистетик психологияда кенг тадқиқ қилинган. Аналитик психологияда айнан эртакли проектив тестлар орқали болаларнинг онгсизлик ҳолатларини тадқиқ этиш кенг йулга куйилган. Бугунги кунда бу эртакли терапия номи билан ғарбда машхур саналади. Умуман олганда проектив тестлар масаласи баҳсбоб масалага айланиб, у олимлар уртасида турлича фикрлар ва қарашларни келтириб чиқарди. З.Фрейд

фикрига кура проектив тестлар мазмунан онгсизликни ифодалайди шу билан бирга инстинктив характер касб этади. Холистетик психология вакиллари проекция масаласига бошқача назар билан караб ,у инсоннинг субъектив ёки ички дунёси билан боғликлигини таъкидлайди , бу эса инсондаги структурали яширин мақсадлар борлигини ифодалайди . Айнан шу ҳолат барча кишиларда «шахсий дунё» деб аталади. Буларга қарши равишда экспериментал психология вакиллари проекция ва проектив тестлар масаласига узгача қараган .Бунга кура проекция тушунчаси назорат ва билиш усули , идрокли жараён билан характерланади: атрибутив проекция , классик проекция , артистик проекция, рационал «аклий» проекция , муносабатли проекция ва симилятив проекция .

Атрибутив ва классик проекциялар инсон характерида узини англаш билан вужудга келиб , ундан бошлаб қарама -қарши орттирилиши таъкидланади . Артистик проекциялар идрокнинг детерменантлиги ва актуал эҳтиёжлар пайдо булиши ва кондирилиши билан боғликлиги қурсатилади .Бу фалсафий оқим булган Аутизм қарашларини ҳам уз ичига олади. Рационал проекциялар эса инсон характери , ҳулқ -атвори ва ақл-заковатини мазмунини белгилайди .Ва бу Д.Холмснинг проекция тушунчаси классификацияга берган таҳлилида кенг урин олган .

Проектив психологиянинг келиб чиқишига В.Вунд, Ф.Гальтонларнинг тадқиқотлари ҳам қатта аҳамият касб этади. Улар Вюрцбург психологиясида дастлабки экспериментал тадқиқотни утказганлар.Тадқиқот «Ассоциатив сузлар» методикаси олиб борилган. Бунда шахслардаги характер хусусиятлари урганилди .Лекин , қуплаб олимлар фикрича дастлаб проектив тестларни К.Г.Юнг ишлатганлиги таъкидланади .Юнг эркин ассоциациялар тести орқали барча проектив тестлар характерини очиб берди.Яъни бу шахсни диагностика қилишни комплекс усули деб ҳам тан олинди. 1910-йилларда тадқиқотчилар Г.Кент , К.Г.Юнг, А.Розановалар АҚШда шахсларни фавқулодда ҳолатларда урганадиган стимулли тестлар яратишга киришди. Бунда юз кишидан натижалар олиниб ,улардаги индивидуаллик хусусияти урганилди. Бу методика гарчи клиник характерли бўлсада ,кейинчалик бошқа олимларнинг ҳам

назарини торта бошлади. 1946-йилда Рапопорт К.Г.Юнг тадқиқотларидан келиб чикиб 60 та стимулли сузлардан иборат методикани яратди. Методика асосида психоаналитик назария ётиб, шахслардаги ички низоларни низоларни фаолиятдаги ментал бузилишларни урганади.Баъзи олимлар эса З.Фрейд нинг 1909-йилда босилиб чиккан монографияси «психоанализ асослари»да проектив тестларнинг дастлабки назарий асослари ётишини таъкидлайдилар .19 аср охирида ва 20 асрнинг 30-40-йилларида проектив тестлар ва уларнинг турли йуналишдаги мактаблари пайдо булди 1921-йилда Г.Роршах амалга оширган иш проектив методикаларни эмпирик тадқиқ қилишнинг янги талқини деб ном олди. Бундан ташқари проектив тестлар ривожини 1920-йиллардан сўнг жадал ўсиб борди. 1939-йилга келиб Френк фанга хақиқий проектив методика тушунчасини қўллади. Шундан кейин проектив методикалар турли хил вазиятларда ва соҳаларда кенг кулланила бошлади. Масалан тадқиқотчи Г.Мюррей, Юнг ва Роршах ишларидан келиб чикиб вояга етмаган жиноятчиларни сирларини очишда кул келадиган проектив тест яъни ТАТ(тематик апперцепция) ни суд- психологик экспертизасида кенг куллаган. Гарвард психологик клиникасида ҳам кенг йўлга қўйилган. Бунда синалувчилар ошкор этишни хохламайдиган ёки яшириб келаётган хотиралари ,ғоялари , кечинмалари очиб берилган .

Хорижий психологияда кенг қўлланилган проектив методика бу Люшернинг «Ранг тести» бўлиб, у шахслардаги конфликт, агрессивлик, шахслараро муносабатдаги келишмовчиликлар шу билан бирга инсонларнинг рангларга муносабатини аниқлашга кенг имкон берган. Бундан ташқари ушбу тест соғломлик ва касаллик уртасидаги тафовутларни аниқлашда ҳам кулай методика ҳисобланган.Люшер фикрича инсон проекцияларини ранглар билан ҳам ёркин билиш мумкин. Чунки ҳар бир киши узи ёктирган ва ёктирмаган ранглари билан уз хусусиятини белгилайди деб таъкидлади. Кейинчалик проектив тестларнинг новербал вариантлари кенг таркала бошлади .Шулар жумласида геометрик фигуралар тести ,уз рамини чизиш ,манзаралар курсатмаси ,орқали инсонларнинг хиссий олами ,ижодий қобилиятлари ҳақида

маълумот олинган. Тест талабига кура объектив мазмун касб этган. Чунки берилган йуриқномалар бу ҳолатни таъминлашга хизмат қилган. Бугунги кунга келиб проектив тестларнинг янги модификациялари психолог олимлар томонидан қўллаб яратилмоқда .

Проектив методикаларнинг классификацияси

Биз қуйидаги параграфда проектив методикаларнинг классификацияси хусусида тўхталиб ўтамиз. Проектив методикаларни татбиқ этиш жараёнида уларнинг классификацияси бир қатор жиҳатларни инобатга олишни талаб этади. Қуйида классификацияга доир келтирилган айрим ёндашувлар устида тўхталамиз.

Машхур психолог олим Л.Френк барча проектив тестлар тўғрисидаги назарий ва амалий маълумотларни узлаштириб , уларнинг янги классификациясини яратди(10.32-38 бетлар). Унингча хар бир турдаги проектив тест алоҳида мазмун касб этиб , узига хос таҳлилни талаб этади. Методикаларни гуруҳларга булиш , тадқиқот натижаларини таҳлилни осонлаштиради ва тадқиқотчига қулайлик олиб келади Бугунги кун амалиётида проектив тестларнинг бир қатор турлари қўлланилиб келинмоқда:

- Конституциявий методлар.
- Конструктив методлар .
- Интерпритацион методлар .
- Катартистик методлар .
- Экспрессив методлар.
- Имприссив методлар .
- Аддитив методлар .

Юқоридаги хар бир тестлар турига алоҳида проектив методикалар кириб, улар турлича мазмун моҳиятга эга.

1. Конституциявий характерли проектив тестлар каторига «Тугалланмаган сузлар», «Тугалланмаган расмлар» тестлари кириб, ўтказилиш техникасига кура турли ситуацияли (вазиятли) структуралардан иборат. Методика материаллари

аморф характерга эга бўлиб, текширилувчилардан асосан мантикий мулохазалашни талаб этади. Ушбу методиканинг муаллифи Сакса Леви хисобланиб, тест оммабоп тестлар каторига киради. Муаллифдан олдин ҳам ушбу методика, экспериментал психологияда кулланилган. Юқоридаги вариантыни эса Сакс ва Левилар янги вариантда тузганлар. Методикада 60 та тугалланмаган сўзлар келтирилган бўлиб, улар 15 та гуруҳга ажратилган. Методика саволлари орқали шахснинг олавий муносабатлардаги хулк-атвори, уз-узидаги карама -каршилиқ чегараси, сексуал характер хусусиятлари, кўрқув ва хиссий бузилишлар, келажакдаги ва бугунги кундаги орзу истаклари, онаси билан муносабати шу билан бирга дуст яқинлари билан муносабат мазмуни аниқланади. Тест ўтказишда алоҳида анкета мавжуд бўлиб у текширилувчиларни тестга тез йўналтириш хусусиятига эга. Шу каторда тадқиқотчи Варттегнинг «Тугалланмаган расмлар» тести ҳам ҳуди шу характерда фойдаланилади.

2. Конституциявий характердаги проектив методикалар инсонлар ва хайвонлар фигуралари, моделлари орқали шахс хусусиятларини таҳлил этади. Бунда расмлар ва фигуралар минатюра характерида ҳам ифодаланиши мумкин. Тадқиқот ҳар бир ёшда алоҳида характер касб этади. Бу эса текширилувчиларни муҳитдаги ижтимоий ҳимоясини очиқ беради. Масалан, инсон расми ва хайвон расми тестнинг купрок масаласини ташкил этади. Методика таҳлилида ҳар бир фигура, қурилиш материали, мозаика моделлари ва саранжомлик ҳисобга олинади.

2. Интерпритацион характердаги проектив тестлар туркумига ТАТ (тематик апперцепция) тести мисол бўлиб, бунда масала ва топшириқлар иллюстрацион характерда ифодаланади. Методика инсондаги кизикишлар, хиссий кечинмалар шу билан бирга ички имконият ва яширин мақсадларни аниқлайди. Методика муаллифлари Г. Мюррей ва Морганлар саналади. Методика Мюррей яратган шахс назариясига асосланади. Яъни эҳтиёжлар шахснинг хулк-атворини, тасаввурларини, билиш жараёнларини йўналтиради ва ташкиллаштиради деган тамойилга асосланади. Мюррей бунда барча эҳтиёжларни психодинамик

кутилмалар деб атади. Мюррей барча эҳтиёжларни витал ва психоген турга ажратади. Витал эҳтиёжларга – сув-хаво , психоген эҳтиёжларга билиш , санъат, севги кабиларга ажратди. Методикада 20 та эҳтиёж кулланилсада лекин, 24 таси фаркланади (6.26-31-бетлар).

Мюррей фикрича методикадаги расмларни текширилувчилар икки хил изоҳлайдилар . Мавхумлик акс этган расмларни уз хаётий тажрибалари орқали бажарадилар . Эрак ва аёлларга берилётган топшириқлар алохида – алохида булиши ҳам тест коидаларидан бири саналади. Чунки жинсий характердаги тафовут расм гуруҳларида алохида мазмун касб этади .

4. Катартистик мазмунли проектив тестларга уйин фаолияти билан белгиланадиган тестлар киради . Масалан «психодрама», «ихтиёрий театр сахнаси», «терапевтик чиқишлар», мисол булла олади . Бунинг учун шарт-танланиши , уйин техникаси танланади. Бунда шахслардаги низолар , бошқа инсонлар билан буладиган муносабатлар куриниши уйин пайтида очик ойдин амалга оширилади. Бу техника инсонларни хар кандай вазиятларда муоммо ва ҳолатга уз имкониятидан келиб чикиб иш тутишига ёрдам беради . Бу психотерапияда куп кулланадиган ва шахсни тарбиялайдиган восита ҳисобланади. Хох роллар кулгили ёки салбий образли булсин , шахс типига мос равишда ижро этилади . Бунда шахснинг фантазия ҳолатлари ҳам ҳисобга олинади. Мисол учун «иссик стул» номли тренинг уйини айнан инсонни стрессли вазиятда оқилона ҳукм чиқаришида қўл келиши таъкидланади.

5. Экспрессив характерли проектив тестлар тезкор маълумот олишни ифодалаб , бу графалогияда ҳам кенг кулланиладиган усул саналади . Бизга маълумки , графалогия инсоннинг ёзуви ва имлоларига караб унинг хусусиятларини таҳлил этади. Экспрессив таҳлил жиноят турини аниқлашда ёки булмаса давлат аҳамиятига молик расмий хужжатлардаги узбошимчалик ва конунбузарлик ҳолатларини очишда , мансабдор шахслар ёки давлат хизматчилари куйган имзоларни аниқлашда экспрессив усул кул келиши тадқиқотларда таъкидланган . Бундан ташқари экспрессив проектив методикаларга «Уй. дарахт. инсон.» методикасини киритиш мумикин. Методика

Дж.Морган томонидан 1948-йилда кулланган..Тест катталар билан болалаларни ўрганиш учун ҳам кулай саналади .Моҳиятига кура тест куйидаги мазмунни ифодалайди.Тестни куллашда йуриқнома берилиб ,хар бир вазифадаан сунг суҳбат утказилади.Суҳбат ҳам уларнинг нима учун бу вазифаларни танлаганлари тўғрисида маълумотни ойдинлаштиради.

5.Имприссив турдагида эса текширувчиларнинг хошиш ва интилишлари ҳисобга олиниб ,уларни таъминлаш талаб этилади.Бундай тестларга Люшернинг «ранг тести» яққол мисолдир.Тестда барча ранглар ҳисобга олинган бўлиб ,улардан 8 та ранг методикада фойдаланилган .Ушбу ранглар орқали инсонда кўрқув ,аффеқт ,ички дунё сирлилигини яширин очиш, низоли вазиятга мойиллик ,эмоционал киёфа каби психологик масалалар урганилади .Люшернинг ранг тестлари ХХ-аср бошлари ва охириги ун йиллигида медицина психологияси ва психотерапияда клиник жихатдан кенг тадбиқ этилган .Тадқиқотчилар фикрича ушбу методика инсондаги куйидаги хусусиятларни сифатларни таҳлил этади .

1.Турли хил касалликларнинг инсонга таъсири ,соматик ва психосоматик белгиларини аниқлашда .

2.Эпилепсия(тутканоклик)ва шизофрения касалликларидаги соғломлик ва касаллик тафовутларини аниқлайди .

3.Шахслардаги эмоционал бузилишлар ,кўрқув ,хаддан ташқари зўриқиш каби ҳолатларни ойдинлаштиради .

4.Жамоалардаги психологик иқлимни ўрганади.

5.Шахснинг хиссий кечинмалари йуналиши ва мазмунини очиб беради.

Люшер тестининг кейинги модификацияларида 70 хил турдаги расмлар харак тери ҳисобга олиниб ,у ҳам инсонни комплекс тадқиқ кила олган .Люшер методикани яратиш пайтида рангларни танлашда , биринчи уринда уларнинг функцияларини ҳисобга олади. Люшер фикрича инсондаги субъективлик купрок ранглар билан юзага чиқади .Муаллиф тестга қушимча равишда натижага ойдинлик киритиш мақсадида текшириш охирида саволлар билан мурожат қилган.Масалан,сиз ўсмирлик ёшингизда кайси рангларни ёқтиргансиз

ёки умуман қайси рангни ёқтирасиз деб сўралган .Кўпчилик текширилувчилар яшил ва кизил рангни айтганлар .Таҳлилга кўра ,яшил ранг ўсмирликдаги ноаниқ ҳиссиёт ,мардликка даъвогарлик ,шу билан бирга кўчувчан самимийликни ифодалаган .Қизил ранг эса куч- қувват рамзи, шиддатли хулқ – атвор кўриниши ,ёки агрессивлик ва қайсарлик хусусиятлари бўлганлигини кўрсатган .Люшер ушбу усулни мақбул баҳолаб, кўпроқ тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилди. Охир –оқибат у методикада акс этган 8 та ранг ҳар бирига алоҳида таъриф ишлаб чиқди .

1. Кўк ранг-эмоционал комфортлик ,ҳиссий муносиблик ,ички ҳимоя механизмга эга ,муваффақият кутувчи тип бўлиб,эҳтиёжлари ранг- баранг тусга эга .

2.Яшил ранг-эҳтиёжлар сфераси ўз позицияси билан уйғунлашган кишилар,мудофа қудрати кучли,ҳарактларида агрессив хулқ кучли бўлган кишилар.

3.Қизил ранг-эҳтиёжлари муваффақиятга қаратилган,ледирлик ва ташклотчиликка мойил.Агрессиялари йиғилган ,бошқарувчилик , шу билан бирга фаолияттида юқори қидирувчанлик мавжуд .Бундай тоифали кишилар ҳаётда жуда ҳаракатчан ,юқори энергияли кучга эга бўлиб,доимо муваффақият сари интиладилар .

4.Сариқ ранг –ижтимоий режаларда эҳтиёжлар эмоционал кўринишлилигини ифодалайди .Ушбу типдаги шахсларда ҳимоя механизми юқори ,тажовузкор хулқли ,мулоқот ва муомала жараёнида қониқмаслик ,сиқилувчанлик ҳисси кечирилади.

5.Бинафша ранг –шахсдаги эмоционал етукмасликни,ҳаётий мақсадларнинг аниқмаслигини ,субъективизмнинг юқорилигини,индивидуал ўзига хослик кабиларни ифодалайди .

6.Жигар ранг-эҳтиёжлар сфераси қор каби хужумли ,жисмоний ва психологик типга кўра комформ характерли кишилар,шахслараро муносабатда тез тил топа олишга моилдир.

7.Қора ранг –таҳлилига кўра , кишининг эҳтиёжлари мустақил шу билан бирга кўчувчан характерни ҳам олади.Қора рангни хуш кўрувчи кишилар негатив хулққа эга ,доимо инсонлар билан бўлган муносабатларда ўз авторитетини ўрнатувчи тип саналади .Улар доимо ҳукмронликка интиладилар ва бу учун ҳатто ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Барча берилган ёки кўрсатилган йўл-йўриқларга қарши турадилар.Люшер ушбу ранглارнинг барчасини тадқиқотларида кўп бора синаб кўрган.Ва энг кераклиси рангларнинг инсонларга берадиган проекциясини ҳам кенг очиб берган.

7.Аддитив характерли проектив методикалар алоҳида мазмунга эга бўлиб, унга тугалланмаган сўзлар методикаси мисол . Бу кўпроқ болаларда тадқиқ этилган. Методика психологик коррекцияга кўра тарбияли характерни касб этади. Бу инсондаги мотивлар ва унинг шахс камолотига таъсирини очиб берувчи методикадир.

Тадқиқотчи Г.М.Прошанский ушбу методика юзасидан иш олиб бориб, тестни қўллашнинг йўллари ва ишлаш классификациясини келтириб ўтади. Проектив техниканинг қисқача кўринишини тузди(22.106-109-бетлар).

1. Стимуллар - 1) вербаль. 2) визуваль. 3) конкрет. 4) модал

Жавоблар – 1) ёзма. 2) диагностик. 3) Терапевтик.

Бундан фарқли равишда бугунги кунда проектив тестларнинг турли кўринишлари ишлаб чиқилган. Улардан турли соҳаларда таълимда, меҳнат жамоаларида, психологик марказларда фойдаланилмоқда.

Юқоридаги проектив методикадан фарқли равишда инсоннинг маълум аъзоси орқали тадқиқ қилинадиган тестлар мавжуд. “Кўл тести” проектив методикаси инсонлардаги агрессив муносабатни ўрганишга мўлжалланган. Методика Б.Брайклин, З.Пиотровский, Э. Вагнерлар томонидан ишлаб чиқилган. Методикани ўтказиш учун 9 та кўл панжаралари тасвирланган расмлардан ҳамда бўш варақдан иборат қўзғотувчи материал зарур. Расмлар бирма-бир кўрсатилиб синалувчиларга кўл панжараларини тасаввур қилиш ва унинг ҳаракатини тасвирлаш вазифаси берилади. Яъни расмда акс эттирилган кўл қандай ҳаракатни бажараётганлиги ёки бажаришга қодирлиги тўғрисида

синалувчи фикри аниқланади. Ҳар бир тасвирланган қўл қандай ҳаракатни амалга ошираётганлиги ҳақида бир неча вариантда жавоб беришга ҳам рухсат берилади. Тест таҳлилига эътибор беришда қуйидаги шахс хусусиятлари келтириб ўтилган.

1. Агрессия ҳолати – қўл устуворлик сифатида талофат етказувчи мазмунда идрок этилади.

2. Ҳукумронликка интилиш-қўлларнинг тўғрига йўналганлиги, горизантал жойлашганлиги Билан.

3. Қўрқинч-синалувчи жавобларида қўл ,бошқа кишиларнинг агрессив ҳаракатлари қурбони сифатида намоён бўлади. Инсоннинг ўзига зарар етказувчи сифатида тасвирланади.

4. Боғланиб қолишлик-қўл бошқа кишиларга нисбатан ижобий йўналган.Бу кўпроқ севги- муҳаббат ва меҳр туйғуларини ифодалайди.

5. Коммуникация-алоқа ўрнатишга интилаётган қўл сифатида тасвирланса ,бу шахсдаги мулоқотчанлик белгиси.

6. Тобъелик – қўл бошқа кишиларга бўй сўнишни ифодаласа ,бу боғлиқлик белгиси .

7. Қўл турли усуллар ёрдамида ўзини кўрсатишга интилаётган тасвирланса,бу намойишкороналикдан даракдир.

8. Қўл касал ,шакли бўзилган ,ҳеч қандай ҳаракатга ноқобилдек акс эттирилса –касаллик белгиси ёки жароҳат сифатида тушуниш мумкин.

9. Ноаниқ фаоллик қўл тасвири –ҳаракатга мойиллик ,кучли энергияли тип.

10. Шахси ноаниқ сустилик сифатидаги қўл тасвири -мотивларнинг кучсизлиги ,безовталиқ куриниши, шахсдаги бўшашганлик.

11. Қўлларнинг муштланган ҳолда йўналиши –хулқдаги яширин ва тўпланган душманлик белгиси .

Бундан ташқари ёш болаларнинг турли ижтимоий психологик хусусиятларини очиш табиатига эга проектив тестлар мавжуд.Унга мисол

тариқасида “Оила расми” методикасини келтириш мумкин .Буметодика- билан В.Хюльсе А.И.Захарова Л.Кармановаларнинг кўпроқ тадқиқ олиб борганлар. Тадқиқод учун 6 хил рангли қаламлар ва оқ қоғоз ва ўчирғич талаб этилади(1.56-81бетлар). Болага кўрсатма қуйидагича берилади, ”Ўз оиланг расмини чиз” оила сўзи маъноси тушинтирилади. Агар бола тушунмаса йўриқнома яна қайтарилди. Вазифани вақти 35 минут деб олинган. Психолог вазифани баённомага қайд этиши.

- 1.Деталлар чизиш кетма-кетлиги.
- 2.15 секунддан ортиқ паузалар.
- 3.Деталларни ўчириш.
- 4.Боланинг спонтан берилган изохлари.
- 5.Эмоционал реакциялар.

Тадқиқод тугагач психолог, вербал йўл билан боладан маълумот олиш учуни мурожат қилади, қўшимча саволлар билан.

- 1.Айтчи бу ерда ким тасвирланган ?
- 2.Улар қаерда тасвирланган ?
- 3.Улар нима қилишяпти ?
4. Буни ким ўйлаб топди ?
- 5.Расмда чизилганларнинг энг бахтлиси ким. Нима учун.
- 6.Улардан энг бахтлиси ким ? Нима учун.

Сухбатдан сўнг болага 6 та вазиятни таҳлил қилиш қўйилиб, у анализ этилади. Интерпритация қилишда қуйидагиларни билиш зарур .

- 1.Тадқиқ қилинаётган боланинг ёши.
- 2.Унинг абзолари сони ,ака –сингиллари ёши .
- 3.Иложи бўлса болани ,уй,мактаб ва боғчадаги хулқи .

Интерпритацияни шартли уч қисмга бўлиш белгиланган.

- 1.Оила расми структураси таҳлили .
- 2.Оила абзолари график тасвири хусусиятлари таҳлили.
- 3.Расм чизиш жараёни таҳлили .
- 4.Боланинг оиласига берган расм тафсилотининг умумий хулоласи .

Бу эса, боладаги барча ижтимоий тусиқларни, негатив хулқ –атворни, кўрқувни, ҳиссиёт оламининг ранг-баранглигини очиб беради . Энг асосийси яширин, спонтан хусусиятлар текшириш пайтида ўз-ўзидан содир бўлган .

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиш керак бўлади. Айнан болалар шахсини ўрганувчи, кенг имкониятли проектив тест мавжуд. Бугунги кунда Европанинг ривожланган давлатлари, хусусан, Германия, Греция, Россия, Украина, Ақшда кенг тадқиқ қилинган проектив тест “Эртакли проектив тест” яъни эртак терапиясидир. Эртаклар бизга маълумки, ҳақиқатни борича акс этади. Масалан яхшилик ва ёмонлик, давлат бошқарувидаги зулмкорлик, ўғрилиқ ва тўғрилиқ, севги-муҳаббат, омад, сеҳргарлик каби инсон хусусиятларини тасвирлайди. Бу эса боланинг дунё қарашига ижобий таъсир этиб, тарбиясини камол топтиради. Текширилганда синалувчилар онгсизлик ҳолатлари чиқиб келади. Эртаклардаги такрорланувчанлик болалардаги идрок кўламини кенгайтишига олиб келади. Эртакшунос олим Рохейм фикрича, эртаклар туш кўриш билан яқин деб қаралади. Ва эртаклар қўйидаги вазибаларни бажаради инсон проекциялари жараёнида.

- 1.Боғловчи .
- 2.Трансформациялаш.
- 3.Воситачилик .
- 4.Ҳимояловчи.

Аналитикларнинг фикрига кўра, бу вазибалар болалардаги низоли, руҳий безовталиқ ва негатив хулқ кўринишини очиб беради. Тадқиқотимизнинг назарий масаласига ойдинлик киритиш мақсадида, Россиянинг амалий психологлар учун махсус чиқадиган”Амалий психология ва психоанализ “ журналида чоп этилган мақолага қаратмоқчимиз (2003-йил,4-декабр, 12-сон). мақола эртаклар ва онгсизлик деб номланади.Масалага эса” Қизил шапкача “ эртаги танланади.

Ушбу проектив тест 21 та расмли карта ва қаҳрамонларнинг 3та хулоса картасидан иборат .Психолог тадқиқод ўтказишдан олдин қўйидаги талабларни бажариши керак бўлади .Саволарни бериш тартиби қуйидагича.

1. Болаларда эртакнинг мазмуни ,ёки ўқилганлиги ҳисобга олинади.

2. Қизил шапкача уйдан чиқиб кетганда онасидан хафа бўлдимми ёки кўрқдимми?

3. Қизил шапкача ўрмонга кирганида хурсанд бўлдимми ё кўрқиб кетдимми ?

4. Бувисини ўйида бўрини кўрганда кўрқдимми?

Тадқиқот охирида 3та хулоса картаси болалар кўлига берилиб ана шу орқали хулоса қилинади. Хулоса карталари мазмуни турлича .

1-карта. Болалар шахсининг кучсизлигини, ҳиссиётлари салбийлигини, шу билан бирга боланинг кўрқоқлиги ва тортинчоқлигини англатади .

2-карта. Боланинг беғуборлиги, қувноқлиги ва психологик соғломлиги кўрсатади.

3-карта. Боладаги хафалик, безовталик, хавфсираш, агрессив ҳолатини англатади.

Ушбу тест ҳам стимулли кўзғатувчи материал характерлидир. Тестни кўпроқ мактабгача тарбия маскани ва кичик мактаб болаларида ўтказиш тавсия этилади. Бу эса бола шахсининг ижтимоий–психологик жиҳатини ўрганишга ва тарбиянинг ижобий камол топишига кенг имкон беради.

“Агрессивлик” тести (Розинцевейг тестининг модификацияси)

Методика проекция характерига кўра фрустрация ва стрессли ҳолатларни ўрганишга қаратилган ҳисобланади. 24 та расмли вазият тестда кўрсатилиб, вазиятни изоҳлаш талаб этилади.

Инсондаги агрессия кучли ёки йўқлиги вазиятлар орқали баҳоланади. Текширилувчининг ҳар бир расмдаги фикри, баҳоси, кечинмаси қайд этилиб борилади. Болалар психикасини тадқиқ этишда яна бир проектив методика “Уч дарахт” тести қулай ҳисобланади. Тадқиқотчи тестни бошладан олдин бола билан суҳбат қилиб олади. Ота-онаси, иш жойи, неча ёшдалиги, оиланинг бошқа аъзоларини ҳам қандай уйда яшаётганлиги ҳақида сўралади.

Суҳбатдан сўнг психолог болага “Ҳоҳлаган уч дарахт”ни чизишни буюрилади. Рангли қаламлардан фойдаланиш айтилади. Тадқиқот натижалари ранглардан фойдаланганлиги, дарахт проекциялари ва структурасига қараб

таҳлил этилади. Ушбу методика ҳам диагностик характерга кўра, қулай ва имкониятли саналади.

Рене Жил методикаси – Муаллифнинг ушбу тести болаларнинг шахслараро муносабатлар ҳамда унинг оилавий муносабатларни идрок қилинган соҳасини тадқиқ қилиш учун мўлжалланган. Методиканинг мақсади боланинг ижтимоий мослашувчанлиги, унинг атрофдагилар билан алоқаси ва муносабатини очишдир. Методика визуаль – вербаль характерда бўлиб, болалар билан катталар расми тасвирланган. Вазифалар 42 та расм ва матн шаклидан берилган саволлардан тузилган. Тест билан ишлашдан аввал – болага расм асосида берилган саволларга жавоб беришлиги тушунтирилади. У расмлар билан танишиб чиққач, саволларни ўқиб жавоб беради. Лекин бу методика соф проектив эмас, балки анкета ва проектив тестларни оралиғида турувчи тест туркуми ҳисобланади.

“Геометрик фигуралар тести” проектив характердаги методикалар сирасига киради. Методика муаллифи Э. Мох ҳисобланади. Э.Мох тестда ўз тестида инсон қиёфасини ифодалашда тўртта геометрик фигурадан фойдаланди. Яни айлана, учбурчак, квадратни танлади. Улар кайсидир маънода инсон проекциясини башорат қилади.

Айлана шакл – Инсоннинг майл соҳаси, ҳиссиёт олами, эмоционал кечинмаларининг қандай тусга эгаллигини англатади. Агар текширилувчилар чизишда айланадан кўп фойдалансалар.

Учбурчак шакл-Инсоннинг фантазияларини англатиб қай даражада ундан фойдаланганлигини англатади. Бу учбурчак шаклдан бир расмда қанча кўп фойдаланганлиги билан белгиланади.

Квадрат шакл-Инсондаги ақл соҳаси бўлиб, рационал имкониятга қаратилган. Тест талабига кўра текширилувчи вазифада фойдаланган фигуралар сони 10 тадан ошмаслиги керак. Юқоридаги мисоллардан кўриниб тўрибдики бугунги кунда проектив тестларсиз амалий психологияни ютуқларини сезиш қийин. Гарчи улар миллий муҳитимизга тўла жавоб бермасида, уларни

модификация қилиш, қайта ишлаб чиқиш фанимиз салоҳиятини икки барабар ошириши ажаб эмас.

Шахс диагностикасида проектив методикалардан фойдаланиш
Проектив техника психодиагностикада кенг қўлланилсада, ҳар бир проектив тестлардан фойдаланиш учун тестларга қўйиладиган психодиагностик талабларга риоя қилиш зарур. Лекин, ушбу тестларни стандартга солиш қийиндир. Прогнозлик характериға кўра , бир қарашда оддий кўринсада , чет элда кенг имкониятли тестлар деб қаралди. Проектив методикаларнинг диагностика қимматиға эътибор беришдан олдин, унинг қўлланилиш соҳалариға эътибор бериш лозим.

1. Кадрларни саралашда, касбга йўналтиришда.
2. Ўқув фаолиятини ўрганишда ва тарбия жараёнини самарали олиб боришда.
3. Ижтимоий хулқ – атворни аниқлашда .(Оила расми тести мисол).
4. Ҳарбий хакирувга келаётган призивни психологик экспертиза қилишда.(Масалан, Психик ҳолатларнинг асосий параметрини аниқлаш тести).
5. Суд-психологик экспертизасида жиноятчи мотивлари ва мақсадларини очишда (Масалан, ТАТ тести оркали ўсмир жиноятчиларни).
6. Психотерапевтик ёрдам ва психологик консултациялар жараёнида поцентларни ўрганишда.(Агрессивлик тести ва фрустрацияли вазият тести оркали масалан).
7. Амалий психологларнинг турли фолиятида (Олий таълим ва мактаб таълимида таълим ва тарбия муоммосида).

Юқоридаги талаблар қўлланилиш соҳаси талаби бўлса, тадқиқодчилар учун аввало, тестнинг назарий асосини билиши ва тестни апробация қила олиши асосий талабдир. Бундан ташқари клиник психологияда болаларнинг нормал ривожланиши ва аномалияларини аниқлашда ҳам қўлланилган. Бу ҳол яна тест имкониятлари юқорилигини ва ишончлилигини кўрсатади. Лекин натижалар баъзида стандартликни талаб этади.

Уларда тадқиқод охирида фориғланиш, қутулиш ҳолати содир бўлганлиги проектив техниканинг яна бир ўзига хос жиҳати эканлиги исботланди. Проектив техника асосан қўйидаги материаллар билан амалга оширилган. Сув, лой, метал парчаси, кубикчалар каби материалларни уз ичига олади. Терапевтик уйинларнинг бирида болаларда қисмларга ажратилган қўғирчоқ берилган. Уларни йиғиш ҳолати болалардаги агрессив ҳолат ва ота оналарига бўлган муносабатни белгилаган. Театр кўринишидаги ўйинлар болаларда эмоционал сакраш ва катарсис (фориғланиш) ҳолатини олиб келган. Тест техникасини бола бажара олмаса, уларга қўшимча равишда кичк суҳбат ва интервью ўтказилган. Асосий муоммо эса тест ўтказиш эмас, тадқиқодчиларнинг тест талабларидан қўрқиши яни валидлик ва ишончлик олишдан қўрқиш. Клиник психологияда тест натижаларидан норма олишда текширувчилардаги қобилиятлар алоҳида этапга солинади. Баъзи олимлар Роршах тести ва ТАТ тестини таҳлил этишда уларни фалсификация қилиш кераклигини таъкидлайдилар. Текширувчилар жавобларидан қониқмасалар тадқиқодчи ёрдам бериши ва хоҳишларини ҳисобга олиши керак.

Текширувчилар ва ситуатив омиллар.

Кўпгина тадқиқодларда натижалар нормал натижа бермаслиги мумкин. Бунда барча текширувчилар жавобларини формулировка инструкцияси тузилади. Клиник усуллар билан ҳам объектив текширилади. Биринчи галда текширувчи методикани қачон қўллагани, ҳақиқий число, вақт, кун ҳам ҳисобга олинади. Тестнинг қайси хусусиятларни очишдаги муваффақияти, ёки чегараси, сўзлардаги қўлланган образлар, характер уйғунлиги, стереотипик хусусиятлар ҳам четлаб ўтилмайди.

Ситуатив омиллар-бу тестларда қўлланган вазият, ўзидаги кечинма, қабул қилинмаган стимуль, шу билан бирга тестга ойдинлик киритувчи ҳар бир четда қолган ҳолатлар. Охирги қилинадиган иш бу, аниқ жавобларни текшириб, назарий ориентация олиш ва гипотеза қилиш, қолаверса ўз кечинмалари билан солиштириш, ўз навбатида шахсни динамик структурасини аниқлашдир.

Ишонччилик –бу проектив тестлар учун ҳам қўлланиладиган психометрик талаб бўлиб, агар бунга эътибор берилмаса, натижалар интерпритациясини тўхтатиб қўйиш мумкин. Агар тест натижалари талабга жавоб бермаса, ретест ўтказиш талаб этилади. ТАТ методикасида айниқса ўтказилган сана ва жавоблар протоколи аниқ солиштирилиши ҳам самара бериши мумкин. Ранглар индекси ҳам ҳисобга олинади.

Валидлик- бу тестларнинг иккинчи психометрик талаби бўлиб психодиагностикада турлича изоҳланади. Валидлик методиканинг сифатини ҳамда ўрганилган хусусият жавобгарлиги ва баҳолаш, нимани ўрганишга қодирлигини изоҳловчи тушунчадир. Экспериментли назорат ҳолати ҳам валидлик белгилашда муҳим саналади. Кўплаб Роршах тести ҳақидаги маълумотларда методологик ёндошувлар ёлғон деган маълумотлар валидлик тўғрисида учрайди . Масалан клиник тадқиқодчилар ишларида адашишлар учраган . Мисол учун 1966-йилдаги (H.J.Kinslenger) тадқиқотда бир стимулда учрамаган белгилар иккинчи стимулда учраган. Бу эса критериал группаларга ажратишни талаб этган (8, 93-103). Валидлик ва ишонччилик агар қийинчилик олиб келса ретест қоидалари қўлланилади. Ретест ўтказилгандан кейин олдинги тест натижалари билан солиштирилади. Агар текширилувчи олдинги текширувда вазифани тушунмасдан бажарган бўлса, унга методика моҳияти яна тушунтирилади. Тест ўтказилган сана ва ой аниқ қайд қилиб олинади. Тестларнинг психометрик талабларига кўра проектив тестларнинг аниқ стандартини олиш қийин, чунки новербал характердаги вазифалардан ташкил топган. Уларни гуруҳларга ажратиш ёки структурага солиш керак бўлади. Ана шунда берилган стимуллар ва чизилган расмлардаги тафовутлар келиб чиқади. Бунинг учун тадқиқодчи аввало тестларнинг бир-биридан фарқини ажрата олиш керак. Умуман олганда стандартга солиш масаласи совет олимлари билан ғарб олимларини кўп қийнаб келган муаммо ҳисобланади. Ғарб мутахасислари кўпинча кўплаб тадқиқотларида расмлар характер мазмунига кўра гуруҳларга ажратилиб умумий белгилар олинган. Россияда проектив тестларга бериладиган талаблар бир мунча орқада қолган. Улар кўпроқ

текширилувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий меъёр белгилашга ҳаракат қилганлар. Бир тарафдан эса жинс хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Лекин, проектив тестларга норма беришда бошқа оригинал вариантларни ҳам ҳисобга олиш керак. Бу тестларни гуруҳлашни, умумий ўхшашлик чиқариш, стимуллар мазмунини аниқлашни ҳам ўз ичига олади. Баъзида синалувчиларда яъна текшириш олиш талаб этилади. Яъна бир томони барча текширилувчилар вазифаларидаги мазмунан ўхшаш ёки кўп такрорланган ҳолатлар ҳисобга олинади. Проектив методикалар фақат тадқиқодчидан енгил ва оригинал вариант орқали ҳал этилишини кутади. Чунки аниқ стандарт олиш жуда мураккаб.

Проектив методикаларнинг ўзига хослиги:

Проектив методикаларнинг ўзига хослиги: 1. Топшириқлар структуралашмаган

2. Топшириқлар жавоблари чекланмаган

3. Тест стимулларининг сабаблари бир хилда эмас

12. Қўлланилиши:

13. Клиник психология

14. Суд-психологик экспертиза

15. Педагогик психология

16. Оилавий муносабатлар психологияси

Маҳаллий шароитда проектив методикаларнинг қўлланилиш ҳолати:

1. Айрим тадқиқотлар доирасида ва психологик маслаҳатларда фойдаланилади

2. Проектив методикаларнинг модификациялаштирилган шакллари кам ва етарлича эмас

3. Янги тадқиқот методи сифатида фойдаланилади

4. Хали урганилиш учун зарурат етарлича

Проектив методикаларнинг мураккаблик томони уларнинг чала стандартлаштирилганлиги, натижаларни шарҳлашда мутахассисдан юқори психологик билим ва малакани талаб этади ҳамда психоанализ қонуниятларини яхши тушунган бўлиши лозим

Проектив методикалар қуйидаги гуруҳларга ажратилади: Методикаларнинг структуралашганлиги: сиёҳ доғлари Г.Роршах, булутлар тести, уч ўлчамли проекция.

Конструкциялашган методикалар: MAPS, дунё тести ва унинг модификациялари Методикаларнинг интерпретациясига кўра: ТАТ, Розенцвейгнинг фрустрация тести, Сонди тести. Қўшимча методикалар: тугалланмаган гап, тугалланмаган ҳикоя, Юнгнинг ассоциатив тест. Катарзис методикалар: психодрамма, проектив ўйинлар. Ўрганиш методикалари:

экспрессияни ўрганиш, ёзувни таҳлил этиш, оғзаки мулоқот хусусиятлари, Ижод маҳсулларини ўрганиш, фигураларни чизиш тести (Гуден ва Маховер варианты), К.Кохнинг дарахт, уй одам расми тести)..

2-БЎЛИМ. ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. ИНТЕЛЛЕКТ ДИАГНОСТИКАСИ МЕТОДИКАЛАРИ

2.1.1. Гилфорднинг «Социал интеллект» тести

Социал интеллект – бу инсоннинг кечинмалари, нияти ва эмоционал ҳолатларини сўзлари ва хатти-ҳаракатлари орқали тушуниш қобилияти. Социал интеллект – шунингдек, инсоннинг шахслараро муносабат натижаларини олдинда кўра олиш хусусияти ҳамдир. Социал интеллект инсонлар ҳақида тез мулоҳазалаб, уларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан тезкор муносабат билдира олиш қобилияти билан ҳам боғлиқ. Бу «ижтимоий иноят этилган» хусусият бўлиб, ижтимоий муносабатларга мослашишни таъминлаш учун инсонлар билан муносабатни текис кетишини таъминлайди.

Методика муаллифи Дж. Гилфорд социал интеллект масаласига умумий интеллектга боғлиқ бўлмаган, аммо хулқ-атвор орқали маълумот олиш билан боғлиқ интеллектуал қобилиятлар тизими деб изоҳлаган. Гилфорднинг концепциясига кўра социал интеллект ўзида 6 омилни бирлаштирган:

Хулқ-атвор элементларини билиш –хулқ-атвордаги сўз (вербал) ва сўзсиз (новербал) мазмундаги хатти-ҳаракатларни ажрата олиш қобилияти.

Хулқ-атворни синфларини билиш –хулқ-атвор ҳақидаги экспрессив ёки вазиятли ахборотлар оқимидаги умумий хусусиятларни англаш қобилияти;

Хулқ-атвор муносабатларини билиш-муносабатларни тушуниш қобилияти ;

Хулқ-атвор тизимини билиш – одамлар ўзаро таъсирлашувидаги яхлит вазиятларнинг ривожланиш моҳиятини, уларнинг бу вазиятлардаги хулқ-атвор мазмунини тушуниш қобилияти;

Хулқ-атвордаги ўзгаришларни билиш –ҳар хил вазиятлардаги кечаётган хулқ-атвор мазмунини ўзгаришини тушуниш қобилияти;

Хулқ-атвор натижаларининг тушуниш – мавжуд ахборотдан келиб чиқиб, хулқ-атвор оқибатларини кўра олиш қобилияти.

1-субтест. «Яқунланган тарих»

Бу субтестда Сиз Барни персонажига боғлиқ содир бўлган ҳаётий вазиятлар тасвирига эътибор қаратинг. Барни-тақирбош киши бўлиб, официант бўлиб ишлайди. Вазифтларда унинг рафиқаси, кичкина ўғли ва Барнинг ўртоғи иштирок этадилар.

Ҳар бир топшириқнинг чап томонида маълум вазиятни ифодаловчи бир катор расмлар жойлаштирилган. Сиз ундаги персонажларнинг кечинма ва мақсадларини аниқланг ҳамда ўнг томондаги учта расмдан вазиятнинг узвий давоми бўлганини танланг.

Намуна :



Чапдаги расмда Барни сармаст, томнинг чеккасида кўрқиб осилиб турган ва ўғлидан ёрдам сўраётган ҳолати ҳамда боланинг отасини бундай оғир вазиятда турганини кўриб, ташвишланаётганлиги ифодаланган .

1-расмда келтирилган вазият топшириқнинг тўғри жавобдир. Шу сабабли жавоблар варақсида 1 рақами айлана ичига олинади. 1-расмдаги Барнининг ўғли билан рафиқаси деворга нарвон қўйиб унга ёрдам беришга ҳаракти акс эттирилган ҳолат вазиятнинг мантиқий давоми саналади.

2-ва 3-расм унчалик тўғри жавоблар эмас. 2-расмда Барнининг томдан мустақил тушаётган ҳолати ҳамда 3-расмда рафиқаси билан ўғли уни устидан кулиб турган ҳолатлар мантиқан тўғри келмайди.

Шундай қилиб, ҳар бир топшириқда чапдаги расмдаги вазиятдан кейин нима содир бўлганлигини персонажларнинг кечинмалари ва ҳаракат мақсадлари асоосида айтиб беришингиз керак.


Жавоб учун Сиз ўзингизга энг қизиқарли бўлган расмни талаб қолманг. Балки типик ва мантиқан топширилган вазиятнинг узвий давомини таклиф этинг. танланган расмнинг қуйи қисмидаги рақам номерини жавоблар варақасида қайд этинг. Тест китобчасини ўзига ҳеч қандай белги қўйманг.

Субтестнинг бажариш учун 6 дақиқа вақт ажратилган. Топширикни бажарилиши учун ажаратилган вақт 1 дақиқа қолганда огоҳлантириласиз. Топширикни тез бажаришга ҳаракат қилинг. Битта топширик учун кўп вақт ажратманг. Мураккаб топширикни бажариш учун агар вақт қолган бўлса, яна қайтишингиз мумкин. Мураккаб вазиятларга ҳам жавоб беринг, хаттоки у сизнингча ишончли жавоб бўлмаса-да.




Гилфорднинг «Социал интеллект» тести

1- «Яқунланган ҳикоя» субтести расмлари









5



6



7




8



9



10



11





2- «Экспрессия гурухлари» субтести

Бу субтестда Сиз гавдани тутиш, имо-ишора, мимика, ифодали ҳаракатлар, инсон ҳолатини акс эттирган расмлар билан ишлайсиз.

Топшириқ моҳиятини тушунтириш учун сизларга намуна келтирамиз. Бу мисолда чапда бир хил инсон ҳолатини ифодаловчи, яъни фикр, туйғу, мақсадни ифодалаган расмлар келтирилган.






Ўнг томондаги тўрта расмдан бири шундай ҳолатни, фикрни ёки мақсадни ифодалайди. Ўша расмни топишингиз керак.

Тўғри жавоб 2-расмда бўлиб, у чап томондаги расмдаги сингари ҳолатни (зўриқиш ёки асабийлашни) ифодалаган. Шу сабабли, жавоблар варақида 2 рақамини айлана ичига олинади. 1, 3, 4-расмлар мос келмайди, чунки улар бошқа ҳолатларни акс эттирган (қувонч ва муваффақиятли ҳолат).

Шундай қилиб, ўнг томондаги субтестдаги барча топшириқларни ўнг томондаги расмлардан чам томондаги расмга мос келганини топинг ва унинг жавоблар бланкидаги рақамини белгиланг.


Субтестни бажариши учун 7 дақиқа вақт ажратилади. Вақт тугашига бир дақиқа қолганда Сизга огоҳлантириш берилади. Топшириқни тез бажаришга ҳаракат қилинг. Битта топшириқ учун кўп вақт ажратманг. Мураккаб топшириқни бажариш учун агар вақт қолган бўлса, яна қайтишингиз мумкин. Мураккаб вазиятларга ҳам жавоб беринг, ҳаттоки у сизнингча ишончли жавоб бўлмаса-да.

2- «Экспрессия гуруҳлари» субтести расмлари







6



7




8




9



10



11



12



13





3- «Вербал экспрессияси» субтести

Бу тестнинг ҳар бир топшириғини чап томонида бир кишини бошқа кишига сўзлаган жумласи берилган бўлиб, ўнг томонида эса муомаланинг уч вазияти келтирилган. Чап томонда келтирилган жумлалардан бири бошқа маънога эга. Мисол келтирамыз.

Кар инсон- ўртоғи : «Марҳамат қилиб, такрорланг»

Кар одамни ўртоғига илтимосини тасаввур қилиб кўринг. 2-3- вазиятларда жумлалар шундай маънога эга. Фақат 1 вазиятдаги бошқа маънони ифодалайди. Шу сабабли, жавоблар варақасида 1 рақамини айланача ичига олиб кўйинг.

Шундай қилиб, ҳар бир топшириқдаги шундай муомала вазиятини танлангки, у чап томондаги қолган икки вазиятдан фарқ қилувчи бошқа мазмундаги жумлани ифода этсин

Субтестни бажариш учун 5 дақиқа берилади. Вақт тугашига бир дақиқа қолганда Сизга огоҳлантириш берилади. Топшириқни тез бажаришга ҳаракат қилинг. Битта топшириқ учун кўп вақт ажратманг. Мураккаб топшириқни бажариш учун агар вақт қолган бўлса, яна қайтишингиз мумкин. Мураккаб вазиятларга ҳам жавоб беринг, ҳаттоки у сизнингча ишончли жавоб бўлмасадда. Гилфорднинг «Социальнўй интеллект» тести

1. Киши – ўртоғига: «Сиз ажойибсиз».

1. Миннатдор ходим – бошлиғига.
2. Яхши ўқувчи – ўқитувчисига.
3. Норози киши – танишига .

<p>2 . Соғувчи- харидорга: «Нима керак бўлса олинг».</p>	<p>1. Илтифотли ўқитувчи – талабага. 2. Врач – мижозга. 3. Асабийлашган милиционер – зорланаётган маст кишига.</p>
<p>3. Судья – ғолибга: «Табриклайман».</p>	<p>1. Ота– ғолибга. 2. Дўст – ғолибга. 3. Мағлуб– ғолибга.</p>
<p>4. Мағрур ота – дўстига : «Унга қаранг».</p>	<p>1. Рашқчи қиз – дўстига. 2. Хурсанд бола– дўстига. 3. Завқ-шавққа тўлган қиз– дўстига.</p>
<p>5. Киши – дўстига: «Нима қилаяпсан?».</p>	<p>1. Аччиқланган она – боласига. 2. Қизикқан йўловчи – ўйнаётган болага . 3. Ўқитувчи – намунали ўқувчига.</p>
<p>6. Врач – бемор болага: «Буни эзгилама».</p>	<p>1. Она – ўғлига. 2. Жангчи – душманга. 3. Иш билан банд аёл– турмуш ўртоғига.</p>
<p>7. Официантка – мижозга: «Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?».</p>	<p>1. Психиатр – мижозга. 2. Йўловчи– авариядан жабрланаётган кишига 3. Гид – туристга.</p>
<p>8. Ўқитувчи-талабага: «Сен буни жуда яхши бажара оласан».</p>	<p>1. Рафика – эрига. 2. Она – боласига. 3. Тренер – спортчига.</p>
<p>9. Ота-ўғлига : «Сен менга ёқасан».</p>	<p>1. Ака – синглига. 2. Ёш йигит – дўстига. 3. Жиян – холасига.</p>
<p>10. Бошлиқ – ишчига: «Бу яхши» .</p>	<p>1. Мураббий – артистга. 2. Ўқитувчи – талабага.</p>

	3. Жабрланаётган бола – уни урган рақибига.
11. Она – қочаётган болага: «Жим!».	1. Асабийлашган ота – чинқираётган ўғлига. 2. Йўловчи– шофёрга. 3. Прохожий – эҳтиётсиз болага.
12. Суғурта агенти – мижозга: «Марҳамат қилиб, имзо чекинг».	1. Меҳмонхона маъмури – мижозга. 2. Коллекционер автограф – «юлдузга». 3. Кассир – қарздога.

4- «Тўлдирилган ҳикоя» субтести

Бу субтестда сиз Фердинад ҳақидаги тарих акс эттирилган расмлар билан ишлайсиз. Фердинанднинг рафиқаси ва ўғли бор. У бошлиқ бўлиб ишлайди. Шу сабабли ҳикояда унинг ходимлари ҳам иштирок этади.

Ҳар бир топшириқ саккизта расмдан иборат. Юқоридаги тўрта расм Фердинанд билан боғлиқ юз берган воқеаларни акс эттирган. Ушбу расмлардан бири эса тушиб қолдирилган. Сиз пастдаги тўрта расм орасидан юқорида тушиб қолдирилган суратни ўрнига қўйишингиз керак ва Фердинанд билан боғлиқ воқеани мазмунан тўлдиришингиз лозим. Агар тушиб қолдирилган расмни сиз тўғри топсангиз воқеанинг мазмуни, унда иштирок этаётган персонажларнинг туйғу ва мақсадлари тушунарли ва аниқ бўлади. Мисол келтирамиз:






Бу воқеанинг учинчи расми тушиб қолдирилган. Воқеа якунида биз Фердинаднинг тушлик ҳақидаги орзулари аксинча кутганидек чиқмай, уйдан ранжиб чиқади. Фердинанднинг рафиқаси асабийлашган ва гуёки ўғлига китобни ўқиётгандек ўлтирибди. Бола эса хотиржам ўлтирибди. Буларнинг барчаси ўзаро боғлиқ, Фердинад ишдан қайтгандан сўнг ювиниб, ошхонани ифлос қилади. Бу эса рафиқасини аччиқлантирди. Шундай қилиб ушбу воқеада тушиб қолдирилган ҳолат 4 –расм бўлиб, у жавоблар варақасида айлана ичига олинади..

1, 2, 3 –расмлар мазмунан бу воқеага мос келмайди.

Шундай қилиб, ҳар бир топшириқда Фердинанд билан боғлиқ воқеларни мазмунан тўлдирадиган тушиб қолдирилган расмни топишингиз лозим. Субтестни бажариш учун 10 дақиқа берилади. Вақт тугашига бир дақиқа қолганда Сизга огоҳлантириш берилади. Топшириқни тез бажаришга ҳаракат қилинг. Битта топшириқ учун кўп вақт ажратманг. Мураккаб топшириқни бажариш учун агар вақт қолган бўлса, яна қайтишингиз мумкин. Мураккаб вазиятларга ҳам жавоб беринг, ҳаттоки у сизнингча ишончли жавоб бўлмаса-да.

4- «Тўлдирилган ҳикоя» субтести расмлари







8



9



10





11



12



13



14



Гилфорднинг «Социал интеллект» тестининг Жавоблар варақаси

Ф.И.Ш. _____ Вақт _____
 Ёш _____ Жинс _____

	1-субтест 1	2-субтест	3-субтест	4-субтест
Мисол	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
1	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
2	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
3	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
4	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
5	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
6	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
7	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
8	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
9	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
10	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
11	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
12	1 2 3	1 2 3 4	1 2 3	1 2 3 4
13	1 2 3	1 2 3 4		1 2 3 4
14	1 2 3	1 2 3 4		1 2 3 4
15		1 2 3 4		

Стандарт кўрсаткичларни аниқлаш учун меъёрий жадвал (18-55 ёш гуруҳи учун)

Стандарт қиймат	Субтестлар				Композитив баҳо
	1	2	3	4	
1	0 – 2	0 – 2	0 – 2	0 – 1	0 – 12
2	3 – 5	3 – 5	3 – 5	2 – 4	13 – 26
3	6 – 9	6 – 9	6 – 9	5 – 8	27 – 37
4	10 – 12	10 – 12	10 – 11	9 – 11	38 – 46
5	13 – 14	13 – 15	12	12 – 14	47 – 55

Методикани қайта ишлаш калити

Тўғри жавоблар:

№	1-субтест	2-субтест	3-субтест	4-субтест
1	2	1	3	4
2	2	4	3	3
3	2	3	3	3
4	3	3	1	2
5	1	2	1	1
6	3	1	2	1
7	3	2	2	4
8	3	2	1	1
9	3	1	2	1
10	3	4	3	2
11	3	1	1	1
12	1	1	2	2
13	1	2		2
14	2	4		1
15		4		

2.1.2. РАВЕН ТЕСТИ

	А	В	С	Д	Е	А	В	С	Д	Е
15	8	4	2	1	0	8	4	2	1	0
16	8	4	3	1	0	8	4	3	1	0
17	8	5	3	1	0	8	5	3	1	0
18	8	5	3	2	0	8	5	3	2	0
19	8	6	3	2	0	8	6	3	2	0
20	9	6	3	2	0	9	6	3	2	0
21	8	6	4	2	1	8	6	4	2	1
22	9	6	4	2	1	9	6	4	2	1
23	9	7	4	2	1	9	7	4	2	1
24	9	7	4	3	1	9	7	4	3	1
25	10	7	4	3	1	10	7	4	3	1
26	10	7	5	3	1	10	7	5	3	1
27	10	7	5	4	1	10	7	5	4	1
28	10	7	6	4	1	10	7	6	4	1
29	10	7	6	5	1	10	7	6	5	1
30	10	8	6	4	2	10	8	6	4	2
31	10	7	7	5	2	10	7	7	5	2
32	10	8	7	5	2	10	8	7	5	2
33	11	8	7	5	2	11	8	7	5	2
34	11	8	7	6	2	11	8	7	6	2
35	11	8	7	7	2	11	8	7	7	2
36	11	8	8	7	2	11	8	8	7	2
37	11	9	8	7	2	11	9	8	7	2
38	11	9	8	8	2	11	9	8	8	2
39	11	9	8	8	3	11	9	8	8	3
40	11	9	9	8	4	11	9	9	8	4
41	11	10	9	8	4	11	10	9	8	4
42	12	10	9	9	3	12	10	9	9	3
43	12	10	9	9	3	12	10	9	9	3
44	11	10	9	9	4	11	10	9	9	4
45	12	10	10	9	5	12	10	10	9	5
46	12	10	10	9	5	12	10	10	9	5
47	12	10	10	9	6	12	10	10	9	6
48	12	11	10	9	6	12	11	10	9	6
49	12	11	10	10	6	12	11	10	10	6
50	12	11	10	10	7	12	11	10	10	7
51	12	11	11	10	7	12	11	11	10	7
52	12	11	11	10	8	12	11	11	10	8
53	12	11	11	11	8	12	11	11	11	8
54	12	12	11	11	8	12	12	11	11	8
55	12	11	11	11	10	12	11	11	11	9
56	12	12	12	11	9	12	12	12	11	9
57	12	12	12	11	10	12	12	12	11	10
58	12	12	12	12	10	12	12	12	12	10
59	12	12	12	12	11	12	12	12	12	11

Индивидуал ва гуруҳий тест
Катта ёшдагилар

%	Йиллар бўйича хронологик ёш									
	20	25	30	35	40	45	50	55	60	65
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
95	55	55	54	53	52	50	48	46	44	42
90	54	54	53	51	49	47	45	43	41	39
75	49	49	47	45	43	41	39	37	35	33
50	44	44	42	40	38	35	33	30	27	24
25	37	37	34	30	27	24	21	18	15	12
10	28	28	-	-	-	-	-	-	-	-
5	23	23	-	-	-	-	-	-	-	-

2.2.ШАХС ҚИЁФАСИНИ ЎРГАНИШ ТЕСТЛАРИ

2.1. “КАТТА БЕШЛИК” СЎРОВНОМАСИ

(Мак Крае ва П.Коста)

Йўриқнома: Хурматли респондент, сизга тақдим этилаётган тестда тўғри ва нотўғри, шахснинг яхши ёки ёмон хислатларини ифодаловчи мулоҳазалар мавжуд эмас. Келтирилган 75 жуфт мулоҳазаларни қуйидаги балл тизими бўйича баҳоланг: (-2;-1;0;1;2). Биринчи жуфтликни ўқинг ва иккала муқобил мулоҳазалардан ўзингизга кўпроқ маъқул келганини аниқланг. Агар сиз танлаган мулоҳаза баҳолаш шкаласининг чап томонида бўлса, бу мулоҳазани белгилаш учун “-2” ёки “-1” қийматлардан фойдаланинг. Мабодо ўнг томондаги мулоҳазаларни маъқул билсангиз уни “2” ёки “1” қийматлар билан баҳоланг. “-2” ёки “2” агар мулоҳазалар кучли намоён бўлганда баҳоланади. Агар кучсиз ифодаланганда эса “-1” ёки “1” қийматлардан фойдаланилади. Агар ҳеч бир мулоҳаза ёқмаса ёки мулоҳазалар тенг куч бўлса, у ҳолда “0” билан баҳоланг. Биринчи мулоҳазалар бўйича танланган қиймат жавоблар варақасининг 1 рақамли чап ячейкасига белгиланади. Барча мулоҳазалар бўйича қийматлар шу тарзда мос тартиб рақамига кўра чап ячейкасига ёзиб борилади.

Менга жисмоний тарбия билан шуғулланиш ёқади	-2	-1	0	1	2	Менга жисмоний тарбия билан шуғулланиш ёқмайди
Одамлар мени хайрихоҳ ва раҳмдил одам деб ҳисоблайдилар	-2	-1	0	1	2	Айрим кишилар мени илтифотсиз ва бағритош деб ҳисоблайдилар
Мен ҳамма нарсада тозалик ва батартиблиликни ёқтираман	-2	-1	0	1	2	Баъзан ўзимни палапартиш тутаман
Мени тез-тез нимадир юз бериши мумкинлиги безовта қилади	-2	-1	0	1	2	Мени “ҳаётнинг икир-чикирлари” безовталантирмайди
Барча янги нарсаларга қизиқаман	-2	-1	0	1	2	Кўпинча янги нарсалар мени

							асабийлаштиради
	Агар мен бирор нарса билан машғул бўлмасам, безовталанаман	-2	-1	0	1	2	Мен вазмин одам бўлганлигим сабабли ҳовлиқиб ҳаракат қилишни ёқтирмайман
	Мен барча одамларга дўстона муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан	-2	-1	0	1	2	Мен ҳар доим ва ҳамма билан ҳам самимий муносабатда бўла олмайман
	Менинг хонам доимо саранжом-саришта	-2	-1	0	1	2	Мен тозалик ва тартибга риоя қилавермайман
	Мен баъзан арзимаган нарсаларга асабийлашаман	-2	-1	0	1	2	Мен майда-чуйда муаммоларга эътибор бермайман
	Менга қутилмаган нарсалар ёқади	-2	-1	0	1	2	Мен воқеа-ҳодисаларни башорат қилишни ёқтираман
	Мен узоқ вақт ҳаракатсиз қола олмайман	-2	-1	0	1	2	Менга шижоатли турмуш тарзи ёқмайди
	Мен бошқалар билан хушмуомала муносабатда бўламан	-2	-1	0	1	2	Баъзан ҳазиллашиб бошқаларнинг нафсониятига тегиб қўяман
	Мен ҳамма нарсада режали ва батартибман	-2	-1	0	1	2	Мен унчалик масъулиятли эмасман
	Мен нозик таъб ва жиззакиман	-2	-1	0	1	2	Мен камдан- кам безовталанаман ва бирор нарсадан қўрқаман
	Жавоби олдиндан аниқ бўлган нарсалар мен учун қизиқарли эмас	-2	-1	0	1	2	Менга тушунарсиз бўлган нарсаларга қизиқмайман
	Бошқалар менинг бўйруқларимни тез бажаришларини ёқтираман	-2	-1	0	1	2	Бошқаларнинг бўйруқларини шошмасдан бажараман
	Мен мурасакор ва ён беришга мойил одамман	-2	-1	0	1	2	Атрофдагилар билан баҳслашишни ёқтираман
	Мураккаб вазифаларни ечишда қатъиятлиман	-2	-1	0	1	2	Мен унчалик саботли одам эмасман
	Мураккаб вазиятларда бутунлай зўриқишда	-2	-1	0	1	2	Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзимни эркин

	бўламан						тутаман
	Менинг тасаввурларим жуда жонли	-2	-1	0	1	2	Мен ҳар доим оламга реал кўз билан қарашни афзал биламан
	Менга тез-тез етакчи бўлиш, ташаббус кўрсатишга тўғри келади	-2	-1	0	1	2	Менда етакчиликдан кўра бутунлай тобелик устун
	Мен доимо бошқаларга ёрдам бериш ва мушкулларига шерик бўлишга тайёрман	-2	-1	0	1	2	Ҳар бир киши ўз - ўзига ғамхўрлик кўрсата олиши керак
	Барча юмушларда жуда тиришқоқман	-2	-1	0	1	2	Мен ишда унчалик ғайрат кўрсатмайман
	Менда тез-тез совуқ тер чиқиб, қўлим қалтирайди	-2	-1	0	1	2	Мен камдан-кам ҳолларда зўриқиш, танамда титроқни ҳис этаман
	Орзу қилишни ёқтираман	-2	-1	0	1	2	Мен хаёлларга камдан-кам бериламан
	Менга тез-тез раҳбарлик қилиб, бошқаларга бўйруқ беришга тўғри келади	-2	-1	0	1	2	Мен кимдир раҳбарликни ўз қўлига олишини маъқул кўраман
	Мен рақоботлашишдан кўра, ҳамкорликни афзал биламан	-2	-1	0	1	2	Жамият рақобатсиз ривожланмаган бўларди
	Мен ишга жиддий ва қунт билан ёндашаман	-2	-1	0	1	2	Мен ишда қўшимча вазифалар олмасликка ҳаракат қиламан
	Одатдан ташқари шароитларда тез асабийлашаман	-2	-1	0	1	2	Мен янги муҳитга осон мослашаман
	Баъзан чуқур ўйга чумаман	-2	-1	0	1	2	Мен ўй-хаёлларга вақт йўқотишни ёқтирмайман
	Нотаниш кишилар билан мулоқотга киришишни ёқтираман	-2	-1	0	1	2	Мен унчалик киришимли одам эмасман
	Кўпчилик одамлар табиатан яхши (хайрли)	-2	-1	0	1	2	Мен ҳаёт айрим одамларни қаҳрли қилиб қўяди деб ҳисоблайман
	Кўпинча одамлар менга	-2	-1	0	1	2	Айрим одамлар мени

	масъулиятли ишни ишониб топширадилар						масъулиятсиз, деб ҳисоблайдилар
	Баъзан ўзимни ёлғиз ва ғамгин ҳис этиб, кўлим ишга бормади	-2	-1	0	1	2	Тез-тез бирор нарсани бажаришга берилиб, ҳамма нарсани унутаман
	Гўзаллик ва зеболик нималигини яхши биламан	-2	-1	0	1	2	Менинг гўзаллик тўғрисидаги тасаавурим бошқаларникидек
	Мен янги дўстлар ва танишлар орттиришни ёқтираман	-2	-1	0	1	2	Мен бир нечта ишончли дўстлар бўлишини афзал кўраман
	Мен мулоқот қиладиган одамлар одатда менга ёқади	-2	-1	0	1	2	Мен ёқтирмайдиган одамлар ҳам бор
	Мен ишда қаттиққўл ва талабчанман	-2	-1	0	1	2	Баъзан ўз вазифамга эътиборсизлик билан қарайман
	Мен қаттиқ асабийлашсам, кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди.	-2	-1	0	1	2	Менда камдан кам ҳолларда ғамгин кайфият бўлади
	Муסיқага шундай бериламанки, вақт ўтганини сезмай қоламан	-2	-1	0	1	2	Драма санъати ва балет мен учун зерикарли
	Мен катта ва қувноқ давраларда бўлишни ёқтираман	-2	-1	0	1	2	Мен ёлғизликни ёқтираман
	Кўпчилик инсонлар покликлари туфайли уларга ишониш мумкин	-2	-1	0	1	2	Мен баъзан бошқаларга шубҳа билан қарайман
	Одатда мен виждонан ишлайман	-2	-1	0	1	2	Одамлар менинг ишимдан тез-тез хато топиб турадилар
	Менинг депрессия (зиқлик)га тушушим осон	-2	-1	0	1	2	Менинг кайфиятимни бузиш имконсиз
	Ҳақиқий санъат асарларидан завқ оламан	-2	-1	0	1	2	Мен камдан-кам ҳақиқий санъат асаридан завқ оламан
	Спорт мусобоқаларига ”ишқибозлик” қилиб , барча нарсани унутаман	-2	-1	0	1	2	Одамларнинг хавфли спорт турлари билан нима учун шуғулланишларига тушунмайман

Одамлар билан ишлаганимда эътиборли бўлишга интиламан	-2	-1	0	1	2	Баъзан мени бошқаларнинг дарди билан ишим бўлмайди
Мен камдан-кам ҳолларда бажарадиган ишимни ўйламасдан амалга ошираман	-2	-1	0	1	2	Мен тез қарор қабул қилишни афзал кўраман
Менинг камчилик ва ожизликларим кўп	-2	-1	0	1	2	Менинг ўзим ҳақимдаги фикрим юқори
Мен руҳий ҳолатимни яхши тушунаман	-2	-1	0	1	2	Бошқа одамлар менга қараганда ҳис-туйғуси камроқдек туюлади
Мен хавфдан огоҳлантирувчи сигналларни кўпинча эътиборсиз қолдираман	-2	-1	0	1	2	Хавфли вазиятларни четлаб ўтишни маъқул ҳисоблайман
Бошқаларнинг қувончларини ўзимникидек қабул қиламан	-2	-1	0	1	2	Мен бошқаларнинг кечинмаларига ҳар доим ҳам шерик бўлмайман.
Мен одатда туйғу ва хоҳишларимни назорат қиламан	-2	-1	0	1	2	Менга ўз хоҳишларимни тийиб туриш қийин
Муваффақиятсизликларга бардош беришимга тўғри келса, бунга ўзимни айбдор санайман	-2	-1	0	1	2	Кўпинча менинг омадим омадим чопади ва вазиятлар камдан кам менга қарши чиқади
Туйғуларим ҳаётимни мазмундор қилишига ишонаман	-2	-1	0	1	2	Мен бошқаларнинг ташвишларига кам эътибор бераман
Менга карнавал тантаналари ва намоёишлари ёқади	-2	-1	0	1	2	Кўпчилик бор жойларда бўлиш менга ёқмайди
Мен ўзга кишиларни тушуниш учун унинг ўрнига ўзимни қўяман	-2	-1	0	1	2	Мен бошқалар кечинмаларининг барча нозик томонларни тушунишга интилмаман
Дўкондан сотиб олиш лозим бўлган наосани узоқ вақт танлайман	-2	-1	0	1	2	Баъзан нарсаларни беихтиёр сотиб оламан
Баъзан ўзимни ночор	-2	-1	0	1	2	Мен одатда ўзимни

	одамдек ҳис этаман						керак одамдек ҳис этаман
	Мен тўқима қахрамонларнинг кечинмаларига осон киришаман	-2	-1	0	1	2	Кино қахрамонларининг саргузаштлари руҳий ҳолатимни ўзгартира олмайди
	Менга эътибор билан қарасалар ўзимни бахтиёр ҳис этаман	-2	-1	0	1	2	Мен камтарин одамман ва сабабли бошқалардан ажралиб турмасликка ҳаракат қиламан
	Ҳар бир инсоннинг ҳурматлашга арзийдиган қандайдир жиҳатлари бор	-2	-1	0	1	2	Мен ҳали ҳурматга сазовор бўладиган инсонни учратмадим
	Мен одатда ҳаракатланишдан олдин яхшилаб қўйлаб кўраман	-2	-1	0	1	2	Мен ўз хатти-ҳаракатларим натижалари ҳақида олдиндан ўйлаб кўришни ёқтирмайман
	Менинг кайфиятим тез-тез кўтарилиб ва тушиб туради	-2	-1	0	1	2	Мен одатда бир хил кайфиятда бўламан
	Баъзан ўзимни луттибоз, бошқаларни масҳара қилувчи кишидек ҳис этаман	-2	-1	0	1	2	Одамлар кўпинча мени зерикарли, аммо ишончли инсон, деб ҳисоблайдилар
	Мен бошқа жинс вакиллари учун ёқимлиман	-2	-1	0	1	2	Айримлар мени оддий ва кўримсиз одам деб ҳисоблайдилар
	Мен ҳар бир кишига нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлишга интиламан	-2	-1	0	1	2	Айрим одамлар мени ўзига бино қўйган ва худбин, деб ўйлайдилар
	Сайёҳатга чиқишдан олдин аниқ режа тузаман	-2	-1	0	1	2	Мен одамларнинг нега бундай мукамал режа тузишларига тушунмайман
	Менинг кайфиятим қарама-қарши томонга осон ўзгариб туради	-2	-1	0	1	2	Мен доимо хотиржам ва вазминман
	Мен ҳаёт бу қимор ўйинидек нарса, деб ўйлайман	-2	-1	0	1	2	Ҳаёт-бу авлоддан-авлодга узатиладиган тажрибадир

	Менга кишини ғашига тегадигандек кўринишда бўлиш ёқади	-2	-1	0	1	2	Мен жамоат орасида одатда хатти-ҳаракатим ва модали кийимлар билан ажралиб турмайман
	Айримлар мени атрофдагиларга нисбатан илтифотли киши деб ҳисоблайдилар	-2	-1	0	1	2	Мен кўпинча ўз ютуқларим билан мақтанишимни гапирадилар
	Мен ўз ишимни аниқ ва батартиб бажараман	-2	-1	0	1	2	Мен ўз туйғуларимга ишониб, “оқим бўйлаб сузишни” афзал биламан
	Мен баъзан жуда ҳаяжонланганлигим дан йиғлаб ҳам юбораман	-2	-1	0	1	2	Мен ўз ҳолатимдан чиқариш қийин
	Баъзан мен ўзимда қандайдир янгиликни кашф этадигандек ҳис эатман	-2	-1	0	1	2	Мен ўзимдаги ҳеч нарсани ўзгартирмаган бўлар эдим

“Катта бешлик” сўровномасининг жавоблар варақаси

Ф.И.Ш _____ ёши _____ жинси _____
 Мутахассислиги _____ маълумоти _____

	I	II	III	IV	V
1	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
6	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
11	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
	1.1=	2.1=	3.1=	4.1=	5.1=
<hr style="border: 2px solid black;"/>					
16	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
21	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
26	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
	1.2=	2.2=	3.2=	4.2=	5.2=
<hr style="border: 2px solid black;"/>					
31	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
32	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
33	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
34	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
35	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>

36	<input type="text"/>	<input type="text"/>	37	<input type="text"/>	<input type="text"/>	38	<input type="text"/>	<input type="text"/>	39	<input type="text"/>	<input type="text"/>	40	<input type="text"/>	<input type="text"/>
41	<input type="text"/>	<input type="text"/>	42	<input type="text"/>	<input type="text"/>	43	<input type="text"/>	<input type="text"/>	44	<input type="text"/>	<input type="text"/>	45	<input type="text"/>	<input type="text"/>
	1.3=			2.3=			3.3=			4.3=			5.3=	
<hr/>														
46	<input type="text"/>	<input type="text"/>	47	<input type="text"/>	<input type="text"/>	48	<input type="text"/>	<input type="text"/>	49	<input type="text"/>	<input type="text"/>	50	<input type="text"/>	<input type="text"/>
51	<input type="text"/>	<input type="text"/>	52	<input type="text"/>	<input type="text"/>	53	<input type="text"/>	<input type="text"/>	54	<input type="text"/>	<input type="text"/>	55	<input type="text"/>	<input type="text"/>
56	<input type="text"/>	<input type="text"/>	57	<input type="text"/>	<input type="text"/>	58	<input type="text"/>	<input type="text"/>	59	<input type="text"/>	<input type="text"/>	60	<input type="text"/>	<input type="text"/>
	1.4=			2.4=			3.4=			4.4=			5.4=	
<hr/>														
61	<input type="text"/>	<input type="text"/>	62	<input type="text"/>	<input type="text"/>	63	<input type="text"/>	<input type="text"/>	64	<input type="text"/>	<input type="text"/>	65	<input type="text"/>	<input type="text"/>
66	<input type="text"/>	<input type="text"/>	67	<input type="text"/>	<input type="text"/>	68	<input type="text"/>	<input type="text"/>	69	<input type="text"/>	<input type="text"/>	70	<input type="text"/>	<input type="text"/>
71	<input type="text"/>	<input type="text"/>	72	<input type="text"/>	<input type="text"/>	73	<input type="text"/>	<input type="text"/>	74	<input type="text"/>	<input type="text"/>	75	<input type="text"/>	<input type="text"/>
	1.5=			2.5=			3.5=			4.5=			5.5=	
<hr/>														
I=			II=			III=			IV=			V=		

2.2. Социотипларни ўрганиш методикаси

Методикадан фойдаланиш тартиби. Синаб кўрилатган (текширилатган) шахс (ўқувчи) жадвалда келтирилган тавсиф-мулоҳазалар жуфтлиги (1-2, 3-4, 5-6, 7-8)ни синчиклаб ўқиб чиқади. Жуфтликдаги тавсифлардан қайси бири ўзининг табиатига мос келишига қараб, улардан бирини танлайди ва тартиб рақамини ёзади. Натижада тўртта рақам кетма-кетлиги ҳосил бўлади. Бу рақамлар ўқувчи шахси типини ифодалайди.

Шахс типлари: 1357 — «Нозир», 1358 — «Маъмур», 1368 — «Тадбиркор», 1457 — «Кўриқловчи», 1458 — «Ташаббускор», 1467 — «Инсонпарвар», 1468 — «Мураббий», 2357 — «Уста», 2457 — «Воситачи», 2358 — «Маршал», 2458 — «Сиёсатчи», 2367-«Танқидчи», 2467-«Лирик», 2368-«Изловчи», 2468-«Маслаҳатчи».

Йўриқнома: Методикадан фойдаланишда Сиз жадвалда келтирилган мулоҳазаларни ўқиб чиқиб, уларнинг ўзига мос келишига қараб жуфт

рақамлардан (1-2, 3-4, 5-6, 7-8) бирини танлаб, тартиб рақами бўйича ёзиши талаб этилади ва натижада тўрта рақамли сон шосил бўлади. Ҳосил қилинган сон ўша шахсга хос қайсидир шахс типини ифодалайди

<p>1 Сизнинг ишга лаёқатингиз бир хил бўлиб, фақат маълум сабабларга кўра ўзгаради. Қарорларни юқори даражада қабул қиласиз ва уларни ўзгартиришни хошламайсиз. Сиз белгиланган тартиб қоидага, тартиб-интизомга риоя этасиз, батартибликни ёқтирасиз.</p>	<p>2 Сизнинг ишга лаёқатингиз кайфиятингизга боғлиқки, у асоссиз сабаблар туфайли шам ўзгариб туради. Кўтаринкилик фаолликни пасайиши билан алмашиб туради. Сиз омадга суяниб, тайёргарликсиз щаракат қиласиз. Сизда қатъий иш тартиби ва кўрсатмаларга амал қилиш қийин.</p>
<p>3 Сиз жанжал ва нохуш шолаталарнинг сабабаларини очиқчасига ёқтирмайсиз. Сиз ақлни туйғулардан устун кўясиз. Одамларни симпатиясига қарамай улар щақида щакқоний мулощаза билдирасиз. Ўзингиз ва ўзгаларнинг шахсий щаётига доир мавзуларни мущокама қилишни хуш кўрмайсиз.</p>	<p>4 Сиз яхши муносабат учун ишда мурсога боришга мойилсиз. Сиз одамлар ўртасидаги щис-туйғу ва ўзаро муносабаталарга қизиқасиз. Бошқаларга ёқимли бўлиш учун тез-тез комплимент сўзлардан сўзлашга интиласиз.</p>
<p>5 Сиз реалистсиз, бўм-бўш хаёлларни ёмон кўрасиз. Сиз амалиётчи ва фаоллиятлисиз. Ўзингизга ишонасиз. Бир неча ишга бир вақтни ўзида бош уришни ёқтирмайсиз. Кўпчилик ишларни ўз кўлингиз билан тайёрлашни ёқтирасиз. Ўзингиз ва бошқалар томонидан бажарилган иш натижаларини текширасиз.</p>	<p>6 Сиз келажакни яхши кўра оласиз, ўтмишни тез-тез эсга оласиз. Ўзгаришларга ва янгиликка интиласиз. Тўлқинланасиз ва щубщаланасиз, ўзингизга доимо ишонмайсиз, паришонхотирсиз. Амалиётдан кўра назарияга кўпроқ таянасиз.</p>
<p>7 Сиз муомалада кузатувчан, тортинчоқ ва ташаббускор эмассиз, янги кишиларга ишончсизлик билан қарайсиз. Ўзингизни назорат қиласиз, ўз хизматларингизни намойиш этишни ёқтирмайсиз. Мунозараларда ортиқча сўзлаб қўймаслик учун ўзингизни четга тортиб турасиз.</p>	<p>8 Сиз янги кишилар билан тез тил топишасиз, танишлар даврасини кенгайтиришга интиласиз. Сизда ўзингиздан кўра бошқаларни тушуниш осонроқ. Сиз очиқ, бошқаларга зарурат сезмайдиган ва импульсивсиз. Сиз тез-тез таваккал қилишга мойилсиз, тортинчоқ эмассиз.</p>

Шахсинг социал типлар шарҳи

1. *Интуитив–мантиқий иррационал экстраверт. Шахсинг ижтимоий тип* — «Изловчи». Бундай типдаги шахслардан қуйидагиларни талаб қилиш ва кутишда бирор фойда бўлмаса керак; амалий фикрлашни; керакли жойга айтилган вақтда келиш ва ишни ўз вақтида бажаришни; изчилликни ва бошлаган ишни охирига етказишни; турмушда ва иш жойида доимий тартибга риоя этишни; топширилган ишни ўз вақтида сифатли бажаришни; суҳбатдоши билан юмшоқ муомала қилишни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* Агар имкони бўлса, «Изловчи»га эркин фаолиятни тавсия этган маъқул. Бундай типдаги шахслар учун иложи борича қизиқарли ва унда ҳар хил таассуротлар қолдирадиган ишларни танлаш зарур. Унинг бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ. У ҳар хил (айниқса ўзи учун қизиқарли бўлган) маълумотлар устида тинмай ишлайди. «Изловчи» ўзининг ақл-кучидан илмий-билиш соҳасида фойдалангани маъқул. У истиқболли ҳисобланган соҳаларда туб ўзгаришларга олиб келадиган назарий ишланмалар тайёрлаши мумкин. «Изловчи» ҳаракатчан, доимо олдинга интилади, ўз таассуротларини ўзгартириб туришни ёқтиради. Шунинг учун бундай ходимлар, одатда, ҳаракат талаб этадиган ишларни бажонидил бажаради ва тез-тез хизмат сафарларида бўлишни афзал кўради.

2. *Сенсор-этик иррационал интроверт. Ижтимоий тип* — «Воситачи». Ундан қуйидагиларни талаб қилманг ва кутманг: доимо юқори ишчанлик руҳида фаолият кўрсатишни; изчил ва тартибли ҳолда ишлашни; ишни яхшилаш йўлида муросасиз бўлишни; катта жамоани бошқаришни, вазифаларни тақсимлашни; таваккал қилишга тўғри келадиган амалларни бажаришда иштирок этишни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* «Воситачи» ўзини ижтимоий соҳада жуда яхши намоён эта олади.

Ишбилармонлик ва тадбиркорлик ишларини яхши уддалайди, инсонларга алоҳида-алоҳида хизмат кўрсатиш соҳасида муваффақият билан ишлайди.

«Воситачи» социумнинг инфратузилмасини кўллаб-қувватлаш бўйича яхши мутахассис бўла олади. Шунинг учун у яхши таъминотчи, савдогар, кичик фирма директори, дипломат-менежер бўлиб ишлаши мумкин. «Воситачи» реклама ва нашриёт, тиббиёт, хизмат кўрсатиш соҳаларида яхши фаолият кўрсата олади. Улар сифат баҳоловчиси, дизайнер, дам олишни ташкил этувчи сифатида ишлашлари мумкин.

3. *Этико-сенсор рационал экстраверт. Ижтимоий тип — «Энтузиаст».* Ундан қуйидагиларни кутманг ва талаб қилманг: ишга, одамларга доимо оқилона ва объектив, эмоционалсиз муносабатни; хулқ-атворда нозикликни ва вазиятларга тез мослашувчанликни, таъмасиз альтруизмни, одамлар билан муносабатда мурасасизлик ва қаттиқ кўлликни, яхши стратегик ва технологик иқтидорни, муддатга қатъий риоя этишни. *Тавсия этиладиган фаолият тури:* социум инфратузилмасини таъминлаш; реклама; социологик сўровлар; тиббиёт, соғлиқни сақлаш; расмийлаштириш ишлари; хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо; ижтимоий ва илмий соҳада ташкилотчилик фаолияти (кўргазмалар, симпозиумлар, дам олиш ва байрам тадбирларини ташкил этиш).

4. *Мантиқий-интуитив рационал интроверт. Ижтимоий тип — «Аналитик».* Ундан катта амалийлик ва сафарбарликни; сезгирликни; суҳбатдошига нозик муносабатда бўлишни; ўзи учун қизиқарли бўлмаган ишларни сифатли бажаришни; мулоқотмандликни талаб қилманг ва кутманг. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* илмий тадқиқот ва таҳлил ишлари (мураккаб ҳодиса ва объектларни таҳлил этиш); амалда кўллаш учун янги ғояларни ишлаб чиқиш. Тизимли таҳлил, схемалар тузиш ва таснифлаш, концепцияларни илгари суриш талаб этиладиган соҳаларда яхши фаолият кўрсатади. Америка илмий ишланмаларида бундай типдаги шахслар «бизнесни қайта ташкил этувчи» деб аталади.

5. *Этико-интуитив рационал экстраверт. Ижтимоий тип — «Мураббий».* Ундан қуйидагиларни талаб қилиб ва кутиб бўлмайди: барқарор некбинлик (оптимизм)ни; ишда тезкор ва аниқ натижани; масалаларга хушёр,

холис, ҳиссиётларга берилмасдан қарашни; вазиятни ишончли таҳлил этишни; муоамалада оддийлик ва демократия тамойиларига амал қилишни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* бирор ғоя, дунёқараш, динни ташвиқот-тарғибот этувчи ижтимоий соҳалар; миждозларга ҳиссий таъсир этувчи соҳалар (масалан, суғурта бўйича агент), ҳис-туйғуни яққол ифодаловчи санъат соҳаси (театр, эстрада, нотиклик санъати).

6. *Мантиқий-сенсор рационал интроверт. Ижтимоий тип — «Нозир».* Ундан одамларга юмшоқ муомала қилишни; уларнинг индивидуал қобилиятларини доимо инобатга олишни; вазиятга мос ҳолда мослашишни; принципиал масалаларда мулоимлик ва ён беришликни; концептуал ғоялар ишлаб чиқишни талаб қилиб ва кутиб бўлмайди. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* «Нозир» вазифаларни яхши тақсимлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, шу боис 8 -10 кишидан иборат гуруҳларга яхши раҳбарлик қилади. Кичик булимларда яхши раҳбар бўла олади. Шунингдек, расмийлаштириш ишларини яхши бажаради, қўли гул уста бўлиши мумкин. Техникани яхши ишлата билади. У назоратчи, йўлланма берувчи, ҳужжатларни расмийлаштирувчи, солиқ нозир, терговчи бўлиши ҳам мумкин.

7. *Сенсор-мантиқий иррационал экстраверт. Ижтимоий тип — «Маршал».* Ундан изчилликни; бошқаларга юмшоқ муомала қилишни ва ён беришликни, агрессияга берилмасликни; «ғоя» учун текинга ишлашни; башорат қилишни талаб этманг ва кутманг. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* «Маршал» типдагилар бошқаларни яхши бошқара олади, вазифаларни тўғри тақсимлайди. Зарурий ташкилий тузилмаларни икир-чикиригача ўйлаб кўриш ва уни кетма-кет амалга ошириш қобилиятига эга. Одамларни нафақат саралаб танлайди, балки уларни иш орқали синаб кўради, қўл остида хизмат қиладиганларни маълум доирада қаттиқ тутиб туради, зарур бўлганда нооммабон чораларни қўллайди, иродавий таъсир ўтказа олади. Амалиётчи, ишдан келадиган фойдани тўғри чамалайди. қўл билан ишлашга ва буюмларни тузатишга моҳир. «Маршал»лар бошқарув соҳасида, техника, милиция, ҳарбий

соҳаларда яхши фаолият кўрсатади. Улар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишлашлари мумкин.

8. *Интуитив-этик иррационал интроверт. Ижтимоий тип*— «Лирик». Бундай типдаги шахслардан қуйидагиларни кутманг ва талаб ҳам қилманг: доимо юқори ишчанлик руҳида фаолият кўрсатишни; изчил ва тартибли ҳолда ишлашни; ишдан тез аниқ натижаларга эришишни; вазиятни яхши таҳлил қилишни; катта жамоани бошқаришни, вазифаларни тақсимлашни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* «Лирик»ларнинг гуманитар йўналишларда фаолият кўрсатгани маъқул. Унга яхши муомала талаб этиладиган унча катта бўлмаган жамоада ишлаш қулай. «Лирик»лардан яхши котиб («Маршал» раҳбарлиги остида), таржимон, кутубхоначи, адабиётчи, журналист, муҳаррир чиқади. Улар ўзларини санъат соҳасида ҳам анча яхши намоён эта олади (театр танқидчиси, шоир сифатида).

9. *Мантиқий-интуитив рационал экстраверт. Ижтимоий тип* — «Тадбиркор». Ундан қуйидагиларни талаб қилиб ва кутиб бўлмайди: қарорлар қабул қилишда сабр ва вазминликни, катта ишларда диққат-эътиборни; иш жойида ва турмушда доимий тартибни; доимо бир хилдаги ёқимли ва гўзал ташқи кўринишни; узоқни ўйлаб иш қилишни ва психологик сезгирликни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* «Тадбиркор» кенг дунёқараш, ишга ностандарт ёндашиш, назарий ишланмаларни амалиётда қўллаш талаб этиладиган инновацион соҳаларда ўзини яхши намоён эта олади. У яхши ихтирочи ва рационализатор бўлиши мумкин. Унинг жадал суръатлар билан ишлаши ва ҳаракатчанлигини инобатга олиб, унга хизмат сафарлари билан боғлиқ ишларни тавсия этган маъқул. «Тадбиркор»лар тижорат ишларида таваккал қилишдан қўрқмайди, бу эса уни бизнес ишида маълум ва машҳур қилиши мумкин. Улар қизиқарли, истиқболли, жадал ривожланувчи ва батафсилликни талаб этмайдиган турли ишлар билан машғул бўлишлари мумкин.

10. Этико-сенсор рационал интроверт. Ижтимоий тип — «қўриқловчи».

Ундан ҳаётга доимо ижобий муносабатда бўлишни, ахлоққа зид хатти-харакатларга бефарқ бўлишни, этикоди ва баҳолаш мезонларини тез ўзгартиришни, муаммо ечимини топишга мутлақо янгича ёндашишни талаб этиб ва кутиб бўлмайди. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* бундай типдаги шахслар одамлар билан ўзаро муносабатни талаб этувчи ижтимоий соҳалар — тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, айниқса, амалий йўналишлар — стоматология, массаж, тиббиёт ҳамшираси, санитарка, физиотерапия, игна билан муолажа қилиш, рентгеноскопия, биохимик ташхис; товарларни тақдим этиш, хизмат кўрсатиш соҳаси (моддий бойликлар ва пулни сақлаш); хизмат кўрсатиш характеридаги ҳисобчилик ишларини, кассирликни танлагани маъқул.

11. Сенсор-этик иррационал экстраверт. Ижтимоий тип—«Сиёсатчи».

Ундан пунктуаллик ва мажбурийликни; ишда изчиллик ва мантиқийликни; вазифаларни тўғри тақсимлашни; чуқур стратегик ва таҳлил қилиш қобилиятини; моддий бойликларни тақсимлашда адолатни, берган ваъдаларининг устидан чиқишни талаб этиш ва кутиш фойдасиз. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* ижтимоий соҳа; савдо (айниқса кўтара савдо); моддий ресурслар билан таъминлаш; дипломатик вакиллик, шоу-бизнес, кўнгил очар, эстрада бўйича оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

12. Интуитив-мантиқий иррационал интроверт. Ижтимоий тип — «Танқидчи». Ундан ишда тезкорликни; экстремал вазиятларда журъат ва дадилликни; меҳмондўстлик ва ғамхўрликни; ҳиссий ҳамдардликни талаб этиб ва кутиб бўлмайди. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* амалий характердаги илмий-тадқиқот фаолияти, дастурлаш; математика ва физика; макроиқтисодиёт; мураккаб муаммоларни концептуал таҳлил этиш; хавф-хатар даражасини баҳолаш; экспертиза ва прогноз; фалсафа; тарих ва археология; архив ва кутубхоначилик ишлари.

13. Мантиқий-сенсор рационал экстраверт. Ижтимоий тип — «Маъмур». Ундан вазиятга мос тарзда хулқ-атворини ўзгартиришни; одамлар

билан муносабатда юмшоқлик ва дипломатияни; экстремал вазиятларда ўзини тута билишни ва совуққонликни; ностандарт ғояларни ишлаб чиқишни талаб қилиб ва кутиб бўлмайди. *Тавсия этиладиган фаолият турлари ва касблар:* ўзга кишиларга раҳбарлик қилиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш зарур бўлган бошқарув соҳаси (барқарор вазият ва қонунлар ҳукм сурган ҳолда); иқтисодчи, банкнинг кредит бўлими ходими, фирмада ишларни тақсимловчи техник ёрдамчи; техник жараёнларни кузатиб боровчи (техникани таъмирлаш ва ишлатишни); қурилиш; қишлоқ хўжалиги; фермерлик соҳалари.

14. *Этикавий-интуитив рационал интроверт. Ижтимоий тип* — «*Инсонпарвар*». Ундан қуйидагиларни талаб қилманг ва қутманг: ишда уздабуронлик ва ташаббускорликни; экстремал вазиятларда ҳал этувчи қарорлар қабул қилишни; катта сафарбарликни; қизиқарсиз ва манфаатсиз ишларни тез ва сифатли бажаришни, ташкилотчилик қобилиятини. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* «тугарак» кўринишидаги тарбиявий ишлар; психотерапия, фалсафий-гуманитар соҳа; портрет ва сюжетли фотография билан боғлиқ ишлар.

15. *Интуитив-этика иррационал экстраверт. Ижтимоий тип* — «*Маслаҳатчи*». Ундан қуйидагиларни талаб қилманг ва қутманг: ишни сифатли бажаришни; ҳужжатлаштириш ишларини изчил юритишни; ўз-ўзини юқори даражада уюштиришни; бошқа одамларга самарали раҳбарлик қилишни ва вазифаларни тўғри тақсимлашни; низоли вазиятларда ҳис-ҳаёжонга берилмасликни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* гуманитар соҳа; педагогика; санъат; журналистика; оилавий психологик маслаҳатлар; танишув хизматлари; имидж-мейкерлик; реклама.

16. *Сенсор-мантиқий иррационал интроверт. Ижтимоий тип* — «*Уста*». Ундан қуйидагиларни талаб қилиб ва кутиб бўлмайди: воқеаларга эмоционал муносабатда бўлишни ва унда бевосита иштирок этишни; омадсизлиги туфайли бошқалар томонидан айбланаётган кишига ҳамдардлик билдириш ва уни қўллаб-қувватлашни. *Тавсия этиладиган фаолият турлари:* хўжаликни

оқилона юритиш; аниқ техникага хизмат кўрсатиш; буюмларни сифатли расмийлаштириш, ўрта бўғиндаги бошқарувчилик фаолияти; кичик бизнес; ишчи ўринларини ва интерьерани расмийлаштириш.

Албатта, шахсларни типларга ажратиш нисбий, уни мутлоқлаштириш ўринли эмас. Бундан ташқари, шахс типларининг психологик хусусиятларини таҳлил этишда «ёндош типлар»га хос бўлган ўхшаш сифатлар кузатилишини, уларнинг ҳаётий тажрибаси, ақлий имкониятини эътиборга олиш лозим. Умуман, шахс психодиагностикаси жуда мураккаб бўлиб, унда хилма-хил зиддиятли қарашлар мавжуд. Шунинг учун кўпроқ амалий кузатиш натижаларига, психологияда қўлланилаётган турли амалий методикалар натижаларига таяниб, хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ.

2.3. МОТИВ ВА МОТИВАЦИЯ

Йўриқнома: Сиз юклатилган тоширикни белгиланган босқичи якунлангач сўровнома саволларини диққат билан ўқинг ва жавоб беринг. Сиз биринчи босқич вазифлар ҳал этилса-да , аммо вазифаларнинг давоми борлигини эсда тутинг. Ҳар саволга тартибли ва кетма-кетликда жавобингизни қайд этинг. Сиз унга қўшилмасизми ёки йўқ шунга кўра шкалалардан бирини доирача олинг. Сиз жавобларингизни қуйидагига асосланиб беришингиз мумкин: тўлиқ қўшиламан Қ3, Қ2-қўшиламан, Қ1-қисман қўшиламан; -3-мутлақо қўшилмайман, -2 қўшилмайман, -1-қисман қўшилмайман, агар сиз ҳеч бирига қўшилмасангиз –0 айлана ичига олиб қўйишингиз мумкин.

№	Тест тасдиқлари	Шкалалар
	Тадқиқотдан безорман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен имкониятим даражасида ишлайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен нимага қодирлигимни намоён этишни хоҳлайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Менда юқори натижаларга эришишга интилиш хоҳиши бор	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Нимагадир эришиш мен учун қизиқарли	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Топшириклар ҳатдан ортиқ мураккаб	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Қиладиган ишларим ҳеч кимга керак эмас	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Менинг натижаларимни бошқаларникига қараганда яхши ёки ёмон эканлиги қизиқтиради	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен ўз ишим устида тез шуғилланаман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мени натижаларим юқори бўлади деб ўйлайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Бу вазият менга нохушлик туғдиради	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Яхши натижага қараб уни янада ривожлантиришга интиламан	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен тиришқоқман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3

	Мен эришаётган яхши натижалар тасодиф эмас	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Топшириқлар етарлича қизиқарли эмас	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен ўзимга вазифалар қўяман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мени натижалар бўйича бериладиган хулосалар безоталантиради	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен кучимга куч қўшилганлигини ҳис этаяпман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Яхши натижаларга эришиш ҳам менга таъсир кўрсатмайди	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Ҳозирги вазият мен учун аҳамиятли	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен олдимга мураккаб вазифалар ва топшириқлар қўйилишини хоҳлайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Натижаларга эътиборсизлик билан қарайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Қанча ишласа шунча қизиқиш ортади	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен ушбу вазифаларни яқунлашга шошилмайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	<i>Мени натижаларим мутлоқо паст бўлади</i>	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Қанчалик ҳаракат қилмай натижалар паст бўлади	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен ҳозир бу синовдан кўра бошқа маъқулроқ иш билан шуғулланишни хоҳлайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Топшириқлар мутлақо содда	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен яхши натижаларга эришишга лаёқатлиман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мақсад мураккаб бўлса унга эришиш хоҳишим юқори бўлади	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф эта оламан	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Натижаларимни бошқаларники билан солиштириш менга қизиқарли	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен топшириқлар устида ишлашга қизиқаман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Менинг натижаларим паст бўлиб қолишидан хавотирланаман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3

	Мен ўзимни мустақил ҳис этаман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Менга вақт ва қувватимни бекорга йўқотгандек туюлаяпди	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен ярим қувват билан ишлайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен имкониятларимнинг чегараси қизиқтиради	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мени натижаларим энг яхшиларидан бири бўлишини истайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мен мақсадга эришиш учун кучим етишига ҳаракат қиламан	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Мендан ҳеч нарса чиқмаслигини ҳис этаман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3
	Синовни лотерия деб ҳисоблайман	-3-2-1 0Қ1Қ2Қ3

Тестнинг калит

№	Мотивация тузилмасининг компонентлари	Тасдиқ номерлари
1	Ички мотив	15 ₀ , 23, 33
2	Билиш мотиви	5,22 ₀ ,38
3	Қочиш мотиви	11,17,34
4	Мусобоқалашув мотиви	8,32 ₀ ,39
5	Фаолиятни алмаштириш мотиви	1,9,27
6	Ўзини эъзозлаш мотиви	12,21,30
7	Натидаларнинг аҳамиятлилиги	7,20 ₀ ,36
8	Топшириқларнинг мураккаблиги	6,28 ₀
9	Иродавий қувват	2,13,37 ₀
10	Натижаларга эришганлик даражасининг баҳоси	19 ₀ ,29
11	Ўз имкониятларини баҳоси	18,31,41 ₀
12	Қувватни сафарбар эта олинганлик даражаси	3,24 ₀ ,40
13	Натижаларни кутилганлик даражаси	10, 25 ₀

14	Натижаларнинг қонуниятлари	14,26 ₀ ,42 ₀
15	Ташаббускорлик	4 ₀ ,16,35

Синалувчиларнинг тўғри ва тескари йўналиш
бўйича жавобларини баллаш қоидаси

Алмаштириш	Жавоблар шкаласи						
	-3	-2	-1	0	Қ1	Қ2	Қ3
Тўғри	1	2	3	4	5	6	7
Тескари	7	6	5	4	3	2	1

Тестнинг шкалалари

№	Мотивация тузилмасининг компонентлари	Мотивларнинг мазмуни
1	Ички мотив	Топшириқларнинг жалб этувчанлиги, топшириққа нисбатан қизиқишнинг мавжудлиги
2	Билиш мотиви	Субъектнинг ўз фаолият натижаларига қизиқиши, натижалардан қониқиши
3	Қочиш мотиви	Натижаларни паст бўлиши ва қониқмасликни келтириб чиқаришидан қочиш
4	Мусобоқалашув мотиви	Натижаларини блшқаларникидан устунроқ бўлишига интилиши
5	Фаолиятни алмаштириш мотиви	Фаолиятни ўзгартириш хоҳишини пайдо бўлиши, бошқа фаолият билан машғул бўлишга уриниш
6	Ўзини эъзозлаш мотиви	Фаолитни қатъий туриб амалга ошириш, янгидан янги мураккаб вазифалар қўйиш ва амалга оширишга интилиш
7	Натижаларнинг	Сабаб ва оқибат тамойилига кўра, муҳим шарт-

	аҳамиятлилиги	шароитларга кўра иш тутиш, фаолият натижаларига шахслик мазмунини бериш
8	Топшириқларнинг мураккаблиги	вазифаларнинг мураккаблиги
9	Иродавий қувват	Топшириқларни бажаришдаги иродавий қувватни намоён бўлиши
10	Натижаларга эришганлик даражасининг баҳоси	Ушбу фаолият йўналишига кўра ўз имкониятларини баҳолаши
11	Ўз имкониятларини баҳоси	Имкониятларини баҳолаш
12	Қувватни сафарбар эта олинганлик даражаси	натижаларга эришишда кучларни сафарбар этиши
13	Натижаларни кутилганлик даражаси	Фаолият натижаларининг кутилаётганлик даражаси
14	Натижаларнинг қонунияти	Натижаларнинг мотивация тузилмасига таъсири, унга таъсир кўрсатувчи сабаблар, натижаларни тасодифларга, вазиятларга ва шахсий имкониятга боғлиқлиги
15	Ташаббускорлик	Қўйилган топшириқ қанчалик ташаббус асосида ёки бирон бир кишининг раҳбарлиги таъсири тарзда амалга оширилади

2.4.ШАХСЛАРРАРО МУНОСАБАТ ДИАГНОСТИКАСИ

2.4.1. Ю.Я. Рижонкиннинг коммуникатив дистанцияни (оралиқни) аниқлаш методикаси (КДАМ)

КДАМдан яна фойдаланиш текширилувчилар учун ортиқча муаммо туғдирмайди. Бу воқеликни унинг умумий тавсифидан пайқаш мумкин. Методика мулоқотдошларни маълумот айрибошлаш жараёнида бир-бирига ўзаро таъсирлашуви, мазкур жараёнидаги оралиққа аниқлик киритади. Бунинг учун муомала иштирокчилари бир-бирига қанчалик яқин ёки узоқ туриши ҳамда ўртадаги коммуникативлик (коммуникатор ва реципиент) ролини аниқлашда бир қатор топшириқларни бажаришлари лозим. Текширилувчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзаро бир-бирларини ёқтиришига қараб, бир-биридан 100 мм ўлчамда ажратилган икки нуқта орасидаги масофани ҳосил қилувчи кутбларга кўра 100 балли шкалада баҳолаши шарт. Мулоқотдошларни ўзаро ёқтириш хусусиятини баҳолашга кутбдаги нуқталар орасидан тўғри чизиқ ўтказиш орқали, “Мен” олмоши ифодаланган нуқтадан фамилия кўрсатилган нуқтага қараб ёки аксинча ифодалаш ёрдами билан эришилади. Биринчи ҳосил қилинган узунлик (“Мен”дан мулоқотдаги шерикгача) шерикка нисбатан ахборот алмашишдаги объект сифатида қизиққанлик даражасини, иккинчисида эса (шерикдан”Мен”гача) жараённинг субъекти маъносини билдиради. Биз карточканинг тахминий намунасини тайёрлашда методикадан фойдаланган бошқа муаллифларнинг намунасига таяндик (Гайнутдинов Рам З. 1986) ҳамда ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан (Расулов А.И. 2001) ўзаро муносабати даражалари ва ҳоказо. Худди шу сабабдан унинг намунасини келтириб ўтамиз.

Методика бланкасига ҳеч қандай ортиқча ифодаларсиз фақат нуқталар акс эттирилиши лозим. Текширилувчилар билан эксперимент ўтказилгандан кейин тест бланklarини солиш учун почта конверти берилади. Конвертнинг юқори қисмида текширилувчилар ўзлари ҳақида барча зарурий маълумотларни, яъни фамилияси, исми, бажарилган муддати ва бошқаларни қайд этишлари зарур. Шунингдек, методиканинг

коммуникатив оралиқ даражаларини белгиловчи кўрсаткичлари мавжуд. Бизга қадар методикадан фойдаланган муаллифлар коммуникатив оралиқнинг даражалари ва уларнинг меъёрий кўрсаткичларини тақдим этганлар. Бу эса бизнинг методикадан фойдаланишимизга анча қулайлик туғдирди.

1- илова

Коммуникатив оралиқ даражалари

№	Муносабат даражалари	Континуум			
		Бир ёклама; Икки ёклама	Муносабат даражалари	Бир ёклама	Икки ёклама
	Зарурий-мажбурий	0-0,21; -1,00-(-0,58)	Мажбурий	0-12	-1-(-0,75)
			Зарурий	0,13 - 0,21	-0,76-(-0,58)
	Расмий-конвенционал	0,22- 0,67; -0,57-0,34	Салбий расмий	0,22-0,30	-0,57-(-0,40)
			Расмий	0,31- 0,55	-0,39-(-0,10)
			Ижобий расмий	0,56-0,67	-0,10- 0,34
	Дилдан ишониш	0,68-1,00; 0,35-1,00	Ишончли	0,68- 0,79	0,35- 0,58
			Интим	0,80-1,00	0,59-1,00

2.4.2. Социометрия

Социометрик ўлчаш мақсади: а) гуруҳдаги жипслик ва муносабатдаги тарқоқликни; б) гуруҳдаги позиция, симпатия ва антиратияга кўра гуруҳ аъзоларининг нуфузини ўрганиш в) гуруҳ таркибидаги норасмий лидерни аниқлаш


Социометрик карточка

Социометрик карточка					
№	Тип	Мезонлар	Танланмалар		
1	Ўқишда	а) Гуруҳ сардори сифатида кимни танлаган бўлардингиз?			
		б) Гуруҳ сардори сифатида кимни танламаган бўлардингиз?			
2	Бўш вақтда	а) Туғилган кунингизда кимни таклиф этган бўлардингиз?			
		б) Туғилган кунингизда кимни таклиф этмаган бўлардингиз?			

Социоматрица

N-гуруҳ аъзоли гуруҳ учун социоматрица намунаси												
№	Танловчиларнинг фамилияси. J-текширилувчи гуруҳ аъзолари	i- танланувчиларнинг аъзолари								Амалга оширилган танловлар		Жами
		1	2	3	4	5	.	.	.	(К)	(-)	
1	<i>Шаропова</i>		К	К	-	-				2	2	4
2	Қувондиқов	К		К	-	-				2	2	4
3	Дилмуродов	К	К		-	-				2	2	4
4	Холиқова	К	К	-		К				3	1	4
5	Жўраева	К	-	-	-					1	3	4
...
N												
	Олинган \sum (К)	4	3	2	0	1				10		
	Олинган \sum (-) танланма	0	1	2	4	3					10	

Социограмма



Социометрия индекслари

1. Социал статус индекси. i-аъзонинг социометрик нуфузи (статуси) индекси:

$$C_i = \sum_{k=1}^n (R_i^k - R_i) / N - 1$$

C_i - аъзонинг социометрик статуси, R_i -аъзо бўйича олинган танланмалар, Σ - алгебраик йиғинди, N -гуруҳ аъзолари сони

2.Эмоционал экспансивлик индекси. j -гуруҳнинг аъзоси учун ҳисобланади.

$$E_j = \frac{\sum_{i=1}^n (R_i^k R_j^k)}{N-1}$$

E_j - j - аъзонинг эмоционал экспансивлиги, R_j -аъзо бўйича олинган танланмалар, Σ -алгебраик йиғинди, N -гуруҳ аъзолари сони

3.Гуруҳнинг эмоционал экспансивлик индекси.

$$A_g = \frac{\sum_{j=1}^n (\sum_{i=1}^n (R_i^k))}{N}$$

A_g - гуруҳнинг экспансивлиги, N -гуруҳ аъзолари сони

4.Гуруҳнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги (жипслик) индекси.

$$G_g = \frac{\sum_{ij=1}^n (\sum_{kl=1}^n (A_{ij}^k))}{\sqrt{2} N(N-1)}$$

G_g -гуруҳнинг жипслик индекси, A_{ij}^k -гуруҳдаги ижобий ўзаро алоқалар, N -гуруҳ аъзолари.

2.4.3.Т.Лири методикаси

Йўриқнома: қуйида келтирилган тасдиқлар қанчалик сизнинг хатти — ҳаракатингиз, хулқ — атворингиз, бошқаларга муносабатингизни ифодалашига кўра мос ёки мос келмаслигини баҳоланг. Агар мос келган ҳолларда «ҳа», акс ҳолда «йўқ» жавобини беринг. Жавобларингизни махсус жавоблар варақасига белгиланг.

1. Ўзаро ёрдамга ҳамкорликга қобилиятли.
2. Ўзига ишонгон.
3. Бошқалар ҳурматини қозонган.
4. Унинг устидан ҳукмдорликни ёқтирмайди.
5. Очиқ кўнгил.
6. Шикоятчи арзчи.
7. Кўпинча бошқалар ёрдамига муҳтожлик сезади.
8. Рағбатга муҳтож.
9. Ишонувчан ва бошқаларга қувонч улашишга интилади.
10. Маъсулятни ёқтиради.
11. Салобатли кўринади.
12. Ҳамиятли (ўз қадр-қимматини билади).
13. Руҳлантирувчи.
14. Яхшилиқни билувчи.
15. Жаҳлдор, шафқатсиз.
16. Мақтанчоқ.
17. Ўзини ўйловчи.
18. Наҳоқликни тан олишга қодир.
19. Золим (мустабид).
20. Ўз фикрида тура олувчи.
21. Бағри кенг, нуқсонларга бардошли.
22. Амирона-кеккайган.
23. Ҳомийлик қилишга мойил.
24. Ҳайратлантиришга қодир.
25. Бошқаларга қарорлар қабул қилишга имкон берувчи.
26. Кечирувчан.
27. Беозор.
28. Лоқайд бўлиши мумкин.
29. Беғараз.
30. Маслаҳат беришни ёқтирувчи.

31. Ёрдамга муҳтож, мустақил эмас.
32. Ўзига ишонувчан ва тиришқоқ.
33. Ҳар кимдан ҳайратланишни кутувчи.
34. Кўпинча ҳомуш.
35. Унга таъсир ўтказиш қийин.
36. Дилкаш ва муросали.
37. Тўғри сўз ва чўрткесар.
38. Аламзада (жаҳлдор).
39. Тобеликни ёқтиради.
40. Бошқаларга ҳукмрон.
41. Ўзига танқидий бўлишга қодир.
42. Кўнгли очик, саҳий.
43. Муомалада доим хушмуомала.
44. Ён берувчи (Келишувчан).
45. Уятчанг. Тортинчоқ.
46. Бошқаларга ғамхўрликка мойил.
47. Шахсиятпараст (фақат ўзини ўйлайди).
48. Кўнгилчан.
49. Муҳтожларга ҳамкор.
50. Буйруқ беришга уддабурон.
51. Кўпинча ҳафсаласи пир бўлади.
52. Бир сўзли, лекин адолатли.
53. Кўпинча адолатли.
54. Бошқаларга танқидчан.
55. Доим хайрихоҳ.
56. Нохолисона баҳоловчм одам.
57. Ишончсизлик тўғдиришга мойил.
58. Бообрў ишонувчан.
59. Рашкчи.
60. Дод-вой қилиб юришни ёқтиради.

61. Торгинчоқ.
62. Аразчан ва инжиқ.
63. Кўпинча хайрихоҳ эмас.
64. Хукмрон.
65. Ташшабускор эмас.
66. Қаттиққўлликка мойил.
67. Хушмуомала.
68. Ҳаммани ёқтиради.
69. Тадбиркор, омилкор.
70. Ўта раҳмдил.
71. Эътиборли ва ёқимли.
72. Айёр ва пишиқ.
73. Атрофдагилар фикрини кадрловчи.
74. Такаббур ва мағрур.
75. Ўта ишонувчан.
76. Ҳар кимга ишонишга тайёр.
77. Хиждатпаз.
78. Мустақил.
79. Худбин.
80. Нозик таъб, кўнгилчан.
81. Бошқалар таъсирига берилувчан.
82. Ҳурматли.
83. Бошқаларда таассурот уйғотувчи.
84. Юмшоқкўнгил.
85. Маслаҳатларни қабул қилувчи.
86. Раҳбарлик талантига эга.
87. Ноқулайликка тез тушувчан.
88. Хафачиликни эслаб юрувчи.
89. Дўстлар таъсирига берилувчан.
90. Қарама-қаршилик руҳига мойил.

91. Ортиқча кўнгилчанлиги билан одамларни бузади.
92. Атрофдагиларга ўта мурувватли.
93. Шухратпараст.
94. Ҳар кимнинг кўнглини олишга интилувчан.
95. Ҳайратланувчи, тақлидга мойил.
96. Жон деб бўйсунувчи.
97. Ҳамма билан келишувчан.
98. Ўзининг зарарига ҳисобига, бошқаларга ғамхўр.
99. Жиззаки.
100. Уятчанг.
101. Бўйсунушга ўта тайёрлиги билан фарқланувчи.
102. Дўстона, хайрихоҳ.
103. Саховатли ишонч туғдирувчи.
104. Совуқ, бағритош.
105. Муваффақиятга интилувчи.
106. Бошқалар хатосига бешафқат.
107. Ҳаммага бир хил илтифотли.
108. Қаттиққўл, лекин адолатли.
109. Ҳаммага меҳр-муҳаббатли.
110. Ғамхўрлик қилишларини ёқтиради.
111. Деярли, ҳеч кимга эътироз билдирмайди.
112. Юмшоқ, кўнгилчан.
113. Бошқалар у ҳақида яхши фикрдалар.
114. Қайсар, ўжар.
115. Керак бўлганда саботли ва кескин.
116. Самимийликка мойил.
117. Камтар.
118. Ўз-ўзига мурруватли бўлишга қобил.
119. Сершубҳа.
120. Заҳар тилли, истехзоли.

121. Шилқим.
122. Кек сақловчи.
123. Мусобақалашишни яхши кўради.
124. Бошқалар билан чиқишишга интилувчан.
125. Ўзига ишончсиз.
126. Ҳар кишига тасалли беришга интилади.
127. Ўз-ўзини қийновчи (ичидан сиқилиб юрувчи).
128. Ҳиссиз. Лоқайд.

Т.Лири методикасининг яна қулай жиҳатлари унинг таркибига кирувчи саволларнинг (114 та характерологик хусусиятлардан таркиб топган) тизимлашганлиги ва уларнинг бир неча омиллар асосида (8 та психологик тенденцияларга) таҳлил этиш мумкин. Т.Лири методикасидаги октантларнинг ҳар бири ўзида бир неча даражани (тўрт даража) ифода этган бўлиб, уларда қуйи, ўрта, юқори ва экстремалга ажратилади. Шунингдек, методикада,

I. Лидерликка мойиллик, ҳукмронлик, зулмкор

II. Ўзига ишонч-ўзини яхши кўриш

III. Талабчанлик-муросасиз, шафқатсиз

IV. Ишончсизлик (скептизм)- кайсар-салбийлик (негативизм)

V. Ён беришлик-беозор-пассив бўйсунувчанлик

VI. Ишонувчанлик-итоаткорлик-тобелик

VII. Кўнгилчанлик-мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчан

VIII. Раҳимдиллик-беғаразлик-фидокорлик сингари октантлар билан бир қаторда шахснинг психологик қиёфасини (профилини) очиқ беришга ёрдам берувчи иккита омилга таянишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунончи улар, устунлик ёки етакчилик ҳамда дўстоналик омилларидир. Шахсий қиёфани ифодалашда эса дискограммадан фойдаланилади. Шунингдек, методика натижаларини шарҳлаш учун қулайликни ҳисобга олган ҳолда уларнинг балли даражаларини акс эттирувчи қуйидаги жадвални тақдим этишни лозим топдик. Жадвалда ҳар бир октант натижалари баллар бўйича нимани ифодалашни келтирилган:

Т. Лири сўровномасининг калити

Октянт №	Саволлар номери
I.	3,10,11,19,20,22,24,30,33,40,50,64,83,86,105,113
II.	2,12,16,28,32,47,56,69,72,74,78,79,93,104,118,123
III.	5,15,17,37,52,53,54,63,66,99,106,108,115,116,120,128
IV.	4,6,34,35,38,51,57,59,60,62,68,89,90,114,119,122
V.	18,27,41,44,45,48,61,65,77,96,100,101,112,117,125,127
VI.	9,7,8,14,25,31,39,58,75,82,85,87,95,110,111,121
VII.	1,36,43,55,68,71,73,76,81,84,94,97,102,107,109,124
VIII.	13,21,23,26,29,42,46,49,67,70,80,91,92,98,103,126

Т.Лири тестининг сифатларни баҳолаш жадвали

Октянтлар	Муносабатлар	Текширилувчилар тўплаган балл миқдори			
		3-4	5-8	9-12	13-16
I	Лидерлик-ка мойиллик. Ҳукмронлик	Маслаҳатлар беришга интилувчан	Ташкилотчиликка қобилиятли	Танқидлар-ни қабул қила олмайди	Фикрлари қотиб қолган ва зулмкор
II	Ўзига ишонч-ўзини яхши кўриш	Ишончли, мустақил	Рақобатлашиш-га қобилиятли	Гуруҳда ажралиб турувчи	Кибр-ҳаволик, мағрурланиш
III	Талабчанлик муросасиз, шафқатсиз	Очиқлик, бевоситалик	Қатъий-лик	Ҳаддан ортиқ-ўжарлик	Ўзини тута олмайдиган. Жаҳли тез
IV	Ишончсизлик-қайсарсалбий	Реал мулоҳазоловчи	Шубҳа билан қаровчи, конформликка мойил эмас	Хафа бўлувчи, ишончсиз, танқид қилишга мойил	Атрофдагилардан норози, шубҳаланувчан
V	Ён беришлик-	Мулойимлик, тортинчоқлик	Бегоналарнинг	Айбни ўз зиммасига	Бутунлай кўнгилчан

	пассив бўйсунувча лик		мажбу- риятла рини ўз зиммаси-га олувчан	олувчан, ўзини ўзи камситув-чан	
VI	Ишонув- чанлик- итоаткор- лик	Атрофдаги- ларни ишончига киришга эҳтиёжи бор	Ёрдамга мухтож	Юқори конформликка мойил	Атрофдагила рнинг фикрларига боғланиб қолган
VII	Кўнгилчан -лик-ҳат- дан таш- қари ён берувчи	Гуруҳ билан ҳамкорликка интилувчан	Хайрихоҳ	муросакор	Хайрихоҳлиг ини очик изҳор этувчан
VIII	Раҳмдилли к фидо- корлик	Атрофдаги- ларни тушунувчан ва уларга ёрдам кўрсатишга шай	Мулойим кўнгилли, ўта масъулиятли	Юқори ижтимоий установка- ларга эга	Фидойи

ДОМИНАНТЛИКк(I-V)Қ0,7х(VIIIҚII-IV-VI
ДЎСТОНАЛИКк(VII-III)Қ0,7х(VIII-II-IVҚVI

2.5.ПРОЕКТИВ ТЕСТЛАР

2.5.1. «Геометрик фигуралар бўйича ҳосил қилинган одам тасвири»

тести

Тестдан фойдаланишнинг мақсади: индивидуал психологик фарқларни ёритиш.

Кўрсатма: сиз уч хил геометрик фигуралар, учбурчак, айлана ва квадрат ёрдамида 10 та элементдан иборат одамни ичизишингизни сўраймиз. Сиз геометрик фигуралардан фойдаланаётганда уларни кенгайтиришингиз ва қисқартиришингиз ҳам мумкин. Аммо одамни тасвирлаётган вақтда бу учала фигуранинг иштирок этиши шарт. Агар ортиқча фигура чизилиб қолган бўлса у учириб ташланади. Одам тасвиридаги элементлар ўнтадан ортиб ҳам кетмасин, кам ҳам бўлиб қолмасин. Суратни ушбу кўрсатма бўйича тайёрланг.

Материаллар: синалувчмиларга 10x10 ўлчамдаги учта қоғоз берилиб, ҳар бир қоғоз номерланган бўлиши лозим. №1 варақда биринчи синалувчи расм чизилади, №2 варақда иккинчи ва №3 варақда учинчи сурат мос равишда чизилиши лозим.

Маълумотларни қайта ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: одам тасвирида иштирок этган учбурчак, айлана ва квадратлар (ҳар бири суратда алоҳида). Ҳар бир фигура ўзига хос баҳоланадир: учбурчак юзлик, айлана ўнлик ва квадрат бирлик миқдорни ифодалайди. Бу учлик сонлар «сурат формуласини» англатади.

Геометрик фигура асосида конструктив суратни бажаришни ёритиш учун индивидуал психологик фарқлар тизими

901	802	703	604	505	406	307	208	109	
910	811	712	613	514	415	316	217	118	019
	820	721	622	523	424	325	226	127	028
		730	631	532	433	334	235	136	037
			640	541	442	343	244	145	046
				550	451	352	253	154	055
					460	361	262	163	064
						370	271	172	073
							280	181	082
								190	091

Типлар:

I тип-«рахбар». Одатда бу типдаги кишилар раҳбарлик ва ташкилотчилик лаёқатига эга бўлган одамлар ҳисобланишади. Хулқ-атворлари ижтимоий

аҳамиятга молик нормалар йўналтирилган, юқори даражадаги нутий қобилиятга эга, яхши ҳикоячи. Ижтимоий муҳитга тез мослашувчанг, бошқалар устидан етакчилик қилшда маълум чегара сақлайди. Одатда кўк рангни танлайди (м.Люшер) ва «Дарахт» тестида «арча» расмини чизади.

Расмлар формуласи: 901, 910, 802, 811, 820, 703, 712, 721, 730, 604, 613, 622, 631, 640.

Бошқалар устидан кескин ҳукмронлик қилиш 901, 910, 802, 811, 820; ситуатив- 703, 712, 721, 730: одамларга сўз орқали таъсир кўрсатишга – вебаль раҳбар ёки «ўқитувчилик» тип-604, 613, 622, 631, 640.

Бу типларни намоён бўлиши психик тараққиёт даоражасига боғлиқлигини эътиборга олиш лозим. Индивидуал фарқлар юқори даражада ривожланган бўлса, етарлича англашга эгаликдан далолат беради. Қуйи даражада эса профессионализм сезилмайди, вазиятларга мослашиши қийин. Бу барча характерлар учун хосдир.

II тип-«масъулиятли ижрочи»-«рахбарлик»нинг бир қатор сифатларини ўзлаштирган, бироқ масъулиятли қарорларни қабул қилишда анча ҳаяжонланади. Бу типдаги одамлар «ишни кўзини биладиган», поофессионализм, юқори туйғуларга эга, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан масъулиятли ва талабчан, ҳақиқатни қадрлайди. Улар кўпинча соматик касалликлар билан оғриниб туришадилар. Асабий жихатдан анча зўриққан бўлишади.

Расмлар формуласи: 505, 514, 523, 532,550.

III тип- «безовтали-суст» - оддий қўл малакаларидан тортиб юқори адабий иқтидорга – ҳар хил қобилият ва иқтидорга эга. Одатда улар бир типдаги касбларга хос бўлса-да, аммо кутилмаган ҳолларда уни ўзгартиришга, иккинчи бир қизиқадиган касбга ҳам э

га бўладилар. Улар одатда бошқа одамлар билан низога боришга мойиллар. Юқори ва ўзидан шубҳаланишга мойил.

Суратлар формуласи: 406, 415, 424, 433, 442, 451,460, бундан ташқари 415 – «шоирона типча»-шоирона иқтидорга эга ; 424 эса- гаплар бўйича англаб оладиган тип бўлиб, бутипдагилар ишда хотиржамлиги билан ажарлиб туради.

IV тип –«олим». Бу типдаги кишилар реалликни осонгина мавҳумлаштиришга, «концептуал ақлга», «хамма нарсани» таҳлил қилишга мос назариясига эга, қобилиятлиги билан ажралиб туради, туради. Одатда улар руҳан хотиржам, ўз хатти –ҳаракатларини обдан ўйлаб амалга оширишади.

Суратлар формуласи: 307, 316, 325, 334, 343, 352, 361, 370. 316 типча назария яратишга мойил тип, у глобал, мураккаб ва катта ишларни амалга оширади: 325-типчаси эса ҳаётни, соғлиқни, биологияга оид фанларни, тиббиётни билишга ўта қизиқувчан. Бу тип вакиллари санъатнинг синтетик кўринишдаги турлари: кино, цирк, театр-томоша режессёри, мультипликация билан шуғулланадиган одамлар орасида учрайди .

V тип –«интуитив». Бу типдаги одамларасаб тъизими анча ҳиссий кучга эга, уларжда юқори толиқиш кузатилади. Бир фаолиятдан иккинчи бир фаолиятга осон ўтиб кетишади, янги имкониятларга эга. Янгиликни туюшда юқори сезгирлик мавжуд. Альтруист, моҳир қўллли ва образли хаёлга эга , техник ижодкорликка мойил. Одатда ижтимоий нормаларни ўзини мослаштира олади. Ички ўзини ўзи назорат қилишга эга, унинг эркинлигига тўсиқ бўлувчи ҳолатларни қабул ила олмайди, ўзини ўзи назорат қилшни ёқтиради.

Суратлар формуласи: 208, 217, 226, 235, 244, 253, 262, 271, 180. 235 типча – психологияга ва психолог мутахассисларда учрайди; 244- бадий ижодга қобилиятли кишилар, 217- кашфиётчилик фаолиятига мойил кишилар;226-янгиликка юқори эҳтиёдж сезадиган, ўзига мақсадга эришиши учун юқори талаб қўядиган кишилар.

VI тип-« кашфиётчи, конструктор, рассом». Техника билан машғул кишилар орасида кўпроқ учрайди. Бу типдаги одамларда бой хаёлий образлар, фазовий кўрувчанлик, тез-тез техник ,бадий ва интеллектуал ижодкорлик хос. Улар интроверт, интуитив тип сингари шахсий ахлоқий нормалари билан

яшашади., ўзларини назорат қилишдан ташқари бошқа чет таъсирларни қабул қилишмайди.

Суратлар формуласи: 109, 118, 127,136, 145, 019, 028, 037, 046.

019 типча- аудиторияни ўзига жалб қилувчи кишилар ҳисобланишади; 118- конструктив имкониятга ва яратувчанлик қобилиятига эга шахс ҳисобланади.

VII тип –«эмотив». Бошқа кишиларга ҳамдард, «оғир» кино фильмларни жуда қийинчилик билан кўришади. Узоқ вақт эмоционал таъсирлар остида бўлишади. Кўп қувватни ҳаяжонланганлари боис йўқотишади. Қобилиятларини намоён қилишга анча қийналишади.

Суратлар формуласи: 550, 451, 352, 361. 370, 253, 262. 271, 280, 154, 163, 172, 181, 190, 055, 064, 073, 082, 091.

VII тип –эмотив типга тесқари тип ҳисобланади. Улар ўзга кишиларнинг кечинмаларини ҳис қилшмайди, атрофдагиларга нисбатн эътиборсиз Яхши мутахассис ўзи бажаради, у бошқаларни бажриш лозҳим деб мажбурлашга мойил. Унда баъзан «жиззакилик» , ситуатив равишда гавдаланади.

Суратлар формуласи: 901, 802, 703, 505, 406, 307, 208, 109.

2.5.2. Мавжуд бўлмаган ҳайвон тести

Агар расм варақнинг ўнг томонининг юқори қисмидан ўрин олган бўлса, бу ҳолат айни дам билан боғлиқ ёки келажакка алоқадор ҳисобланади, ижобий эмоцияни ифодалайди.

Расм чап тарафда варақнинг пастги қисмидан ўрин олган бўлса, у ҳолда ўтмиш билан боғлиқ, фаолсизлик ва салбий эмоцияни ифодалайди. Расмдаги меъёрдаги золат расмнинг варақнинг ўрта қисмида жойлашганлигидан билинади. Агар расм варақнинг юқори қисмига жойдлашган бўлса, бу юқори ўзини баҳолаш ва ўзининг жамиятдаги ўрнидан норозилигидан далолат беради. Атрофдагилар томонидан тан олимаётганлиги, кўпроқ норозиликлар билдиришга мойилгини билдиради.

Расм варақнинг пастги қисмига яқин бўлса, ўзига ишончмаслик, ўз-ўзини паст баҳолаш, қатъиятсизлик, таъсирларга тушиб қолганликни англатади.

Агар расмдаги ҳайвоннинг юши ўнг томонга қаратилган бўлса, уҳолда инсоннинг амалга оширилаётган ишлари ёки нимани амалга оширмақчи бўлса режали бажаришидан далолат беради.

Агар расмдаги ҳайвон боши чапга қаратилган бўлса, у ҳолда бундай кишилар амалга оширилаётган ишларида журъат етишмайди, кам мулоҳазаловчи ҳисобланади.

“Юз” кўриниши, яъни бош ҳолати чизувчига қараб чизилган бўлса, у ҳолда бу эгоцентризмдан далолат.

Бош деталларининг маъноси:

Қулоқ: ахборотларга қизиқувчанлик, атрофдагиларнинг у тўғрисидаги фикрлари қизиқтиради, атрофдагиларнинг унга берадиган баҳоларига ҳис-туйғули, пайти бўлса-да ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартирмайди.

Очилиб қолган оғиз тил билан ифодаланса, вайсақи, лабнинг аниқ чизилганлиги-чезгирлик. Тил ва лаб аниқ чизилмаган очик оғиз-ишончсизлик, кўрқув борлиги, Оғиз тиш билан ифодаланса-оғзаки тажовузкорлик аломати (хақаротловчи, кўпол, таҳдид қилувчи).

Кўз. Кўзнинг алоҳида ажратилиб чизилганлиги-бу чизган инсонда кўрқув борлигини билдиради. Киприкларни ифодаланиши-хулқ-атворида намоийкороналик, кийиниши ва юриш-туриши билан атрофдагиларга ўзини кўрсатмоқчи бўлувчи.

Ҳайвоннинг бошида қўшимча деталлари бўлганда:

Шох-тажовузкорлик, агар агрессияни бошқа белгилари тирноқ, нина-агрессиянинг характерини ифодалайди, у тасодифий ёки ҳимояланиш бўлиши мумкин.

Патли- намоийшкороналик, ўзини оқлаш ва ўзини безашга мойиллик.

Ёл, жўн-сезгирлик, ўз жинсини қайд этувчанлик.

Ҳайвоннинг оёғи, панжалари: асослилик, мулоҳазали, қарор қабул қилишда амалий ёндашувчан. Оёқнинг йўқлиги ёки нозик оёқ-атрофлачи ўйловчи, хулоса чиқаришда енгилтабиат, импульсив хулоса чиқаради. Бир хиллик, оёқларнинг бир-бирини такрорлаши (кўпоёқлик)-мулоҳазаларга тобе,

стандартлашиб қолган ва сийқаси чиққан. Оёқларнинг хилма хиллиги, панжалар-мустақиллик, сийқасичикмаган, оригиналлик, иждокорликдан далолат беради.

Қисмларнинг фигура даржасига кўтарилганлини:

Қанот, пайнаслағич, қисқич-хоҳишнинг ҳаётнинг барча соҳаларига йўналганлигидан далолат беради, қизиқувчанлик, жасурлик, шижоатлилик, ўзига ишонч ифодалайди.

Безак берувчи деталлар- бантик, кўнғирок соч-намоийшкороналик, хоҳишни ўзига қаратилганлиги, устамолик.

Дум-юқорига қаратилган бўлса, инсон хатти-ҳаракатларини, қарорларини ижобий баҳолайди, дум пастга қаратилган бўлса-айтилган, бажарилган нарсалар юзасидан ўзидан норозилик, ачинишни англатади. Дум ўнгга қаратилган бўлса, инсон муносабати ўз хатти-ҳаракатлари ёки хулқига қаратилган муносабатни, чапга қаратилган бўлса – фмкрга, қарорларга муносабатни англатади.

Фигура контурлари- қалқон, совутмавжудлиги-атрофдагилардан ҳимояланиш, нина, ўткир бурчакли совут-тажовузкорлик, Қора қилиб чизилган қизиқлар, чизиқларни иккиланганлиги- шубҳаланиш, кўркув, безовталаниш. Ушбу ҳимояланишларнинг жойлашув ўрнига кўра: юқорига жойлаштирилган бўлса-ота-она, ўқитувчи, бошлиқлардан, пастда акс эттирилган бўлса-муҳокамадан, кичикларда нуфузнинг йўқлиги, тобеликни англатади; ён томонда чизилган бўлса-ҳимояга тайёрлик ва ҳар хил вазиятларда ҳар хил тарзда ўз-ўзини ҳимоялаш.

Расмни босиброқ чизиш-чизиқларни орқа томондан ҳам кўриш (чизга кўлда юқори даражада титраш тонуси мавжуд), кескин безовталаниш (қандай деталга алоҳида урғу бериб чизилганига қараб).

Ҳайвоннинг умумий ҳолати баҳо: тажовузкор, тажовуз қилишга тайёрланган ва беозор-бу ҳар шахснинг ўзига муносабати, ўз Менига муносабати, унинг оламга муносабати, ўзини нимага ўхшатиши (куён, фил,

яъни чизилган расмга кўра). Ушбу суратлада чизилган нарса, чизувчининг ўзи саналади.

Айлана шакл, ҳеч нарса тўлдирилмаган ҳолда тундлик, ички олами берклигидан далолат беради.

Механик қисмларни ичига жойлаштирилганлик-ҳайвоннинг жонли қисми сифатида ишлатилганлиги- танк оёғини қўлланилганлиги, симлар, антенна –шизоидлик, шизофренияга мойиллик бор.

Номланиши-агар номланиш, мазмунли қисм билан рационал боғланган бўлса, рационаллик, мослашишга қобилиятлиликни; номланишга илмий тус берилган бўлса-интеллектда номойишкороналик, эрудиция; ҳар хил маънолиовозли, товушли тарздаги –енгилтаклик, хавфга бўлган огоўлантиришларни сезмаслик; тақдир тақазосига кўра берилган номлар-атрофга нисбатанилтифотли. Ҳаддан ортиқ узун номлаш-ҳимояланиш, ўймоя тарзда фантазияга мойиллик.

2.5.3. Беихтиёр чизилган суратлар тести

Биринчи квадрат. Ўртадаги нуқта Эгони англатади ва ташқи воқеаларга нисбатан эмоционал реакцияни ифодалайди. Синалувчи чизган расм унинг муаммоларини ҳал этишдаги ҳолатини билдиради. Масалан, нуқтадан бир нечта тўғри чизиқ чиқарилган бўлса, бу муаммоларни ечишга нисбатан эгилувчанлик ва ишончни билдиради., муаммони ечишга нисбатан бир неча вариантларга эгалигини англатади.

Иккинчи квадрат. Чап томон тепасидаги тўлқинли чизиқ ўаракатни ифодалайди. Расмда нимани боғлаб чизишига қараб, ё эркин ҳаракатланиш, ёки нимага боғлиқликни ифодалайди.

Учинчи квадрат. Учта вертикал чизиқлар завқ-шавқли- иззат-нафс, жиззакилик. Агар текширилувчи бу символга алоҳида чизгилар берилган бўлса, мақсадга эришиши аниқ ва аниқ мотивга эга. Агар символлар қоралатиб чизилган бўлса, бундай сифатлар холилигини англатади.

Тўртинчи квадрат. Тепадаги қора квадрат тўғрилаш лозим бўлган муаммони ёки чегарани ифодалайди. Квадратда чизилган нарсага қараб, муаммони ечишга нисбатан фаол ёки пассивликни билдиради.

Бешинчи квадрат. Иккита диоганл тарздаги кесишувчи чизиқ. Текширилувчини сайёҳатни давом эттиришга таклифни, уларни давом эттирилганлигига қараб, бу ўзидан нимани тақдим этаётганлигини билдиради. Кесишувчи чизиқлар қилич ва болғани ифодалайди ва бу агрессивлик ёки душманликни билдиради. Кесишмайдиган чизиқлар қатъиятсизлик, иродани ва қатъиятлиликни етишмаслигини билдиради.

Олтинчи квадрат. Иккита алоҳида вертикал ва горизонтал ўтказилган чизиқ, ҳозирги ёки ўтмишдаги эмоция билан муҳитнинг бирлигини ифодалайди. Улар ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар ва эр-хотин орасидаги муносабатни ҳам ифодалайди. Бир хилда чизиқ муҳитни меъёрда эканлигини, чизиқларни акс ҳолати эса текширилувчи онгидаги беқарорликни билдиради.

Еттинчи квадрат. Ярим айлана нуқтасидан ўнг бурчакка қаратиб чизиладиган тасвир кишини хушмуомалалик, назокатини, сезгирлигини. Квадратда текширилувчи ўзида бундай сифатлар бор ёки йўқлигини намоён этади.

Саккизинчи квадрат. Тўнкарилган эгри чизиқ бошпанани ифодалайди. Бу текширилувчи қандай бошпанада эканлиги, атрофдагилар муҳити, табиатда, китобларда, хотиржамликда ёки моддий таъминланганликда эканлигини англатади.

2.6.КАСБИЙ ФАОЛИЯТ ДИАГНОСТИКАСИ

2.6.1.Холланд тести

Ушбу методика ўқувчиларнинг қайси касб соҳасини афзал кўришини аниқлашга имкон беради. Касбий муҳит соҳалари олти турга ажратилади: реалистик ёки амалий; интеллектуал; ижтимоий; конвенционал ёки стандарт, уддабурон; артистик.

Ўқувчилар эътиборига 42 жуфт касб ҳавола этилади. Бундан ўқувчилар ҳар жуфтликдан фақат битта, яъни ўзи истаган ёки унчалик «ёмон» бўлмаган касбни танлашга мажбур.

Ушбу методика айти бир вақтда ҳам диагностик, ҳам фаоллаштирувчи ҳисобланади: унга илова қилинадиган касб-ҳунар луғати ўқувчиларнинг касб-ҳунар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, ўқувчиларга айти бир касб доирасида хилма-хил касбий муҳит мавжудлигини ҳис қилиш имконини беради (масалан, «ҳуқуқшунос» касби адвокат, терговчи, нотариус, ҳуқуқшунос маслаҳатчи, жиноят қидирув инспектори, судьяни бирлаштиради).

Касблар рўйхати

1. Муҳандис(1)_____ Социолог (2)_____
2. Қандолатчи(1)_____ Таквадор 3)_____
- Ошпаз(1)_____ Статист (4)_____
- Сураткаш(1)_____ Савдо зали маъмури (5)_____
5. Механик(1)_____ Безакчи 6)_____
6. Файласуф(2)_____ Шифокор (3)_____
7. Эколог(2)_____ Ҳисобчи 4)_____
8. Дастурчи(2)_____ Адвокат (5)_____
- Кинолог(2)_____ Бадиий адабиёт таржимони (6)_____
- Суғурга агенти (3)_____ Архившунос (4)_____
11. Мураббий(3)_____ Телерепортёр (6)_____
12. Терговчи(3)_____ Санъатшунос (6)_____
13. Нотариус(4)_____ Брокер (5)_____
14. ЭХМ оператори(4)_____ Манекеншиқ (6)_____
15. Фотомухбир(5)_____ Таъмирловчи (6)_____
16. Кўкаламзорлаштирувчи(1)_____ Биолог-тадқиқотчи (2)_____
17. Автотранспорт ҳайдовчиси (1)_____ Бортназоратчиси (3)_____
18. Метеоролог (1)_____ Картограф (3)_____

19. Радиомонтажчи (1)_____ Ёғочга ишлов берувчи (6)_____
20. Геолог(2)_____ Гид-таржимон (3)_____
21. Мухбир(5)_____ Режиссёр (6)_____
22. Библиограф (2)_____ Аудитор (4)_____
23. Доришунос (2)_____ Хуқуқшунос маслаҳатчи (3)_____
24. Ирсиятчи (2)_____ Меъмор (6)_____
25. Сотувчи (3)_____ Почта алоқаси оператори (4)_____
26. Ижтимоий ходим (3)_____ Тадбиркор (5)_____
27. Олий ўқув юрти ўқитувчиси (3)_____ Муסיқачи-ижрочи (6)_____
28. Иқтисодчи (4)_____ Менежер (5)_____
29. Корректор (4)_____ Дирижёр (6)_____
30. Божхона инспектори (5)_____ Модельер (2)_____
31. Телефонист (1)_____ Орнитолог (2)_____
32. Агроном (1)_____ Топограф (4)_____
33. Ўрмончи (1)_____ Директор (5)_____
34. Кийим кечак бўйича уста (1)_____ Хореограф (6)_____
35. Тарихчи (2)_____ ДАН инспектори (4)_____
36. Антрополог (2)_____ Экскурсовод (3)_____
37. Вирусолог (2)_____ Актёр (6)_____
38. Официант (3)_____ Товаршунос (5)_____
39. Бош ҳисобчи (4)_____ Жиноят қидирув инспектори (5)_____
40. Сартарош-модельер (6)_____ Психолог (3)_____
41. Асаларичи (1)_____ Савдогар (5)_____
42. Ҳакам (3)_____ Стенографист (4)_____

Методиканинг афзал жиҳатларидан бири шундан иборатки, бунда олинган натижаларни осонлик билан қайта ишлаш мумкин. Бу эса олинган натижалар асосида ўқувчи билан унинг касбий мақсадлари ва шахсидаги устувор йўналишлар ҳақида дарҳол суҳбатлашиш имконини беради.

Жавоблар ва натижаларни қайта ишлаш бланкаси

Бланк ответов и обработка результатов

Касб код	Танлаш (кўшув ишораси билан белгиланади (Қ))	Кўшув ишоралар сони
1		
2		
3		
4		
5		
6		

Жавоблар бланкасини тўлдиришга доир йўриқнома

Дейлик, сиз тегишли йўналишда таълим олганингиздан кейин ҳар қандай ишни бажара оласиз. қуйида тақдим этилган касблар жуфтидан сиз ўзингизга энг маъқул келганларини танланг (касбларни қобилият ва имкониятингиздан келиб чиққан ҳолда танланг). Касб номи қаторида қавсда код кўрсатилган Жавоблар бланкасида танланган касб коди қарши- сига «Қ» ишорасини қўйинг (касблар рўйхатига қаранг).

Ўқувчиларнинг қизиқиши касб кодлари бўйича тўпланган «Қ» лар сонига қараб баҳоланади. Афзал саналган касб турлари ёки «касбий муҳит тури» икки-учтани ташкил этиши мумкин.

Касбий тоифалар

1. *Реалист ёки амалиётчи.* Ушбу тоифадаги касб эгалари аниқ масалалар билан машғул бўлади ва аниқ нарсалардан фойдаланади. Улар чاقқонлик ва жисмоний кучни талаб этувчи машғулотларни ёқтиради. Асосан амалий меҳнат қилишни ва ўз фаолиятда натижага тез эришишни афзал билишади.

Интеллектуал соҳада кўпроқ математик қобилиятга эга. Уларда одамлар билан мулоқотга киришиш, ўз фикрларини эркин баён этиш қобилияти анча суст ривожланган бўлади.

Бу тоифадаги одамлар кўпинча механик, электрик, муҳандис, агроном, боғбон, қандолатчи, ошпаз бўлиб ишлашни маъқул кўрадилар ва аниқ вазифаларни ҳал этишни, кўп ҳаракатланишни, тиришқоқликни тақозо этувчи, техника билан боғлиқ касбларни танлайди. Улар фаолиятида мулоқотга киришиш еткази ўрин эгалламайди, уларнинг фаолияти кўпроқ маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш билан узвий боғлиқ бўлади.

2. *Интеллектуал.* Бу тоифадаги касб эгалари бошқа кишилардан масалаларни чуқур таҳлил қилиши, оқилона иш юритиши, мустақиллиги ва ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб турсалар-да, лекин улар ижтимоий меъёрларга қатъий амал қилишга унчалик мойил эмаслар.

Уларда математикага бўлган қобилият яхши ривожланган, улар ўз фикрларини жуда яхши баён эта олади, мантикий ва мавҳум масалаларни еча билади.

Бу тоифадаги инсонлар илмий-тадқиқот йўналишидаги, яъни ижодий қобилият ва ностандарт фикрлашни талаб этувчи касбларни афзал билишади: ботаник, физик, файласуф, дастурчи ва бошқалар.

3. *Ижтимоий.* Ушбу тоифадаги касб эгалари инсонпарвар, ҳиссиётли ва фаол шахслар бўлиб, ижтимоий меъёрларга кўпроқ амал қилади. Улар ўзгаларга ҳамдард бўла олади, бошқаларнинг ички кечинмаларини яхши тушунади ва уларнинг қалбига йўл топа олади. Одамлар билан осон мулоқотга киришади, ўз фикрларини баён этишда қийналмайди.

Уларда математикага бўлган қобилият анча суст ривожланган. Бу тоифадаги инсонлар фаолияти асосан бошқа кишилар билан ҳамкорликда ишлаш, одамларга таълим бериш ва уларнинг хулқ-атворларини назорат қилишга қаратилади. Улар асосан таълим, даволаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ва одамлар билан доимо муносабатда бўлишни талаб этувчи бошқа йўналишларда хизмат қилади.

4. *Конвенционал ёки стандарт.* Бу тоифадаги касб эгалари амалий фаолиятни, аниқликни ёктиради. Улар ижтимоий меъёрларга амал қилади, ўйлаган ишини охирига етказмасдан қўймайди, тиришқоқ ва шиддатли ва бақувват бўлади. Белгилар оламига қизиқади, кўпинча теварак-атрофнинг хусусиятларини белгилар тизимида ифодалай олади. Улар аниқ фаолият йўналишини афзал билади, мақсад ва вазифаларни шарт-шароитга қараб белгилайди. Уларнинг касбий фаолияти асосан идора ва ҳисоб-китоб ишлари, ҳужжатлар тузиш ва уларни расмийлаштириш, сонлар, шартли белгилар тизими ўртасидаги миқдорий ва сифатий муносабатларни аниқлаш билан узвий боғлиқ бўлади; улар ҳисобчи, агент, нотариус, топограф, корректор бўлиб фаолият кўрсатишни, шартли белгилар, рақамлар, формулалар, матнлар тарзда берилган ахборотларни қайта ишлашни маъқул кўрадилар.

Фаолиятнинг бундай турларида мулоқот соҳаси анча чекланган. Уларда коммуникативлик ва ташкилотчилик қобилияти суст, аммо ижрочилик сифатлари яхши ривожланган.

5. *Уддабурон.* Бу тоифадаги касб эгалари топқир, амалиётчи, мураккаб шароитларда тез йўналиш ола билади, мустақил қарорлар қабул қилишга, ижтимоий фаоллик кўрсатишга, етакчилик қилишга мойил, саргузаштларга жуда қизиқади. Уларда бошқалар билан мулоқот қила билиш қобилияти кучли ривожланган бўлади.

Диққат-эътибор ва сабр-тоқатни талаб этадиган ишларга хоҳишлари йўқ. Улар ташкилотчилик қобилиятини, куч-қудратини намойиш этишга имкон берадиган фаолият турларини афзал билишади. Товаршунос, директор, журналист, телерепортёр бўлиб ишлаш ва ҳар хил шароитларда турли тоифадаги одамлар билан мулоқот қилишни, бошқаришни, раҳбарлик қилишни талаб этувчи касблар ана шундай фаолиятни тақозо этади.

Бундай тоифадаги касб эгалари одамларга ўз эътиқоди билан таъсир кўрсата олади. Улар ҳар доим ўз ишларидан қониқмайдилар.

6. *Артистик.* Ушбу тоифадаги касб эгалари ўзига хос, мустақил қарор қабул қилади, камдан кам ҳолларда ижтимоий меъёрларни қўллаб-қувватлайди

ва маъкуллайди, ҳаётда ўз шахсий (кўпинча жуда мураккаб) қарашига эга, хаёллари юксак, тез фикрлайди, юқори ҳиссий сезгирликка эга.

Атрофидаги шахслар билан ўз сезгиси, ҳис-туйғуси, тасаввур ва интуициясига асосан муносабат ўрнатади. Яхши реакцияга, муносабат ўрната олиш ва идрок этиш қобилиятига эга. Бошқалар билан мулоқотга кириша олиш қобилияти анча ривожланган.

Уларнинг касбий маҳорати кўп даражада актёрлик-сахна ишлари, мусиқа яратиш ва ихтирочилик фаолияти билан узвий боғлиқ.

3-илова

IQ натижаларини алмаштириш

Балл	8	8,5	9	9,5	10	10,5	11	11,5	12	12,5	13	13,5	16-30
2.	73	68	65	59	57	53	53	50	48	46	46	46	-
3.	74	70	67	61	58	56	54	41	49	49	48	47	-
4.	76	72	68	62	60	57	55	53	51	50	49	49	-
5.	77	73	70	64	61	59	57	54	52	51	50	50	-
6.	79	75	71	65	63	60	58	55	53	53	52	51	-
7.	81	76	73	67	64	61	59	57	55	54	52	52	-
8.	82	78	74	68	66	63	61	58	56	55	54	54	-
9.	84	79	76	70	67	64	62	60	57	57	55	55	-
10.	85	81	77	71	69	66	64	61	59	58	57	56	-
11.	87	83	79	73	70	67	65	62	60	59	58	57	55
12.	89	84	80	74	72	69	66	64	61	61	59	59	57
13.	90	86	82	76	73	70	68	65	64	62	60	60	58
14.	92	87	83	77	75	71	69	67	64	63	62	61	59
15.	93	89	79	75	73	71	68	65	65	65	63	62	61
16.	95	90	86	80	78	74	72	69	67	66	64	64	62
17.	97	92	88	82	79	76	73	71	68	67	66	65	65
18.	98	94	89	83	81	77	75	72	69	69	67	66	65
19.	100	95	91	85	82	79	76	74	71	70	68	67	66
20.	101	97	92	86	84	80	78	75	72	71	69	69	67
21.	103	98	94	88	85	81	79	76	73	72	71	70	69
22.	104	100	95	89	87	83	80	78	75	74	72	71	70
23.	105	101	97	91	88	84	82	79	76	75	73	72	71
24.	107	103	98	92	90	86	83	81	77	76	74	74	72
25.	108	104	100	94	91	87	85	82	79	78	78	75	74
26.	109	106	101	95	93	89	86	83	80	79	77	76	75
27.	110	107	103	97	94	90	87	85	81	80	78	77	76
28.	112	108	104	98	96	91	89	86	83	82	80	79	75
29.	113	110	106	100	97	93	90	88	83	83	83	80	79
30.	114	111	107	102	99	94	92	89	85	84	82	81	80
31.	116	113	109	109	100	96	93	90	87	86	83	82	82
32.	117	114	110	105	102	97	94	92	85	84	85	84	83
33.	118	115	112	106	103	99	96	96	93	88	88	85	84

34	120	117	113	108	104	100	97	95	91	90	87	86	86
35	121	118	115	113	105	103	99	96	92	91	88	87	87
36	122	120	116	111	107	103	100	97	93	92	90	89	88
37	123	121	118	112	109	105	102	99	95	93	91	90	90
38	125	122	119	114	110	107	104	100	96	95	92	91	91
39	126	124	121	115	112	108	105	102	97	96	94	92	92
40	127	125	122	117	113	110	107	104	99	97	95	94	94
41	129	127	124	118	115	112	109	106	100	99	96	95	95
42	130	128	125	120	117	113	111	108	102	100	97	96	96
43	131	129	127	121	118	115	112	109	104	102	99	97	98
44	132	131	128	123	120	117	114	111	106	104	100	99	99
45	134	132	130	125	121	118	116	113	108	106	102	100	100
46	135	134	131	126	123	120	118	115	110	109	105	102	102
47	136	135	133	127	125	122	120	117	112	111	107	105	104
48	138	136	134	129	126	123	121	119	114	113	109	107	106
49	139	138	136	130	128	125	123	121	116	115	110	110	108
50	140	139	137	132	129	127	125	123	118	117	114	112	110
51	142	141	139	133	131	128	127	124	120	119	116	115	112
52	143	142	140	135	133	130	128	126	122	121	118	117	114
53	144	143	142	136	134	132	130	128	124	123	121	120	116
54	146	144	143	138	136	133	132	130	126	126	123	122	118
55	147	146	145	139	137	135	134	132	128	128	125	123	120
56	148	148	146	141	139	137	136	134	130	130	127	127	122
57	149	149	148	142	141	138	137	136	132	130	130	130	124
58	151	150	148	144	142	140	138	138	134	134	132	132	126
59	152	152	151	145	144	142	141	139	136	136	134	134	128
60	153	152	152	147	145	145	143	141	138	138	137	137	130
61	155	155	154	147	145	145	143	141	138	138	137	137	130

!6-30 ёшликлар учун IQ 100 % 3-иловада келтирилган, Анча катта ёшдагилар учун куйидаги формула буйича хисоблаб чиқилади.

IQк IQ (3-иловадаги жадвал) x 100 / % куйидаги жадвал кўрсаткич олинади (4 – илова)

$$IQ = \frac{IQ(3-иловадаги\ жадвал) \cdot 100}{\%(4-иловадаги)}$$

Ёш	16 – 30	35	40	45	50	55	60
%	100	97	93	88	82	76	70

3-БЎЛИМ. ПСИХОДИАГНОСТИКАДАН БИЛИМЛАРНИ БАҲОЛАШ

Тест саволлари

1. Шахсни ўрганувчи тестларни белгилашнинг техник характери кимлар учун мўлжалланган?

Мутахассислар учун.

Тестлардан фойдаланишни билмайдиганлар учун

Мутахассис бўлмаган, аммо тестдан фойдаланишни билувчилар учун

Бундай сўровномаларни шартли белгилаш мавжуд эмас.

2. Номутахассислар учун сўровномаларни белгилаш қандай номланади?

Маиший

Техник.

Шартли белгилашдан фойдаланилмайди

Тўғри жавоб йўқ.

3. Қиёфа психодиагностикасида шахсни конституционал диспозицияга таяниб ўрганиш моҳиятида нима ётади?

Темперамент

Характер

Эмоция

Қобилиятлар

4. Қиёфа психодиагностикасида шахсни социал (ижтимоий) диспозицияга таяниб ўрганиш моҳиятида нима ётади?

Характер

Мотивация

Муносабат

Темперамент.

5. Шахс тўғрисида маълумот олишнинг қандай усулида ҳаётий кузатишларга таянилади?

"L'" - маълумотда

«T»-маълумотда

“Q”-маълумотда

Идеографияда

6. Шахс тўғрисида маълумот олишнинг қайси турида тестлар ва сўровномалардан фойдаланишга таянилади?

“Q”-маълумотда

«T»-маълумотда

"L'" - маълумотда

Номотетик

7. Шахс тўғрисида маълумот олишнинг қайси турида тестлар ва сўровномалардан фойдаланишдан ташқари вазиятларга ҳам таянилади?

«T»-маълумотда

"L'" - маълумотда

“Q”-маълумотда

R-техникада

8. Шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари келтирилган қаторни кўрсатинг?

"L'" - маълумот, “Q”-маълумот, «T»-маълумот

Биография, лонгитюд, сифат таҳлил

Кузатиш, эксперимент, тест

R-техника, R-техника

9. Тестларни ишончлилигини аниқлаш қоидалари қайсилар?

Ретест, эквалент вариантдан фойдаланиш, жуфт ва тоқ қатор жавобларини

Ўзаро таққослаш

R-техника, R-техника, Номотетик ва идеографик.

"L"- маълумот, "Q"-маълумот, «T»-маълумот

Биография, лонгитюд, сифат таҳлил

10.Равенннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги А серия топшириқлари қандай тамойилга таяниб тузилган?

Ўзаро алоқадорлик

Анология

Арифметик амалларга

Қайта гуруҳлаш

11.Равенннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги В серия топшириқлари қандай тамойилга таяниб тузилган?

Анология

Ўзаро алоқадорлик.

Арифметик амалларга

Қайта гуруҳлаш

12. Равенннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги С серия топшириқлари қандай тамойилга таяниб тузилган?

Прогрессив ўзгаришларга

Ўзаро алоқадорлик

Анология

Қайта гуруҳлаш

13.Равенннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги Д серия топшириқлари қандай тамойилга таяниб тузилган?

Қайта гурухлаш

Ўзаро алоқадорлик.

Анология

Арифметик амалларга

14. Равеннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги E серия топшириқлари қандай тамойилга таяниб тузилган?

Арифметик амалларга

Ўзаро алоқадорлик

Анология

Элементларга ажратиб ташлаш

15. Тестларнинг оперативлик ва тежамкорлиги деганда нима тушунилади?

Тузилиши ва бажарилиш вақти жиҳатидан қулайлиги.

Топшириқ жавобларининг камлиги ва осонлиги.

Топшириқ вариантлари жавобларининг хилма-хилиги

Қисқа вақт оралиғидан натижаларни аниқлашга эгалиги.

16. Тестларга қўйиладиган талабларни аниқланг?

Оперативлик, тежамкорлик, оптималлик, ишончлилик

Профанация, адолатлилик, компьютерлаштириш, «кўр-кўроналик»

Компьютерлаштириш, индивидуал ёндашишнинг бўлмаслиги

Ноадекват мураккаблик, индивидуал ёндашишнинг бўлмаслиги

18. Тестларнинг ишонччилигини аниқлашнинг қайси қоидасида тестларни қайта ўтказиш лозим ҳисобланади?

Ретестда

Эквалент вариантдан фойдаланишда

жуфт ва тоқ жавоб вариантларини таққослашда

Тўғри жавоб мавжуд эмас.

19.Тестларнинг ишончлилигини аниқлашнинг қайси қондасида тестларни бир-бирига хос шаклларидадан фойдаланиш лозим ҳисобланади?

- А.Эквалент вариантдан фойдаланишда
- В.Тўғри жавоб мавжуд эмас
- С.Жуфт ва тоқ жавоб вариантларини таққослашда
- Д.Ретестда

20.Тестларнинг ишончлилигини аниқлашнинг жуфт ва тоқ топшириқ жавобларини таққослаш қондасидан кўпроқ қандай тестларда фойдаланилади?

- А.Интеллектуал тестлар
- В.Шахс сўровномалари
- С.Анкета
- Д.Проектив методикалар

21.Тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги орасидаги нисбий психометрик тенглик қандай?

- А.Валидлик \leq Ишончлилиқ
- В.Валидлик $>$ Ишончлилиқ
- С.Валидлик \geq Ишончлилиқ
- Д.Валидлик $<$ Ишончлилиқ

22.Тестларнинг ишончлилиги деганда нима тушунилади?

- А.Тест топшириқларининг ички мувофиқлик даражасига эгалиги
- В.Тестнинг мўлжалланган хусусиятни ўрганиш имкониятига эгалиги
- С.Тестларнинг аниқ жавобларга эгалиги.
- Д.Тестларнинг бир неча жавоб вариантларига эгалиги.

23. Тестларнинг валидлиги деганда нима тушунилади?

А. Тестнинг мўлжалланган хусусиятни ўрганиш имкониятига эгаллиги

В. Тест топшириқларининг ички мувофиқлик даражасига эгаллиги

С. Тестларнинг аниқ жавобларга эгаллиги.

Д. Тестларнинг бир неча жавоб вариантларига эгаллиги.

24. Тестларнинг қандай валидлик турлари мавжуд?

А. Концептуал, эмпирик, конкрет, прогностик

В. Бир ўлчамли, кўп ўлчамли, сохта

С. Содда, мураккаб, аниқ, ноаниқ

Д. Репрезентатив, конструктив, комплекс

25. Интеллект коэффицентини фанга олиб кирган олим ким?

Штерн

Сеген

Эскирол

Кеттелл

26. Ақлий ёш муаммосини тадқиқ этган Француз олимларини аниқланг?

А. Бине ва Симон

В. Спирмен ва Тёроустон

С. Эскерол ва Сеген

Д. Кеттелл ва Спирмен

27. Ўзини ўзи англаш психодиагностикасида шахснинг таҳлил этиш даражалари қайсилар?

А. Жисмоний, ижтимоий индивид ва шахслик

В. Жисмоний Мен, Ақлий Мен ва Индивидуал Мен

С. «Ретроспектив Мен», «Реал Мен» ва «Идеал Мен»

Д, «Социал Мен», «Реал Мен» ва «Идеал Мен»

28. Субъектив назорат тўғрисида сўз борганда қайси механизмлар ҳақида мулоҳаза юритилган бўлади?

- А. Интернал локус назорат ва интернал локус назорат
- В. Интерналлик ва оралиқ назорат
- С. Экстроверция ва интроверция
- Д. Экстропунитив ва интропунитив

29. Социометрия методининг асосчиси ким?

- А. Ж. Морено
- В. Г. Мюррей
- С. Роттер
- Д. А. Бине

30. Л. Т. Ямпольскийнинг «Психодиагностик тест» и қайси шахс сўровномаларининг модификацияси ҳисобланади?

- А. «16 омилли шахс сўровномаси» ва ММРІ
- В. «Q-саралаш ва «16 омилли шахс сўровномаси»
- С. «Q-саралаш» ва ММРІ
- Д. Стреляунинг «Темпераментни ўрганиш тести» ва FPI сўровномалари

31. «Психодиагностик тест» нинг таркиби неча шкала мавжуд ва улар қандай омилларга ажратилади?

- А. Тестнинг 14 шкаласи бор, қуйи ва юқори омилларга ажратилади
- В. Тестнинг 10 шкаласи бор, қуйи омиллар, ўрта омиллар ва юқори омилларга ажратилади
- С. Тестнинг 8 шкаласи бор, қуйи омиллар, ўрта омиллар ва юқори омилларга ажратилади
- Д. Тестнинг 12 шкаласи бор, қуйи ва юқори омилларга ажратилади

32.«Психодиагностик тест» нинг таркибидаги психик беқарорлик, асоциаллик, , интроверсия, ва сензитивлик қандай омилга киради?

А.Юқори омил

В.Қуйи омил

С.Ўрта омил

Д.Умумий омил

33.«Психодиагностик тест» нинг таркибидаги психик беқарорлик шкаласи таркибига қуйи омилнинг қайси шкалалар киради?

А.Невротизм, психотизм, депрессия

В.Экстраверсия, интроверсия, сензитивлик

С.Виждонлилик, тобелик, умумий фаоллик

Д.Умумий фаоллик, турғунлик, мулоқотмандлик

34. Я.Стреляунинг шахс сўровномаси қандай шкалалардан ташкил топган?

А.Қўзғалиш кучи, тормозланиш кучи, ҳаракатчанлик. Мувозанатлашганлик

В.Экстраверсия, интроверсия, сензитивлик

С.Виждонлилик, тобелик, умумий фаоллик

Д.Умумий фаоллик, турғунлик, мулоқотмандлик

35.Шахслик сўровномаларида нима учун назорат шкалаларидан фойдаланилади?

А.Сўровномаларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун

В.Сўровномаларнинг мураккаблик даражасини белгилаш учун

С.Сўровномаларнинг аҳамиятини ошириш учун

Д.Сўровнома саволларини тез тушуниш учун

36.Проектив методикалар сарасига кирувчи методикаларнинг топинг:

- А. Қўл тести, автопортрет, «Сиёҳ доғлари
- В. Қўл тести, социометрия, автопортрет
- С. Автопортрет, психогеометрия, Лири методикаси
- Д. “Қўл тести”, «16 омилли шахс сўровномаси», Шварцландер тести

«37. «16 омилли шахс сўровномаси» ва ММРІ шахс сўровномаларининг модификацияси ҳисобланадиган тестни қайси?

- А. Л.Т.Ямпольскийнинг «Психодиагностик тест»и
- В. «Q-саралаш»
- С. Т.Лири тести
- Д. Стреляунинг «Темпераментни ўрганиш тести»

38.Ж.Морено қандай метонинг асосчиси ҳисобланади?

- Социометрия
- Кузатиш
- Эксперимент
- Шкалалаштириш

39.Стреляу методикаси қандай шкалалардан ташкил топган?

- А. Қўзғалиш кучи, тормозланиш кучи, ҳаракатчанлик.
- В. Экстраверсия, интроверсия, невротизм
- С. Аниқлик, пухталиқ, тезкорлик.
- Д. Темп, ригидлик, агрессивлик

40.Стреляу методикаси қандай концепцияга асосланади?

- А. Психофизиологик
- В. Физиологик
- С. Биологик
- Д. Психологик

41. Стреляу методикаси қандай психик хусусиятларни ўрганишга мўлжалланган?

- A. Темперамент
- B. Қобилият
- C. Характер
- D. Қизиқишлар

42. Г.Ю.Айзенк методикаси қандай шкалалардан иборат?

- A. Экстраверсия-интроверсия, невротизм, ёлғон
- B. ижтимоий дадиллик, шизотимия, бекарорлик
- C. Циклотимия, эмотив, деструктив
- D. Психотизм, невротизм, депрессия

43. Г.Ю.Айзенк методикасининг қайси шкаласи шахснинг асаб тизими хусусиятларини белгилайди?

- A. Невротизм
- B. Асоциаллик
- C. Ёлғон
- D. Экстраверсия-интроверсия

44. Г.Ю.Айзенкнинг шахс сўровномасида ёлғон шкаласи мавжуд?

- A. Текширилувчининг тест саволларига объектив ва самимий жавоб берганлигини аниқлаш учун.
- B. Тест саволларини тўғри ёки нотўғри тузилганлигини аниқлаш учун
- C. Тест саволларини ёлғон тузилганлигини аниқлаш учун
- D. Текширилувчиларни ёлғончилигини аниқлаш учун.

45. Стреляунинг «Темпераментни ўрганиш» тестидаги саволлар ҳажми ва уларнинг тест шкалалар бўйича улушини қандай?

- А. 134 саволдан иборат, биринчи шкалада 45, иккинчи шкалада 44 ва учинчи шкалада 45 та
- В. 174 та саволдан иборат, биринчи шкалада 65, иккинчи шкалада 64 ва учинчи шкалада 45 та
- С. 105 та саволдан иборат биринчи шкалада 35, иккинчи шкалада 45 ва учинчи шкалада 25 та.
- Д. 94 та саволдан иборат, биринчи шкалада 35, иккинчи шкалада 30 ва учинчи шкалада 29 та.

46. Г.Ю.Айзенкнинг «Экстраверсия-интроверсия ва невротизмни ўрганиш» шахс сўровномасининг ишончлигини аниқашда тестлар ишончлилигини аниқлашнинг қандай қондасига амал қилиш маъқулроқ?

- А. Тестларнинг эквалент шаклларида фойдаланиш.
- В. Ретест ўтказиш орқали.
- С. Жуфт ва тоқ саволларнинг натижаларини таққослаш орқали.
- Д. Бошқа тестларнинг натижалар билан таққослаш орқали.

47.Бугунги кунда «Социометрия методикаси»нинг қанча модификацияси бор деб қаралмоқда?

- А. 4000дан ортиқроқ
- В. 2000 дан ортиқроқ
- С. 3000 дан ортиқроқ
- Д. 1000 тага яқин

48.Социометрияга асосланган, аммо социометриянинг индивидуал жиҳатдан тадқиқ этишга асосланган модификацияси қандай номланади?

- А. Аутосоциометрия.
- В. Индивидуал социометрия.
- С. Сохталаштирилган социометрия.
- Д. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

49.Қайси психолог-олимнинг методикаси шахслараро муносабатдаги коммуникатив ораликни ўрганишга мўлжалланган эди?

- А. Ю.Я.Рижонкин.
- В. Л.Т. Ямпольский
- С. В.М.Русалов.
- Д. Гербачевский

50.Психодиагностик тест таркибидаги факторлар қандай даражага ажратилади?

- А. Юқори ва қуйи факторлар.
- В. Бирламчи ва иккиламчи факторлар
- С. Тўғри ва тескари факторлар..
- Д. Ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган факторлар.

51.Психодиагностик тест таркибида психотизм, невротизм ва депрессия юқори омил таркибидаги қайси шкаланинг таркибига киради?

- А. Психик беқарорлик
- В. Асоциаллик
- С. Интроверсия.
- Д. Сензитивлик

52.Л.Т.Ямпольскийнинг Психодиагностик тестининг юқори факторидаги шкалалар қандай номланади?

- А. Психик беқарорлик, асоциаллик, интроверсия, сензитивлик
- В. Психотизм, невротизм, депрессия, виждонлилик.
- С. Турғунлашаганлик, мулоқатмандлик, виждонлилик, таассуроччанлик.
- Д. Тобелик, эстетик таассуротчанлик, назокатлилик, турғунлашаганлик.

53. Социометрия методикаси натижаларини таҳлил этишда қандай индексларни аниқлаш лозим бўлади?

- A. Социал индекс, эмоционал экспансивлик, гуруҳнинг эмоционал экспансивлиги индекслари
- B. Социограмма, психограмма ва социоматрица индекслари
- C. Социал уюшқоқлик, социал муҳит, социал ҳамкорлик индекслари
- D. Ҳеч қандай индекс аниқланмайди.

54. АҚШ Сенатининг нечанчи йилдаги кенгашида тест масаласи алоҳида таҳлил этилган.

- A. 1961 йил
- B. 1977 йил
- C. 1956 йил
- D. 1988 йил

55. Психодиагностик тест юқори фактори таркибидаги «асоциаллик» шкаласига қуйи факторнинг қайси шкалалари киради?

- A. Виждонлилик, тобелик, турғунлашганлик
- B. Психотизм, невротизм, сензитивлик.
- C. Виждонлилик, назокатлилик, эстетик таассуротчанлик
- D. Невротизм, сензитивлик, асоциаллик

56. Равен тестнинг ҳар бир вариантыдаги топшириқлар нечтадан?

- A. Ҳар бир вариант 12 тадан топшириқларидан иборат.
- B. Ҳар бир вариантда 15 тадан топшириқлари мавжуд.
- C. Ҳар бир вариантыда 10 тадан тест топшириқлари бор.
- D. Ҳар бир вариант таркибида 20 тадан топшириқлар ўрин олган.

57. Равен тестида натижалар қандай мезонлар асосида таҳлил этилади?

- A. Натижалар фоиз ҳисобида, балл кўрсаткичи ва ёш нормаларига асосланади.
- B. Натижалар фақат фоизга орқали ёш нормасига асосланади.

С. Равен тест натижалари учун аниқ бир нормалар мавжуд эмас.

Д. Тест фақат балл асосида таҳлил этилади.

58.Ж.Келлининг Репертуар панжара методикси қандай назарий концепцияга таянади?

А. Шахнинг ижтимоий когнитив назариясига

В. Шахнинг биогенетик концепциясига.

С. Шахнинг психогенетик концепциясига.

Д. Шахнинг ижтимоий-маданий концепциясига.

59.В.М.Русаловнинг «Темперамент структурасини ўрганиш» методикаси қандай назарий асосларга таянади?

А. Ижтимоий ва конструктив диспозицияга

В. Характер ва темперамент

С. Биологик ва социал

Д. Фақат биологик.

60.«Оила расми» методикаси умумий психодиагностиканинг қайси йўналишидаги муаммоларни ўрганишга қаратилган?

А. Шахслараро муносабат психодиагностика

В. Мотивация психодиагностикаси.

С. Ўз-ўзини англаш психодиагностикаси

Д. Индивидуал онг психодиагностикаси.

61.В.М.Русаловнинг «Темперамент структурасини ўрганиш» методикасининг нечта шкаласи мавжуд.

А. Саккиз асосий ва битта ёрдамчи

В. Еттита асосий ва иккита ёрдамчи

С. Олтита асосий ва учта ёрдамчи

Д. Олтита асосий ва иккита қўшимча.

62. Социоматрицадан нима маъсадда фойдаланилади?

- A. Социометрия методикаси бўйича олинган натижаларни умумлаштириш учун
- B. Социометрия натижаларини фарқларини кўрсатиш.
- C. Социометрия методикаси натижаларини факторли таҳлил қилиш учун
- D. Гуруҳ аъзоларини социал статусини текшириш учун.

63. В.М.Русалов методикасидаги эрглик шкаласи нимани ифодалайди?

- A. Жисмоний фаолиятга мойиллик, жисмоний меҳнатга қувватлилик.
- B. Руҳий фаолликни, ишонч туйғусини.
- C. Жисмоний ва ақлий фаолият орасидаги тафовутни.
- D. Жисмоний фаолликни руҳий фаолликдан устунлигини.

64. В.М.Русалов методикасининг шкалаларини аниқланг?

- A. Эрглик, социал эрглик, темп, социал темп. Пластиклик, социал пластиклик, эмоционаллик, социал эмоционаллик.
- B. Психотизм, невротизм, депрессия, виждонлилик, турғунлик, тобелик, ижтимоий фаоллик, эстетик таассуротчанлик.
- C. психик беқарорлик, ижтимоий етуклик, ижтимоий мардлик, мулоқатмандлик, сизотимия, циклотимия.
- D. Аффекция, интеллект, доминантлик, алақсия, радикализм, интеграция, эрглик.

65. Кўп омилли шахсни ўрганиш сўровномаси (FPI) шкаладан ташкил топган?

- A. 12 та.
- B. 14 та.
- C. 10 та.
- D. 16 та.

66.Кўп омилли шахсни ўрганиш сўровномаси (FPI) нинг шкалалари келтирилган жавобни топинг?

А. Невротиклик, агрессивлик, депрессия, таъсирчанлик, мулоқотмандлик, барқарорлик, реактив агрессивлик, тортинчоқлик, очиклик, экстраверсия-интроверсия, эмоционал лабиллик, маскулизм-феминизм.

В. Психотизм, невротизм, депрессия, виждонлилик, турғунлик, тобелик, ижтимоий фаоллик, эсетик таассуротчанлик, назокатлилик, психик бекарорлик, асоциаллик, интроверсия, сензивлик

С. психик бекарорлик, ижтимоий етуклик, ижтимоий мардлик, мулоқатмандлик, сизотимия, циклотимия.

Д. Аффекция, интеллект, доминантлик, алаксия, радикализм, интеграция, эрглик.

67.Қайси антик даври мутафаккири асарида шахс хусусиятларига кўра инсонлар типларга ажратилган?

А. Теофаст, «Характерлар»

В. Аристотель,

С. Платон,

Д. Гиппократ

68.Хорижий методикаларни маҳаллий шароитга мослаштириш борасидаги асосий этаплар қайси?

А. Тестнинг оригинал вариантини бошқа тилга ағдариш, мутахассислар ёрдамида эксперт баҳолаш, тест шкалаларини эквалентлигини текшириш, маҳаллий муҳитга мос меъёрлар танлаш.

В. Тестнинг оригинал вариантини бошқа тилга ағдариш, мутахассислар ёрдамида эксперт баҳолаш, тестнинг ишончлилигини аниқлаш, валидлигини текшириш.

С. Маҳаллий муҳитга мос тест танлаш, Тестнинг оригинал вариантини бошқа тилга ағдариш, мутахассислар ёрдамида эксперт баҳолаш.

Д. Хорижий тестларни маҳаллий муҳитга мослаштиришнинг бирон-бир амалий тартиби мавжуд эмас.

69.Интеллектга факторли ёндашиш назария асосчиси ким?

- А. Ч.Спирмен.
- В. Симон.
- Д. А.Бине.
- Г. Гальтон

70.Ч.Спирменнинг ёндашувича G-фактор нимани англатади?

- А. Ақлий қувват
- В. Нутқнинг ривожланганлиги.
- С. Ақлий қобилият
- Д. Лаёқ

71.Қайси олим интеллектни 12 та факторга ажратиб, улардан 7 тасини ўз ишларида фойдаланганэди?

- А. Л.Тёрстоун.
- В. Ч.Спирмен.
- С. А.Бине
- Д. Р.Б.Кеттелл.

72.К.Г.Юнг ўзининг қайси тести ёрдамида жинойтларни очиш имкониятига эришган эди?

- А. Ассоциатив тест.
- В. Шахс хусусиятларини ўрганиш тести.
- С. Тугалланмаган жумлалар.
- Д. Шкалалаштриш тести.

73.Қайси тоифа методикаларни стандарт нормага солиш қийинчилик туғдиради?

- A. Проектив тестлар.
- B. Интеллектуал тест.
- C. Шахс сўровномалари.
- D. Мотивацияни ўрганиш тестлари.

74.Роршахнинг «Сиёҳ доғлари» тестининг қайсиёшларга мўлжалланган нормалари мавжудми?

- A. 2-10 ёш, 10-16 ёш ва 70 ёшгача
- B. Фақат вояга етган шахслар учун
- C. Ушбу тест учун нормалар шарт эмас.
- D. Ушбу тестнинг аниқ нормалари мавжуд эмас.

75.Проектив методикалар қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?

- A. Структуралаштирилганлиги, конструкциялашганлиги, Интерпретациялаш шартига кўра.
- B. Яратилганлик вақти, ўрганиш объекти ва методиканинг хусусиятига кўра.
- C. Натижаларни шарҳлаш, фойдаланиш тартиби ва аниқлик даражасига кўра.
- D. Гуруҳларга ажратиш шартлари мавжуд эмас.

76.Уй, дарахт, одам тести қандай тоифа тестлар сарасига киради?

- A. Проектив тест
- B. Интеллектуал тестлар.
- C. Шахс сўровномаси.
- D. Перцептив тест.

77.Уй, дарахт, одам тести дастлаб қандай тартибда тадқиқотчиларда татбиқ этилган?

- A. Ҳар бир расм алоҳида варақда чизиш таклиф этилган.

- В. Ҳар бир расм учун изоҳлаш талаб этилган.
- С. Ҳар бир расм икки нусхада чизилиш талаб этилган.
- Д. Ҳар бир расм учун ёрдамчи расм ҳам чизиш талаб этилган.

78. Уй, дарахт, одам тести ҳозирги кунда қандай тартибда текширилувчиларда татбиқ этиш таклиф этилади?

- А. Барча расмлар бир варақда чизиш таклиф этилади.
- В. Барча расмлар ранглар билан тасвирлаш таклиф этилади.
- С. Тест олдинги таклиф этилгани сингари бугунги кунда татбиқ этиш мумкин.
- Д. Аниқ талабга эга эмас.

79. Проектив методикаларга кирувчи тестлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Роршах «Сиёҳ доғлари», «Сонди тести», ТАТ, Дарахт, уй одам.
- В. Роршах «Сиёҳ доғлари», «Сонди тести», Шварцландер тести, Дарахт, уй одам.
- С. А.Бине тести, «Сонди тести», ТАТ, Дарахт, уй, одам.
- Д. Роршах «Сиёҳ доғлари», Кеттелл тести, ТАТ, Дарахт, уй одам.

80. Социометрия методикасини таркиби тузилмасига нималар киритилади?

- А. Социометрик карточка, социоматрица, социограмма, социометрик индекслар.
- В. Социал гуруҳни аниқлаш, социал статусни текшириш, гуруҳ жисплиги, авторитет.
- С. Гуруҳнинг жисплиги, социал установкалар, социал статус, лидерлик.
- Д. Тўғри жавоб мавжуд эмас.

81. Кейрс методикасида шахс типлари билан мутахассисликлар мослиги нечта тоифадан иборат?

- А. 16 та.

В. 20 та.

С. 8 та.

Д. 10 та.

82. Стреляунинг «Темпераментни ўрганиш» тестидаги

мувозанатлашганлик кучи қандай нисбий характери ифодалайди?

А. Мувозанат кучи (А) Ҳаракатланиш кучи (/ х)ни қўзғалиш кучи (/ қ) нисбатига тенг.

В. Мувозанат кучи (А) Ҳаракатланиш кучи (/ қ) ни қўзғалиш кучи (/ х) нисбатига тенг.

С. Мувозанат кучи (А) ҳаракатланиш кучи (/ қ) ва қўзғалиш кучи (/ х) ларнинг йиғиндисига тенг.

Д. Мувозанат кучи (А) Ҳаракатланиш кучи (/ қ) дан қўзғалиш кучи (/ х)ни айирмасига тенг.

83. Шварцландернинг тести нимани ўрганишга мўлжалланган?

А. Шахсни интилиш даржасини.

В. Шахснинг ўз-ўзини баҳолаш.

С. Шахснинг ақлий ривожланганлигини.

Д. Шахснинг агрессивлигини.

84. Т.Лири методикаси умумий психодиагностиканинг қайси йўналишидаги методикаларитоифасига киради?

А. Шахслараро муносабат.

В. Фаолият мотивациясини ўрганиш.

С. Шахснинг интеллекти диагностикаси

Д. Шахснинг ўз-ўзини баҳолаш.

85. Шахсни интилиш даржасини ўрганишга мўлжалланган методикалар киритилган гуруҳни топинг.

- А. Гербачевский ва Шварцландер методикалари.
- В. В.М.Русалов ва Л.Т.Ямпольский методикалари.
- С. «Оила расми» ва Лири методикаси
- Д. Стреляу ва Русалов методикалари

86. Равеннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги анологияга асосланиб қайси серия топшириқлар тузилган?

- А. В.
- В. А.
- С. Д
- Д. Е

87.Равеннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги прогрессив ўзгаришлар тамойилига асосланиб тузилган топшириқлар хайси серияга тегишли?

- А. С.
- В.Д.
- С. Е.
- Д. А.

88. Равеннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги қайта гуруҳлаш тамойилига асосланган топшириқлар қайси серия тошириқлари ҳисобланади?

- А. Д.
- В. А.
- Д. С.
- Д. Е

89. Равеннинг «Прогрессив матрицалар» тестидаги арифметик амаллар тамойилига асосланиб тузилган топшириқлар қайси серия топшириқлари ҳисобланади?

- A. E.
- B. D.
- C. A.
- D. B

90. Ресест, эквалент вариантларидан ва топшириқларнинг жуфт ва тоқ жавобларидан фойдалнишг тетсларнинг қандай қоидалари қайсилар?

- Тестларнинг ишончлилигини топиш қоидалари.
- Тестларнинг валиддлигини топиш қоидалари
- Тестларнинг тежамкорлигини белгиловчи қоидалар.
- Тест меъёрларини белгилаш қоидалари.

91. Тест топшириқларининг ички мувофиқлик даражасига эгаллиги деганда нима тушунилади?

- A. Тестларнинг ишончлилиги
- B. Тест меъёрлари
- C. Тестлар стандартлаштириш.
- D. Тестларнинг репрезентативлиги.

92. Валидлик \leq Ишончлилик кўринишидаги ифода нима деб аталади.

- A. Тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги орасидаги нисбий психометрик тенглик
- B. Валидлик ишончлиликдан кичик ёки тенг бўлиши мумкинлиги.
- C. психодиагностикада бундай нисбий тенглик мавжуд эмас.
- D. Валидлик \geq Ишончлилик нисбий тенглигининг тескари ифодаси.

93. Тестнинг мўлжалланган хусусиятни ўрганиш имкониятига эгаллиги нима деб аталади?

- A. Тестларнинг валидлиги
- B. Тест топшириқларининг ички мувофиқлик даражаси
- C. Тестларнинг аниқ жавобларга эгаллиги.
- D. Тестларнинг ишончлилиги.

94. Концептуал, эмпирик, конкрет, прогностик турлар тестнинг қандай психометрик ўламига алоқадор ?

- A. Валидликка.
- B. Тест нормаларига.
- C. Тестнинг ишончлилигига.
- D. Аниқ жавоб мавжуд эмас.

95. Ақлий ёш муаммосини ўрганишда ўзига хос улуш қўшган Бине ва Симон қайси юрт олимлари ?

- A. Франция
- B. Англия
- C. АҚШ
- D. Россия

96. Жисмоний, ижтимоий индивид ва шахслик психодиагностикада нимани ифодалайди?

- A. Ўзини ўзи англаш психодиагностикасида шахснинг таҳлил этиш даражалари
- B. Шахснинг хусусиятлари даражасини.
- C. Шахснинг мотивациясини ўсиб бориш даражасини.
- D. Шахснинг ёш жиҳатдан ривожланиш даражаларини.

97. Интернал локус назорат ва интернал локус назорат умумий психология предметининг қайси компонентига хос?

- А. Иродавий соўасига
- В. Индивидуал психологик хусусиятларига.
- С. Шах типологиясига.
- Д. Билиш соҳасига

98. «16 омилли шахс сўровномаси» ва ММРІ тестлари асосида қайси методика ?

- А Л.Т.Ямпольскийнинг «Психодиагностик тест»и
- В. «Q-саралаш»
- С Стреляунинг «Темпераментни ўрганиш тести»
- Д. Русаловнинг «Темперамент структураси»ни ўрганиш тести.

99.Тестларнинг тузилиши ва бажарилиш вақти жиҳатидан қулайлиги деганда нима тушунилади?

- Тестларнинг оперативлик ва тежамкорлиги
- Тестларнинг камлиги ва осонлиги.
- Топшириқ вариантлари жавобларининг хилма-хилиги
- Қисқа вақт оралиғидан натижаларни аниқлаш эгалиги.

100. "L"- маълумотда шахс тўғрисида маълумот олишда нимага таянилади?

- Шахснинг ҳаёт фаолиятини кузатишга.
- Шахснинг билиш жараёнларини текширишга.
- Шахс тўғрисидаги бошқаларнинг муносабатларига.
- Шахсни имкониятларини баҳолашга

АДАБИЁТЛАР

- А.Н. Воробьев, И. Г. Сенин , В. И. Чирковларнинг ҳаммуаллифлигида ёзилган «Опросник профессиональных предпочтений»- Ярославль, 1993
- Абрамова Г.С. Практикум по возрастной психологии: Учеб. пособие. - 2-е изд. - М, 1999. - 320 с.
- Айзенк Г.Ю. Проверьте свои интеллектуальные способности / Пер. с англ. А.Н. Лука, И.С. Хорола. - 2-е изд. - Рига, 1992. - 176 с.
- Алексеев А.А., Громова Л.А. Психометрия для менеджеров. - Л., 1991. - 164 с.
- Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование. - СПб., 2001. - 688 с.
- Ануфриев А.Ф. Психологический диагноз. - М., 1995. - 160 с.
- Батаршев А.В. Многофакторный личностный опросник Р.Кэттелла: Практическое руководство. - Таллин, 2000. - 88 с.
- Бернс Р.С, Кауфман С.Х. Кинетический рисунок семьи: введение в понимание детей через кинетические рисунки / Пер. с англ. - М., 2000. - 146 с.
- Бодалев А.А., Столин В.В. Общая психодиагностика. - СПб., 2000. - 440 с.

Бурлакова Н.С., Олешкевич В.И. Проективные методы: теория, практика применения к исследованию личности ребенка. - М., 2001. - 352 с.

Бурлачук Л. Ф. О дилетантстве в психологической диагностике // Вопросы психологии. - 1993. - № 5.

Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика.- .Спб.: Питер, 2007.-Б.10-23.

Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Словарь-справочник по психодиагностике. - СПб., 1999. - 528 с.

Венгер А.Л., Цукерман Г.А.. Психологическое обследование младших школьников. - М.: Владос-Пресс, 2005. - 159 с.

Волкова А.Н., Трапезникова Т.М. Методические приемы диагностики супружеских отношений // Вопросы психологии.- 1985. - № 5.- С.110-116.

Гозман Л.Я., Кроз М.В., Латинская М.В. Самоактуализационный тест. - М., 1995. - 43 с.

Демьянов Ю.Г. Диагностика психических нарушений: Практикум. - СПб., 1999. - 224 с.

Дилео Д. Детский рисунок: диагностика и интерпретация. - М., 2001. - 272 с.

Драгунский В.В. Цветовой личностный тест: Практич. пособие. - М.; Минск: АСТ; Харвест, 2001. - 445 с.

Елисеев О.П. Конструктивная типология и психодиагностика личности / Под ред. В.Н.Панферова. - Псков, 1994. - 280 с.

Забрамная С.Д. Психолого-педагогическая диагностика умственного развития детей: Учебник. - 2-е изд., перераб. - М., 1995. - 112 с.

Зиверт Х. Ваш коэффициент интеллекта. Тесты. - М., 1997. - 164 с.

Зиверт Х. Тестирование личности / Пер. с нем. - М.. 1997. - 198 с.

Исследования в психологии: методу и планирование/ Дж.Гудвин.-Спб.: Питер, 2004.-558 с.

Капустина А.Н. Многофакторная личностная методика Р.Кеттелла. - СПб., 2001. - 112 с.

Кеттелл Р.Е., Эбер Г.У., Тицуска Н.М. Руководство по работе с 16-ти факторным опросником. - Л., 1970. - 220 с.

Корнилова Т.В. Диагностика мотивации и готовности к риску. - М., 1997. - 232 с.

Корсакова Н.К., Микадзе Ю.В., Балашова Е.Ю. Неуспевающие дети: нейропсихологическая диагностика трудностей в обучении младших школьников. - 2-е изд., дополненное. - М., 2001. - 160 с.

Краткий тест творческого мышления. Фигурная форма: Пособие для школьных психологов. - М., 1995. - 48 с.

Лаак Я. Психодиагностика: проблемы содержания и методов. - М., 1996. - 384 с.

Левкович В.П., Зуськова О.Э. Методика диагностики супружеских отношений // Вопросы психологии. - 1987. - № 4. - С.128-134.

Леонтьев Д.А. Тест смысложизненных ориентации (СЖО). - 2-е изд. - М., 2000. - 18 с.

Люшер М. Цветовой тест Люшера / Пер. с англ. - СПб., 2002. - 192 с.

Мартин Д. Психологические эксперименту. Секрету механизмов психика.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004.-480 с.

Махвер К. Проективный рисунок человека / Пер. с англ. - М., 2000. - 154 с.

Меграбян А. Психодиагностика невербального поведения. - СПб., 2001. - 256 с.

Миллер С. Психология развития: методы исследования. - СПб., 2002. - 464 с.

Минияров В.М. Коррекционно-диагностическая работа учителя. - Самара, 1996. - 180 с.

Общая психодиагностика / Под ред. А.А. Бодалева, В.В. Столина. - М., 1987. - 304 с.

Остер Дж., Гоулд П. Рисунок в психотерапии. Методическое пособие для слушателей курса "Психотерапия". - М., 2001. - 184 с.

Практикум по возрастной психологии / Под ред. Л.А. Головей, Е.Ф. Рыбалко. - СПб, 2001. - 688 с.

Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии /Под.общей ред. А.А.Крѳлова, С.А.Маничева.-.-Спб.: Питер, 2005.-560 с.

Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии: Учеб. пособие / Под общей ред. А.А. Крылова, С.А. Маничева. - СПб.: Питер, 2000. - 560 с.

Практикум по психодиагностике. Дифференциальная психометрика/ Ред. В.В.Столин, А.Г.Шмелев.-М.: Изд-тво Моск. Ун-та, 1984.-152 с.

Практикум по психологии менеджмента и профессиональной деятельности/ Под ред. Г.С.Никифорова, М.А. Дмитриевой, В.М. Снеткова. - СПб., 2001. - 448 с.

Практикум по психофизиологической диагностике: Учеб. пособие / Э.М. Казин, Н.Г. Блинова, Л.Н. Игишева и др. - М.: Владос, 2000. - 127 с.

Практикум по спортивной психологии / Под ред. И.П. Волкова. - СПб.: Питер, 2002. - 285 с.

Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Учебное пособие / Редактор-составитель ДЛ. Райгородский. - Самара. 1998. - 672 с.

Проективная психология / Пер. с англ. - М., 2000. - 528 с.

Пряжников Н.С. Методы профессионального и личностного самоопределения: Учебно-методическое пособие. - М., 2002. - 400 с.

Ратанова Т.А., Золоторева Л.И., Шляхта Н.Ф. Методы изучения и психодиагностика личности. - М., 1997. - 219 с.

Ратанова Т.А., Шляхта Н.Ф. Психодиагностические методы изучения личности: Учебное пособие. - М., 1998. - 264 с.

Реан А.А. Практическая психодиагностика личности: Учебное пособие. - СПб., 2001. - 224 с.

Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога: Учебное пособие: В 2 кн. - 2-е изд., перераб. и доп. - М., 1998. - Кн. 1: Система работы психолога с детьми разного возраста. - 384 с.

Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога: Учебное пособие: В 2 кн. - 2-е изд., перераб. и доп. - М., 1998. - Кн. 2: Работа психолога со взрослыми. Коррекционные приемы и упражнения. - 480 с.

Романова Е.С., Потемкина С.Ф. Графические методы в психологической диагностике. - М., 1992. - 256 с.

Рубинштейн С.Я. Экспериментальные методики патопсихологии. - М., 1999. - 448 с.

Рукавишников А.А., Соколова М.В. Факторный личностный опросник Р.Кеттелла - 95. - СПб., 1995. - 90 с.

Руководство практического психолога: Готовность к школе: развивающие программы. Методическое пособие / Под ред. И.В.Дубровиной. - 5-е изд. - М., 1999. - 96 с.

Семаго Н.Я., Семаго М.М. Проблемные дети: Основы диагностической и коррекционной работы психолога. - М.: АРКТИ, 2003. - 207 с.

Семаго Н.Я., Семаго М.М. Теория и практика оценки психического развития ребенка. Дошкольный и младший школьный возраст. - СПб.: Речь, 2005. - 373 с.

Сидоренко Е.В. Методы математической обработки в психологии. - СПб, 2002. - 350 с.

Собчик Л.Н. Введение в психологию индивидуальности. Теория и практика психодиагностики. - М., 1997. - 480 с.

Собчик Л.Н. Метод портретных выборов. Адаптированный тест Сонди. Практическое руководство. - СПб., 2002. - 128 с.

Собчик Л.Н. Рисованный апперцептивный тест. - СПб., 2002. - 32 с.

Собчик Л.Н. Стандартизированный многофакторный метод исследования личности СМИЛ. - СПб, 2000. - 219 с.

Тесты детской апперцепции (САТ, САТ-Н, САТС). Справочное руководство / Пер. с англ.; Общ. ред. Галанов А.С. - М., 1997. - 35 с.

Цветкова Л.С. Методика диагностического нейропсихологического обследования детей. - М., 1997. - 85 с.

Цветкова Л.С. Методика нейропсихологической диагностики детей. Изд. 3-е, исправленное и дополненное. - М., 2000. - 128 с.

Шевандрин Н.И. Психодиагностика, коррекция и развитие личности. - М., 1998. - 512 с.

Широкова Г.А., Жадько Е.Г. Практикум для детского психолога. - Ростов н/Д: Феникс, 2004. - 315 с.

Шмелев А.Г. Основы психодиагностики: Учеб. пособие. -Ростов н/Д: Феникс, 1996. - 544 с.

Шмелев А.Г. Психодиагностика личностных черт. - СПб, 2002. - 480 с.

Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. - М.: Фолиум, 1996. - 48 с.